

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ
ИНСТИТУТИ

“ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, БУЮМЛАРИ ВА КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИ
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ”
КАФЕДРАСИ.

БЕТОН ТЎЛДИРУВЧИЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ

фанидан маъruzалар матни

Бакалавриат йўналиши:

5340500-“ Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини
ишлаб чиқариш”

Тузувчи:

А.ХАМИДОВ - “Қурилиш материалари, буюмлари ва конструкцияларини
ишлаб чиқариш” кафедраси профессори, техника
фанлари номзоди.

Наманган-2020

Кириш

Мустақил Республика мизнинг келажакда кучли ривожланган давлатлар қаторида ўрин олишида олий ўқув юртлари олдига юқори малакали мухандис мутахасислар, шу жумладан қурилиш соҳасида мураккаб масалаларни еча оладиган лойихачилар, конструкторлар ва мухандисларни тайёрлашдек мухим вазифалар қўйилмоқда. Хозирги бозор иқтисодига ўтилаётган бир пайтда арzon ва маҳаллий хом ашёлар асосида замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, илғор тинхнологияларни қўллаш, улардан қурилиш саноати талабларига мос келувчи ва халқ хўжалиги учун зарур бўлган қурилиш буюмлари ва қурилмаларни тайёрлаш мухим ахамиятга эгадир.

Мамлакатимизда капитал қурилиш соҳасига катта эътибор берилмоқда ва уни ривожлантириш учун хар йили катта маблағ ажратилмоқда. Қурилиш индустрясини ривожлантирмасдан ҳалқ хўжалигига керакли ютуқларга эришиб бўлмайди. Туар жой, саноат бинолари, коммуникация иншоотлари қурилмасига бўлган талабни қайтадан кўриб чиқиш, маҳаллий хомашёлардан янги замонавий қурилиш ашёлари, буюм ва конструкцияларни ишлаб чиқаришга доир муаммоларни хал этиш хозирги замон талабининг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “Таълим тўғрисидаги” қонунларида белгиланган вазифалардан келиб чиқсан холда таълим, хусусан олий таълим тизимида сифат жихатидан чуқур ислохотлар амалга оширилмоқда. “Таълим тўғрисида”ги қонунга мувофиқ кадрлар тайёрлаш соҳасидаги соғлом рақобат мухитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўқув-илмий ишлаб чиқариш мажмуй сиқатида изчил ривожлантириш мақсадида олий таълимда ҳам тинимсиз янгиланиш, фан ва тараққиётнинг энг илғор янгиликлари талабалар онгига сингдирилиб борилмоқда.

Мамлакатимиз президенти ташаббуси билан қабул қилинган “Қишлоқ тараққиёти ва фаравонлиги йили” Давлат дастурига мувофиқ қишлоқларимиз қиёфасини, қишлоқларда ҳаёт даражасини, ишлаб чиқариш муносабатларининг мазмун моҳиятини ўзгартиришга, аграр соҳада олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тўлдирувчилар хақида умумий маълумотлар.
Режа:

1. Фан мақсади ва вазифаси
2. Тўлдирувчиларнинг асосий тавсифлари.
3. Тўлдирувчиларнинг синфланиши.

Тўлдирувчилар – бу маълум заррачалар таркибига эга табиий ёки сунъий материаллар бўлиб, боғловчилар ва сувнинг рационал аралашмаси билан бетон хосил қилувчи материалдир. Нархи бетон ва темир-бетон конструкцияларнинг 30....50 % ни ташкил қиласи, шунинг учун уларни ўрганиш, тўлдирувчиларни тўғри танлаш, уларни меъёрида ишлаб чиқариш ва қўллаш халк хўжалигига катта аҳамиятга эга.

Бетоннинг асосий боғловчи актив қисми бу - цемент. Боғловчи сув билан аралашиб хамир хосил қилиши, тишлишиш ва қотиб қаттиқ холатга ўтиши ва бетонга айланиш хусусияти эга. Тўлдирувчи нима учун керак?

1. Тўлдирувчилар бетоннинг 80% гача ҳажмини ташкил қиласи, цемент ва бошқа боғловчиларни сарфланишини кескин камайтиради, қайсики улар бетон таркибида юқори баҳоли ва дефицит материал хисобланади.

2. Цемент тоши қотишида ҳажмий деформацияларга йўлиқади. Унинг чўкиши-2 мм/м га етади. Чўкиш деформацияларининг нотекис бўлиши ички зўриқишилар ва ёрилишларни келтириб чиқаради. Кичик ёриқлар қўзга кўринмайди, лекин улар цемент тошини мустахкамлигини ва чидамлилигини кескин пасайтиради. Тўлдирувчи бетонда қаттиқ каркас хосил қиласи, у эса чўкиш деформацияларини қабул қилиб, чўкишини камайтиради, (бу тахминан 10 баравар кам, цемент тошига нисбатан).

3. Юқори мустахкамликдаги тўлдирувчилардан иборат қаттиқ каркас мустахкамлик ва қайишқоқлик модулини оширади (яъни конструкциянинг юк таъсиридаги деформациясини камайтиради).

4. Енгил ғовак тўлдирувчилар бетоннинг зичлигини ва иссиқлик ўтказувчанигини камайтиради, бундай бетонлар тўсиқ конструкциялар ва иссиқлик изоляциялари учун ишлатилади.

5. Алоҳида оғир ва гидрат тўлдирувчилар бетоннинг радиациядан яхши сақлайди(атом электростанцияларида).

Юқоридаги санаб ўтилган бандлар тўлдирувчиларни ишлатиш жойларини белгилайди, қайсики булар бетоннинг жуда катта таркибий қисмидир, уларнинг хусусиятлари ва техник иқтисодий самарадорлигини белгилайди.

Тўлдирувчиларнинг синфланиши.

ЎзРСТ 669-96 “Норуда қурилиш ашёлари. Саноат чиқиндиларидан олинадиган зич чақиқ тош ва қум. Бетонбоп ғовак тўлдиргичлар” бўйича тўлдирувчиларнинг стандартлаштирилган синфланиши қўйидагилар бўйича белгиланади: келиб чиқиши, заррачалар йириклиги, заррачалар шакли, зичлиги (жадвал-1.1).

Тўлдирувчиларнинг синфланиши

Жадвал-1.1

Келиб чиқиши	Кўриниши, йириклиги, доналари шакли	Ишлаб чиқариш усули (қайта ишлаш)
I. Зич (доналари зичлиги > 2 г/см ³)		
Табиий	<p>Шагал(чақиқ тош) Шағал Шағал асосидаги чақиқ тош Қум: бойитилган ва фракцияланган Майдалаш чиқиндилари асосидаги қум Декоратив шағал ва қум</p>	<p>Тог жинсларини майдалаш ва саралаш Шағал-қумли қоришмани саралаш Шағални майдалаш ва саралаш Гидромеханизацияланган ва эксковаторда қазиб олиш: гидроклассификация, классификация, ювиш, бойитиш Классификация, ювиш ва бойитиш Майдалаш, саралаш ювиш, қуритиш ва бойитиш Майдалаш ва саралаш</p>
(Табиий) бойитиш чиқиндилари Саноат чиқиндилари асосида	<p>Шагал ва қум Домна шлаклари асосидаги шағал</p>	Майдалаш ва саралаш
II. Ғовак (доналар зичлиги) < 2 г/см ³		
A. Ноорганик Табиий Саноат чиқиндилари асосида Сунъий (маҳсус тайёрланган)	<p>Ғовак тоғ жинслари (Вулқон ва чўкинди жинслар) асосидаги шағал ва қум Ғовак шлаклар асосидаги шағал ва қум Кул шлакли қоришма дағал – дисперсли кул Керамзит –шағал, қум ва унинг турлари: гил-кулли керамзит; шунгизит - шағал ва қум ; кул асосидаги шағал ; кўпчиған аргиллит ва трепел</p>	<p>Майдалаш ва саралаш Майдалаш , саралаш Қайта ишланмаган Табиий хомашё, саноат чиқиндилари ёки уларнинг аралашмалари асосида тайёланган гранулалар (доналар)ни кўпчиғиши асосидаги куйдириш</p>

	Азерит	Суюқ қизиган шихтани тайёрлаш, тезда совитиш ва майдалаш күпчітмасдан күйдириш Қум-гилли жинслар, ТЭС кули, күмир, бойитиши чикиндилари асосидаги гранулаларни тайёрлаш, күйдиришда пишиши Кул ва боғловчи асосидаги қориshmадан тайёрланган гранулаларни гидротацион қотириш Шлакли эритмани ғоваклаштириш ва совитиш Майдалаш ва саралаш
Б. Органик дарахтни қайта ишлаш чикиндилари	Термолит-шағал, шағал Аглопорит- шағал, шағал ва қум Күйдирилмаган кулли шағал Шлакли пемза –шағал (шағал) ва қум Дараҳт бўлаклари, шоҳ-шаббалар, қиринди, пайраҳа, ёғоч тола	Майдалаш ва саралаш
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ўсимликларни қайта ишлаш чикиндилари	Пахта, ғўза пояси, қамиш новдаси, каноп ва зифир пояси	Майдалаш ва саралаш
Саноат ва шахар чикиндилари	Резина ва пластиклар бўлаклари	

Тўлдирувчиларнинг турланиши.

Тўлдирувчилар келиб чиқиши, йириклиги ва бошқа тавсифлари бўйича қўйидагига турланади:

- 1) Келиб чиқиши бўйича З та гурухга бўлинади:
 - а) табиий, буларга саралашдаги жинслар ва бойитишдаги чикиндилар;
 - б) саноат чикиндилари асосидаги тўлдирувчилар;
 - в) сунъий (махсус тайёрланган).
- 2) Заррачалар йириклиги бўйича тўлдирувчилар бўлинади:
 - а) йирик, заррачалари ўлчами 5 мм дан катта(шағал, чақиқ тош);
 - б) майда, заррачалари ўлчами 5 мм дан кичик(кум).

- 3) Заррачалар шакли бўйича:
- юмалоқ кўринишида бўлган тўлдирувчилар (шағал, табиий қум);
 - ноаниқ формадаги, бурчаксимон кўринишидаги тўлдирувчилар, қайсики улар майдалаб тайёрланади(чақиқ тош, бойитишдан чиқадиган қум);
- 4) Тўлдирувчилар заррачалар зичлиги бўйича зич ва ғовак турларга бўлинади.
- 5) Уйма зичлиги бўйича хам тўлдирувчилар классификациага ажратилади.
Уйма зичлик йирик ғовак тўлдирувчилар учун $1200 \text{ кг}/\text{м}^3$ дан ошмаслиги ва ғовак қумлар учун $-1400 \text{ кг}/\text{м}^3$ дан ошмаслиги керак.
- 6) Тўлдирувчининг кўриниши тузилмаси бўйича хам бетонлар зич, ғовак ва маҳсус тўлдирувчи турларига бўлинади.
- 7) Тўлдирувчилар асосий курсаткичлари ва вазифалари бўйича оғир бетонлар, енгил бетонлар, майда заррачали бетонлар, маҳсус бетонлар учун тўлдирувчилар туркумини ташкил киласди.

Билимларни назорат қилиш учун саволлар

- Бетонни тўлдирувчисиз олиш мумкинми?
- Тўлдирувчилар бетон ҳажмининг қанча қисмини ташкил этади?
- Бетонда тўлдирувчилар ҳажмига қараб цемент сарфи қандай ўзгаради?
- Тўлдирувчилар класификациясини тушунтиринг?
- Тўлдирувчиларнинг қандай турлари мавжуд?
- Тўлдирувчиларни ишлаб чиқариш усулларини келтиринг ?
- Тўлдирувчиларнинг заррачалар таркиби қанақа?
- Заррачаларининг шакли бўйича қандай турланади?
- Тўлдирувчилар келиб чиқиши бўйича қандай турланади?
- Тўлдирувчиларнинг тузилиши бўйича қандай бетонлар олинади?

2-Маъруза Тўлдирувчиларнинг физик хоссалари

Тўлдирувчиларнинг уйма зичлиги.

Бетон учун ишлатиладиган тўлдирувчилар физик ва механик хусусиятлари, техник-иқтисодий самарадорлиги ва ишлатилиш соҳаси бўйича ажралиб туради.

Тўлдирувчилар уйма зичлиги деб, тўлдиргич массасининг у эгаллаган ҳажмга нисбатига айтилади (заррачалар орасидаги бўшлиқ хисобга олинади).

Ғовак тўлдирувчининг уйма зичлиги ўлчамили идишда аниқланади, унинг ўлчами тўлдирувчининг йириклигига боғлиқ равишда жадвал-2.1 дан қабул қилинади.

Тўлдирувчилар йириклиги бўйича ўлчов идишларининг ўлчамлари
Жадвал-2.1

Тўлдирувчи доналарининг энг катта йириклиги, (мм)	Ўлчов идишининг сифими, (л)	Ўлчов идишининг ички ўлчамлари, мм	
		Диаметри	Баландлиги
5 ва ундан кам	1	108	108,5
10	2	137	136,5
20	5	185	186,5
40	10	234	233,8

Доимий массагача қуритилган тўлдирувчи тарозида тортилиб, баландлиги 100мм бўлган цилиндр шаклидаги ўлчов идишига солинади ва ортиқчаси металл чизгич билан сидириб ташланади. Кейин ўлчов идиши торозида тортилади ва ўртачаси арифметик усулда аниқланади.

Уйма зичлик қуйидаги формула бўйича хисобланади:

$$\square = \frac{m_2 - m_1}{V}, \text{ (кг/м}^3\text{)} \quad (2.1)$$

Бу ерда : m_1 - ўлчов идишининг массаси, кг

m_2 - ўлчов идишининг тўлдирувчи билан биргаликда массаси, кг

V - ўлчов идишининг ҳажми, м^3

Шуни таъкидлаш керакки, тўлдирувчилар уйма зичлигини аниқлаш ўлчов идиши шакли ва сифимига, ўлчов идиши ўлчамларига, тўлдирувчилар доналарига боғлиқ. Берилган йириклидаги тўлдирувчилар доналари учун, идиш ўлчами қанча керак бўлса, тўлдиргич ҳолати нисбатан донадор материал ҳажми кичик бўлади. Шу сабабли ЎзРСТ 720-96 “Зичликни аниқлаш усули” бўйича стандарт ўлчов идишлар (жадвал-1) ғовак тўлдирувчилар учун қўлланилади.

Стандарт бўйича шағал ва чақиқ тош учун йириклигидан келиб чиқиб 2-50л сифимли ўлчов идишлар, қум учун 1литрли ўлчов идиши ишлатилади. Ғовак тўлдирувчиларнинг маркаси уларнинг мос уйма зичлиги бўйига ўрнатилади.

Тўлдирувчиларнинг дона ва модда зичлиги.

Тўлдирувчилар доналари зичлиги, бу қуруқ шағал ёки шағал намунаси массасининг унинг доналари ҳажми йиғиндисига нисбатан айтилади. Тўлдирувчилар доналари ҳажми, тўлдирувчилардан олинган намуналарни

сувда ва ҳавода массасини ўлчашдаги фарқ билан аниқланади. Бунинг учун тўлдирувчилар намунасини сувда ўлчашда унданға ғоваклар сув билан тўлади, шу сабабли тўлдирувчилар намунаси олдиндан сувга солиб кўйилади.

Тўлдирувчилар доналари зичлиги ($\text{г}/\text{см}^3$) қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\square_3 = \frac{m_1}{m_2 - m_3} \cdot \square_{cub}, (\text{кг}/\text{м}^3) \quad (2.2)$$

Бу ерда: m_1 - тўлдирувчи намунасининг қуруқ ҳолатдаги массаси, г

m_2 - тўлдирувчи намунасининг сув шимгандан сўнг, ҳавода ўлчангандаги массаси, г

m_3 - тўлдирувчи намунасининг сув шимгандан сўнг, сувли мухитда ўлчангандаги массаси, г

ρ_{cub} - сувнинг зичлиги, $1\text{г}/\text{см}^3$ га тенг

Тўлдирувчиларнинг дона зичлигини аниқлашда, ишни қулай бориши учун ЎзРСТ 720-96 “Зичликни аниқлаш усули” бўйича шағал ёки чақиқ намунаси 1л ҳажмдаги маҳсус перфорирланган идишга жойлаштирилади, биргалиқда барча жараёнлар бажарилади. Контеинер билан тўлдирувчи намунасининг массасини ўлчангандан сўнг, бўш контейнерни сув ва ҳавода аниқланган массасига айрилади.

Тўлдирувчининг сувли мухитдаги ҳажми, унинг кум ёки бошқа мухитдаги ҳажмидан фарқ қилиши мумкин.

Бетон таркибини ҳисоблашда бетон таркибида тўлдирувчи донаси эгаллаган ҳажмни билиш керак. Кўп тўлдирувчилар учун айниқса очиқ ғовакли тўлдирувчилар учун бу ҳажм юқорида келтирилган усулда кам аниқланади, чунки дона очиқ ғоваклари сув ёки цемент билан тўлади.

Шу сабабли ЎзРСТ 720-96 “Зичликни аниқлаш усули”га кўра тўлдирувчи доналарининг зичлигини цемент қоришмада аниқлаш яхши самара беради. Қуруқ ғовак тўлдирувчи (шағал ёки чақиқ тош) 3,5 л ҳажмда, 1,7 кг цемент ва 3,4 кг кварц қуми олинади.

Бетон қоришмасини аниқ консистенцияга келгунича сув қўшилади. Аралаштирилган бетон қоришмаси 15 минут давомида ушлаб турилади. Сўнгра барча қоришма 5л сифимли идишга солинади ва 30-60 секунд давомида зичланади(тебратиш майдонида), бетон қоришмасининг зичлиги аниқланади.

Йирик тўлдирувчининг цемент қоришмасидаги зичлиги ($\text{г}/\text{см}^3$) қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\square_{u.m.} = \frac{\square_{cm} m_3}{M - \square_{cm} \left(\frac{m_u}{\square_u} + \frac{m_k}{\square_k} + m_{cub} \right)}, (\text{кг}/\text{м}^3) \quad (2.3)$$

$$M = \square_{cm} \left(\frac{m_u}{\square_u} + \frac{m_k}{\square_k} + m_{cub} \right)$$

Бу ерда: ρ_{cm} – бетон қоришма зичлиги, $\text{кг}/\text{л}$

m_3 – қуруқ ғовак тўлдирувчи массаси, кг

M – аралашмадаги барча материаллар сарфи,
(сув хам инобатга олинади), кг

m_u – аралашмадаги цемент массаси, кг
 ρ_u - цемент зичлиги – 3,1 г/см³ тенг.

m_{κ} – аралашмадаги кварц қуми массаси, кг

ρ_{κ} - кварц қуми зичлиги – 2,65 г/см³ га тенг.

m_{cub} – аралашмадаги сув массаси, кг

Тұлдирувчининг модда зичлиги бошқа қурилиш материаллари сингари намунани жуда майда кукун холатида майдалаб, сүнгра намуна кукунини абсолют ҳажмининг кукунга киритилган сув ёки керосин ҳажмиға нисбати пинометр ёки Ле-Шателье асбобида аниқланади.

Тұлдирувчиларнинг дона орасидаги бүшлиғи ва дона ғоваклиги.

Тұлдирувчиларнинг доналар орасидаги бүшлиқлиги, тұлдирувчи әркін түкілгандаги доналар орасидаги бүшлиқни умумий ҳажмға бўлган нисбатига айтилади ва % да аниқланади (зичланмаган холда). Агар уйма зичлик – ρ_y (кг/м³) ва унинг заррачалари зичлиги – ρ_z (г/см³) малум бўлса, унда тұлдирувчининг доналари орасидаги бүшлиқ қуидаги формула асосида топилади:

$$V_{\text{бүшил.}} = \left(1 - \frac{\rho_y}{1000 \rho_z}\right) 100\%, \quad (2.4)$$

Ғовакли тұлдирувчининг доналари орасидаги бүшлиқни тажрибада аниқлашда, тұлдирувчи намуна үлчов идишига (жадвал-1) солинади ва сув қуийлади. Маялум вактдан сүнг идиш усти майда кўзли элак билан ёпилади, идишдаги сув тўклилади. Сүнгра сувга шимдирилган тұлдирувчи билан идиш биргаликда тарозида тортилади. Идишга лим тўлгунча сув солинади ва яна тарозида тортилади, тажриба йўли билан аниқланган ғовак тұлдирувчининг доналари орасидаги бүшлиқ қуидаги формула асосида топилади:

$$V_{\text{бўшил.}} = \frac{m_{cub}}{V} \cdot 100\%, \quad (2.5)$$

Бу ерда: m_{cub} – охирги тұлдирив солинган сувнинг массаси , кг

V -идишнинг ҳажми, л

Ғовак тұлдирувчининг доналари орасидаги бүшлиқни тажрибада аниқлагандан сүнг заррачалар зичлиги ρ_z (г/см³)ни аниқлаш мумкин:

$$\rho_z = \frac{V}{10000 - 10V_{\text{бўшил.}}}, \quad (2.6)$$

Агар тұлдирувчининг бүшлиқлигини зичланган холатда билиш керак бўлса, у холда (4)формуладаги уйма зичлик ўрнига, тұлдирувчининг зичланган холатдаги зичлиги олинади.

Агар тұлдирувчининг доналаридаги очик ғоваклар бетонда цемент қоришимаси билан тўлган ҳолатдаги бүшлиқлигини аниқлайдиган бўлсак, у холда (4)формуладаги доналар зичлиги – ρ_z ўрнига тұлдирувчи доналарининг цемент қоришимасидаги зичлиги – $\rho^{u.m}$ олинади (3) формула.

Ғоваклик - тұлдирувчи донасидаги барча ғовакларнинг ҳажмлари йиғиндисини дона ҳажмиға нисбатига айтилади. Кўпинча ҳар бир донанинг алоҳида ғоваклиги эмас, балки олинган намунадаги доналарнинг ўртача

ғоваклиги аниқланади.

Агар доналар зичлиги – ρ_3 ва тўлдирувчи модда зичлиги – ρ малум бўлса, у ҳолда ғоваклик ЎзРСТ 723-96 “Ғовакликни аниқлаш усули” қуидаги формула бўйича аниқланади:

$$V_{\text{зоэ}} = \left(1 - \frac{\rho_3}{\rho}\right) \cdot 100\%, \quad (2.7)$$

Агар (7) формуладаги ρ_3 ўрнига цемент қоришмасидаги доналар зичлигини қўйсак, у ҳолда барча ғоваклик эмас, балки унинг қисми аниқланади, яъни бетонда цемент қоришмаси тўлдирмайдигон ғоваклик аниқланади.

Умумий ғовакликдан келиб чиқиб очиқ ғовакларни аниқлаймиз ва натижада бетон тўлдирувчиларининг очиқ ғовакларини тўлдириш учун сарфланадиган қўшимча цемент қоришмаси ҳажми аниқланади.

Тўлдирувчиларнинг намлиги ва сув шимувчанлиги.

Тўлдирувчиларнинг намлиги ва сув шимувчанлигини аниқлашда доналар ғоваклиги асосий факторлардан бири ҳисобланади.

Тўлдирувчилар намлигини аниқлаш ЎзРСТ 721-96 “Намликни аниқлаш усули” да намуна тарозида тортилади ва 105°C да қуритиш шкафида доимий массага келгунича қуритилади. Тўлдирувчиларнинг намлиги қуидаги формула бўйича аниқланади:

$$W = \frac{m_{\text{нам}} - m_{\text{кур}}}{m_{\text{кур}}} \cdot 100\%, \quad (2.8)$$

Бу ерда: $m_{\text{нам}}$ – тўлдирувчи намунасининг табиий ҳолатдаги массаси, г

$m_{\text{кур}}$ – тўлдирувчи намунасининг қуруқ ҳолатдаги массаси, г

Тўлдирувчиларнинг сув шимувчанлиги $W_{\text{сув}}$ (масса бўйича % да) аниқлашда, қуруқ йирик тўлирувчиларнамунаси сувга 48 соат давомида солиб қўйилади, сўнгра 1 соат ёки бошқа вақтда техник шартлар ёки техник талабларга кўра доналар юзасидаги сувлардан қутулади ва торозида тортиб олинади:

$$W_{\text{сув}} = \frac{m_{\text{сув}} - m_{\text{кур}}}{m_{\text{кур}}} \cdot 100\%, \quad (2.9)$$

Бу ерда: $m_{\text{сув}}$ – сувга шимдирилган тўлдирувчилар намунасининг массаси, г.

Синаш натижасида доналар юзасидаги сувни йўқотиш маҳсус жараёнга киритилади. ЎзРСТ 722-96 “Сув шимувчанликни аниқлаш усули” бўйича шағал ёки чақиқ тош юзаси юмшоқ латта билан артилади. Йирик ғовакли тўлдирувчиларнинг сув шимувчанлиги перфорирланган контейнерларда аниқланади. Контейнер ва ундаги тўлдирувчилар намунаси биргаликда сувга солиб қўйилади, 10 мин сувдан чиқариб қўйилиб (ортикча сувдан халос этилади), сўнгра тарозида тортиб, ҳисоб-китоб ишлари бажарилади. Ички ғовакларда мавжуд сувни чиқариб ташлаш қийин.

Майдада тўлдирувчилар учун эса бу жараённи ўтказиш янада қийин. Шу сабабли майда тўлдирувчи (кум)лар учун бундай синовни ўтказиш стандартда кўрсатилмаган.

Кумнинг сув шимувчанлигини бетонда синаш муҳим ҳисобланади.

Кўп ҳолларда йирик тўлдирувчининг сув шимувчанлиги ҳажм бўйича % да аниқланади, яъни шимдирилган сув ҳажмининг дона ҳажмига нисбатига кўра топилади. Масса бўйича % да сув шимувчанлик – W_{cim} . ва дона зичлиги – ρ_3 маълум бўлса, ҳажм бўйича % да қуийдаги формуладан топилади:

$$W_{cix} = W_{cim} \frac{\rho_3}{\rho_1}, \quad (2.10)$$

сув

W_{cix} ҳамма вақт тўлдирувчилик донаси ғоваклигидан кичик бўлади, чунки барча ғоваклар ҳам сув билан тўлмаслиги мумкин. W_{cix} ва V_{govak} дан келиб чиқиб, ғовакларнинг қайси ҳажми сув билан тўлиши мумкинлиги ҳақида маълумотга эга бўламиз.

Билимларни назорат қилиш учун саволлар

1. Тўлдирувчиларнинг уйма зичлиги қандай идишларда аниқланади?
2. Уйма зичликни аниқлаш формуласини кўрсатинг?
3. Тўлдирувчиларнинг дона зичлиги қандай аниқланади?
4. Тўлдирувчиларнинг модда нима ва у қандай аниқланади?
5. Тўлдирувчиларнинг доналари орасидаги бўшлиқлиги қандай аниқланади?
6. Ғовак тўлдирувчиларнинг доналари орасидаги бўшлиқлар қандай аниқланади?
7. Тўлдирувчиларнинг дона ғоваклиги нима ва у қандай аниқланади?
8. Тўлдирувчиларнинг намлиги қандай аниқланади?
9. Масса бўйича сув шимувчанлик қандай аниқланади?


3-Маъруза

Тўлдирувчиларнинг механик хоссалари

Тўлдирувчиларнинг дона шакли ва уларнинг ўзаро жойлашиши.

Уйма зичлик, бўшлиқлик каби тўлдирувчиларнинг характеристикасини доналар шакли орқали аниқланади. Биринчи марта буни Б.Николаев тадқиқ этди ва 1914 йилда «Материал доналари шакли ва ўлчамига мос бетон ва қоришмалар таркиби» ишида келтириб ўтди.

Б.Николаев сочилувчан материалнинг доналар таркибини ва геометрик жойлашув структурасини назарий асосида анализ қилди. Агар шартли равишда барча доналарни бир хил шаклда ва ўлчамда десак, у ҳолда берилган ҳажм бўйича жойлаштириш тартибига кўра (шар, куб, тетроэдр) турлича зичликка эга бўлади. Масалан, агар шар шаклидаги доналарни терсак ва уларнинг маркази кубни хосил қиласи (расм-3.1,а), бу эса нисбатан кичик зичликни беради. Агар шарларнинг марказини туташтирувчи чизиқлар тетроэдрни ташкил этса (расм-3.1.б), у ҳолда катта зичликка эга бўлади.



Расм-3.1. Шарларнинг жойлашиши варианлари

Сочилувчан материалларнинг доналар шаклига мос бўшлиқлиги

Жадвал-3.1

Доналар шакли	Бўшлиқлик,%		
	Жойлаштиришда		Ўртacha
	Нисбатан юқори зичлик	Нисбатан кичик зичлик	
Кублар	0	87,1	43,55
Октаэдрлар	12,1	83,9	48,05
Додекаэдрлар	14,1	60,7	37,4
Икосаэдалар	10,3	59,9	35,1
Шарлар	26,2	47,6	36,9

Стандартларда тўлдирувчиларнинг доналари шакли уларнинг ўлчамига қараб баҳоланади. Масалан, ЎзРСТ 720-96 “Зичликни аниқлаш усули” да шағал ва чақиқ тошда пластинкали ва нинасимон доналар салмоғи (тўлдирувчиларнинг эни ва қалинлиги узунлигига 3 марта кичик) кўрсатилган.

ЎзРСТ 720-96 “Зичликни аниқлаш усули” га кўра ғовак тўлдирувчилар учун доналар шакли коэффициенти қуидаги аниқланади:

$$R = \frac{D_{\text{катта}}}{D_{\text{кичик}}} , \quad (3.1)$$

$$\phi \quad D_{\text{кичик}}$$

бу ерда: $D_{\text{катта}}$ ва $D_{\text{кичик}}$ — доналарнинг энг катта ва энг кичик ўлчамлари, мм

Доналарни ўлчаш штангенциркулда амалга оширилади.

Тўлдирувчиларнинг донадорлик таркиби (гранулометрик таркиби), ундаги турли катталиқдаги доналарнинг мавжудлиги бўлиб, тўлдирувчининг ўртacha намунасини стандарт элакдан ўтказиш натижасида аниқланади.

Стандарт элаклар тўплами қуидаги ўлчамдаги элак кўзларини ташкил этади: 0,16; 0,315; 0,63; 1,25; 2,5; 5; 10; 20; 40; 70 мм ва ҳокозо.

Тўлдирувчилар биринчи равишда энг кичик ва энг катта йирикликни характерлайди. Энг кичик $-D_{\text{кичик}}$ йириклиги деб, шундай ўлчамли стандарт элакка айтиладики, тўлдиргич намунасини элаганда 95% дан кам бўлмаган намуна қолади ва фақат 5% дан кўп бўлмаган намуна ўтади (масса бўйича). Энг катта йириклик деб $-D_{\text{катта}}$ шундай ўлчамли стандарт элакка айтиладики,

тўлдирувчилар намунасини элаганда элакда 5% дан кам намуна қолади ва 95% кам бўлмаган намуна ўтади (масса бўйича).

Энг катта ва энг кичик йириклидаги донадорлик таркибига мос характерланади, масалан: 5 - 40мм йириклидаги шағал(чакик тош) учун $D_{энг}$ катта =40мм: $D_{энг\ кичик} = 5\text{мм}$.

Бир фракцияли тўлдирувчилар деб, унинг доналаридағи энг йирик ва энг кичик йириклиги бир-бирига яқин ва 5-10, 10-20, 20-40 мм кўзли стандарт элаклар тўпламини ташкил этади.

Масалан, 5-20мм йириклидаги тўлдирувчи икки хил фракциядаги аралашмадан ташкил топади.

Узлуксиз донадорлик таркиб деб, тўлдирувчи намунасининг стандарт элакдан ўтказганда барча элакларда қолдиқ қолса ва тўлдирувчи аралашмасида $D_{энгката}$ дан $D_{энг\ кичик}$ гача бўлган барча фракцияли тўлдирувчиларга айтилади.

Агар тўлдирувчи аралашмаси таркибида бир фракцияли тўлдирувчилар бўлмаса, у ҳолда узлукли (узилган занжирли) донадорлик таркиб деб аталади. Масалан шағал ёки чақиқ тош аралашмаси учун 5-10мм ва 20-40 мм (10-20 мм оралиқ фракция йўқ) узлукли бўлади.

Тўлдирувчиларнинг таркиби.

Тўлдирувчи доналари таркибини ташкил этувчи моддалар аморф ёки кристалл, шу билан бирга ғовак ёки зич структурани ташкил этади. Умумий турда иккита турли структурани кўриб чиқамиз. Материалларнинг аморф структураси изотроп ҳолати билан аниқланади, яъни бундай материалларнинг хусусиятлари барча йўналишларда бир хил бўлади.

Бу ижобий фактор ҳисобланади, яъни бетон технологиясида тўлдирувчилар доналарини тўғри жойлаштириш ва бошқариш қийин кечади. Кристаллар анизатроб ҳисобланиб, температуравий деформациянинг тақсимланишидан ва бошқа таъсирлардан юзага келади. Агар кристаллар тўлдирувчи доналарига нисбатан кичик ва материал буйича тартибсиз жойлашган бўлса, бундай тўлдирувчи донасини изатроп дейилади.

Шу сабабли кристалл тош жинслар асосидаги тўлдирувчилар учун майдада донадорлик катта аҳаммиятга эга. Ғовак материаллар изатроп ва анизатроп бўлиши мумкин. Анизатроп ғовак материалларга ёғоч киради. Унинг структураси – толали бўлиб, материалнинг хусусияти толанинг бўйлама ва кўндаланг ўлчамларига, жойлашиш тартибига боғлиқ.


Изатроп материалларнинг икки хил структурасини кўриб ўтамиз: ячейкали ва донали.

1. Ячейкали структура бу, қаттиқ материалнинг умумий муҳитида ғоваклар бутун ҳажм бўйича алоҳида ёпиқ (шартли ёпиқ) ячейкалар ҳолатида (расм-3.2,а)учрайди.

2. Донали структура бу, қаттиқ материал доналарининг ўзаро елимланган (расм-3.2,б) кўринишидир.

Табиий пемза, керамзит, аглопорит, термолит, азерит ва бошқа сунъий ғовак тўлдирувчилар ячейкали структурага эга. Ғовак оҳактош асосидаги шағал, чиганоқлар, туфлар донали структурага эга.

Донали структурали материалларнинг сувшимувчанлиги юқори бўлади, ячейкали материалларнинг сувшимувчанлиги камроқ ва мустаҳкамлиги юқори бўлади.



Расм-3.2. Говак материалларнинг структураси: а-ячейкали, б-донали

Тўлдирувчиларнинг мустаҳкамлиги.

Тўлдирувчилар тоғ жинсларини майдалаш орқали олинса, у ҳолда шу тоғ жинсининг мустаҳкамлиги аниқланади. Бунинг учун тош кесувчи станокда диаметри ва баландлиги 40-50 мм ўлчамдаги цилиндр ёки куб шаклидаги намуна тайёрланади. Намуналарни сувга солиб, маълум вақтдан сўнг сувдан чиқарилади ва гидравлик прессда сиқилишда мустаҳкамлик чегараси (МПа) аниқланади:

$$\square_{\text{сқ}} = \frac{P}{A}, \quad (3.2)$$

бу ерда: P -пресснинг бузувчи қучи, мН

A -намунанинг кўндаланг юзаси, м^2

Бироқ ҳамма вақт ҳам бундай синовни ўтказиб бўлмайди. Кўп ҳолларда зарурий тоғ жинслари ёки хом ашё материаллар йирик ғоваклари, ёриқлари таъсирида кучсизланади. Бундай тоғ жинсларидан олинадиган чақиқ тош етарли мустаҳкам бўлиши мумкин, яъни майдаланиш жараёнида кучсизлантирувчи дефектлардан халос бўлади. Натижада бундай тоғ жинси асосидаги стандарт намунани синашда шағалнинг ҳақиқий сифатини ифодаловчи натижа олиб бўлмайди ва мустаҳкамлиги пасаяди.

Р.Л.Маилян изланишларида карбонат жинслари асосидаги шағал (чақиқ тош) мустаҳкамлиги шу тоғ жинси асосидаги намуна мустаҳкамлигидан бир неча баробар юқори бўлади. Шу сабабли шағал ва чақиқ тошнинг мустаҳкамлиги у олинадиган тоғ жинси асосидаги намунани синаш орқали ҳамма вақт ҳам аниқлаб бўлмайди. Шу сабабли стандартда табиий тош асосидаги шағал ва чақиқ тош учун пўлат цилиндрда сиқилишдаги майдаланишини аниқлаш назарда тутилган. Унинг аниқлаш методикаси қўйидагилардан иборат: бир фракцияли шағал ёки чақиқ тош ички диаметри- 150мм ли пўлат цилиндр идишга солинади.

Сўнгра цилиндр тепасига нисбатан кичик диаметрли (148мм) пўлат пуансон қўйилади, у орқали гидравлик прессда 200 кН куч таъсирида эзилади. Натижада тўлдирувчилар намунаси майдаланади.

Шундан сўнг майдаланган намуна цилиндрдан олиниб тарозида тортилади, кейин синалётган энг кичик ўлчамдаги тўлдирувчи фракциясидан 4 марта кичик ($0,25D_{\text{наим}}$) кўзли элакдан ўтказилади; 5-10мм ли фракциялар учун 1,25мм ли кўзли элак; 10-20мм ли фракциялар учун 2,5мм ли кўзли элак; 20-40мм ли фракциялар учун 5мм ли кўзли элак қўлланилади. Тўлдирувчи намунасидан майдаланган доналар чиқариб ташланади, сўнгра элакдаги қолдиқ тарозида тортилади.

Майдалаш кўрсаткичи(%):

$$D_p = \frac{m - m_1}{m} \cdot 100\%, \quad (3.3)$$

бу ерда, m – синалаётган барча намуналар массаси, г

m_1 – тажрибадан сўнг назорат элакда қолган қолдиқ массаси, г

Ғовак тўлдирувчилар учун ҳам цилиндрда эзиш аналогик методика бўйича бажарилади, факат натижаларни баҳолаш бошқача амалга оширилади. Ғовак шағал ёки чақиқ тош бир фракцияли намуна сифатида ички диаметри 150мм цилиндр идишга 100 мм баландликда солинади, текисланади ва пуансон қўйилади. Тажрибагача пуансоннинг пастки нишон цилиндрнинг юқори белгисига мос келиши керак.

Сўнгра гидравлик пресс ёрдамида тўлдирувчи намунаси сиқилувчи куч таъсирида пуансон 20мм пастга тушгунча (цилиндрнинг юқори нишондан ҳисоблагандан) эзилади ва пресс манометри кўрсаткичи ёзиб олинади. Шу тартибда, тўлдирувчи намунасининг $1/5$ қисми ҳажми эзилиши учун кетган куч аниқланади.

Цилиндрда эзилишдаги мустаҳкамлик чегараси (МПа) қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\square_{\text{мұн.}} = \frac{P}{A}, \quad (3.4)$$

бу ерда, P – Пуансон юқори нишонгача эзиландиги куч, мН

A – цилиндр кўндаланг кесими юзаси, $A = 0,0177\text{m}^2$

Тўлдирувчининг мустаҳкамлиги унинг зичлиги ва структурасига бевосита боғлиқ. Шу сабабли агар намунанинг зичлиги 10% га ошса, у ҳолда унинг мустаҳкамлиги 21% га ортади ($1,10^2=1,21$).


Тоғ жинсларини ўрганиш жараёнида ва бир қанча илмий изланишлар асосида С.М.Ицкович тўлдирувчилар мустаҳкамлиги (R)ни ҳисоблашда қуйидаги формуладан фойдаланишни таклиф этди:

$$R = R_1 \left(\frac{\square}{\square_1} \right)^n, \quad (3.5)$$

бу ерда, R_1 – зичлиги $-\rho_1$ га teng бўлган материалнинг амалий ўрнатилган мустаҳкамлик чегараси.

ρ - материал (дона) зичлиги, R мустаҳкамликка мос келувчи.

n - материал структурасига боғлиқ даражаси кўрсаткичи.



*Расм-3.3. Нисбий мустаҳкамликнинг нисбий зичликка боғлиқлиги:
1-ячейкали структуралари материаллар учун; 2-донадор структуралари
материаллар учун*

Бундан келиб чиқиб, тўлдирувчилар мустаҳкамлиги унинг зичлигига тўғри пропорционалдир. n - даражада кўрсаткичи тўлдирувчилар учун $n=3 - 6$ ни ташкил этади (ўртача 4 га тенг).

Тўлдирувчиларнинг сувга ва совуққа чидамлилиги.

Тўлдирувчиларнинг мустаҳкамлиги улар олинадиган тоғ жинсидан келиб чиқиб, сувга бўктирилган ҳолатида аниқланади. Яъни сувда сақланган материалнинг мустаҳкамлиги ўз навбатида камаяди. Ғовакларга ва микро ёриқларга кирган сув унинг боғланишларини кучсизлантиради.

Шу сабабли тўлдирувчилар мустаҳкамлигини аниқлашда, намунанинг қуруқ ҳолатдаги ва сувга бўктиргандан сўнг мустаҳкамлиги аниқланиб, юмаш коэффициенти топилади:

$$R_{io,M} = \frac{\square_{сув.бўкм.}}{\square_{куруқ}}, \quad (3.6)$$

бу ерда: $\sigma_{сув.бўкм.}$ - тўлдирувчининг ёки у олинган тоғ жинсининг сувга бўктирилгандан сўнгги (48 соат сувда сақланган) мустаҳкамлик чегараси, kgs/cm^2
 $\sigma_{куруқ}$ - тўлдирувчининг ёки ундан олинган тоғ жинсининг қуруқ ҳолатидаги мустаҳкамлик чегараси, kgs/cm^2

Тўлдирувчиларнинг юмаш коэффициенти унинг сувга чидамлилигини характерлайди. Сувга чидамлилик бевосита сув шимувчанлик ва тўлдирувчининг табиий моддасига боғлиқдир. Сув шимувчанлик эса материалнинг ғоваклиги ва структурасига боғлиқ.

Тўлдирувчиларнинг совуққа чидамлилиги уларни сувга бўктирилган ҳолатда кўп мартали музлатиш ва эритиш натижасида текширилади. Бир фракцияли тўлдирувчи намунаси 48 соат давомида хона ҳароратида сувда сақланади. Совитиш камерасида -15°C дан -20°C гача ҳароратда музлатилади. 4 соат давомида камерада сақланган намуна идиш билан биргаликда сувли ваннада яъна 4 соат ушлаб турилади. Бу ҳолат стандартда келтирилган бўйича

тўлдирувчи туридан келиб чиқиб тақрорланади. Шундан сўнг тўлдирувчи намунаси қуритилиб элакдан ўтказилади.

Совуққа чидамлиликни синашда масса йўқотилиши (%) аниқланади:

$$M_{\text{сов.чид}} = \frac{m_1 - m_2}{m_1} \cdot 100\%, \quad (3.7)$$

Бу ерда: m_1 – синовгача тўлдирувчи намунасининг массаси, г
 m_2 – синовдан сўнг элакда қолган қолдиқ, г

Шундан сўнг олинган натижа (масса йўқотилиши) мавжуд стандарт билан солиширилади. Синов ишларини тезлаштириш мақсадида намуна натрий сульфат қоришимасига солинади ва тезда 105-110 °C да қуритиш шкафида қуритилади. Сўнгра юқорида келтирилган ҳолатда масса йўқотилиши аниқланади.

Бетон хусусиятига тўлдирувчиларнинг таъсири.

Бетон таркибини лойихалаш берилган мустаҳкамлиқдаги ва цементнинг минимал сарфи асосида бажарилади. Зич таркибли ва минимал цемент сарфлаб олинадиган бетонларда асосий ҳажмни тўлдирувчилар ташкил этади.

Агар йирик тўлдирувчи бўшлиқлиги (шағал ёки чақиқ тош) – $V_{\text{бўш.йир.}}$ бўлса, унда бетоннинг максимал ташкил этувчиси майда тўлдирувчи ҳисобланади – $V_{\text{майда}} = 0,01V_{\text{бўш.йир.}}$ (0,01-бўшлиқлик фоизда келтирилган).

У ҳолда майда ва йирик тўлдирувчилар аралашмаси бўшлиқлиги қўйидагига тенг:

$$V_{\text{арал.}}^{\min} = \frac{V_{\text{бўш.май.}} V_{\text{бўш.йир.}}}{100}, \quad (3.8)$$

Мисол: агар шағал бўшлиқлиги 32% бўлса, қумнинг бўшлиқлиги эса 27% бўлса, у ҳолда шағал ва қумнинг минимал бўшлиқлиги 8,6% ни ташкил этади. Бунда шартли равища йирик тўлдирувчилар орасидаги бўшлиқ майда тўлдирувчилар билан тўлдирилишини назарда тутилади. Лекин амалиётда йирик тўлдирувчи доналари бир-бирига яқин жойлашганда қум ўтиши қийинлашади ва бўшлиқ ҳосил бўлади.

Шу сабабли, қумнинг ҳажми $V_{\text{кум}} = 0,01V_{\text{бўш.йир.}}$ бўлса, у ҳолда йирик тўлдирувчининг доналари қориshmада кам миқдорда силжийди ва қоришина бўшлиқлиги ортади.

Мисол: $V_{\text{бўш.йир.}}=32\%$ ва $V_{\text{бўш.май.}}=27\%$ бўлса, графикда келтириладики йирик тўлдирувчилар сарфи 1m^3 қоришима учун $V_{\text{йир.}}=0,9\text{ m}^3$, қум эса $V_{\text{май.}}=0,4\text{m}^3$, бундан келиб чиқиб аралашма бўшлиқлиги $V_{\text{бўш.арал.}}=11\%$ ни ташкил этади. Агар $V_{\text{йир.}}=0,7\text{m}^3$ ва $V_{\text{май.}}=0,55\text{m}^3$ бўлса, $V_{\text{бўш.арал.}}=14,5\%$ ни ташкил этади.

Аралашма бўшлиқлиги бевосита цемент қоришина сарфини белгилайди, яъни бўшлиқлик қанча катта бўлса цемент сарфи хам шунча ортади. Агар йирик тўлдирувчидан воз кечилса, у ҳолда майда донадорликка эга бўлган бетон олинади ва юқоридаги график бўйича тўлдирувчининг бўшлиқлиги 27% ни ташкил этади. Бу эса 1m^3 тўлдирувчилар аралашмасига $0,9\text{m}^3$ йирик

тўлдирувчи ишлатишга нисбатан 2,5 баробар кўп бўлади. Шу сабабли цемент сарфи ортади.

Билимларни назорат қилиш учун саволлар

1. Бетон тайёрлашда тўлдиргичларнинг тутган ўрнини келтиринг?
2. Бетон хусусиятларига ва таннархига тўлдиргичлар қандай таъсир этади?
3. Тўлдирувчилар қандай заррачалар шакли ва ўзаро жойланишига эга?
4. Тўлдирувчи заррачалар таркиби, тузилиши ва солишиштирма зичлиги қандай аниқланади?
5. Тўлдирувчиларнинг мустаҳкамлиги, сувга ва совуққа чидамлилиги қайси усулда аниқланади?
6. Тўлдирувчилар солишиштирма юзаси нималарга боғлик ва у цемент сарфланишига қандай таъсир қиласи?
7. Бетон таркибини оптимал даражада тайёрлаш учун тўлдирувчиларни қандай хусусиятларини билиш керак?
8. Тўлдирувчилар бетон коришмасини таркибига қандай таъсир қиласи?
9. Бетоннинг сув ўтказувчанилигига тўлдирувчилар қандай таъсир этади?
10. Қандай чегаравий қўрсаткичлар билан тўлдирувчилар майда ва йириқ, зич ва ғовак туркумларга ажратилади?
11. Аралашма бўшлиқлигининг майда ва йирик тўлдирувчиларга боғлиқлигини тушунтиринг?

4-Маъруза

Табиий зич тош жинслари асосидаги тўлдирувчилар

Хомашё базаси.

Тўлдирувчиларни ишлаб чиқаришда асосий хомашё базасини зич табиий тоғ жинслари асосидаги тошлар ташкил этади. Келиб чиқиши бўйича тоғ жинслари учта синфга бўлинади: отқинди, чўкинди ва метоморфик.

Отқинди тоғ жинслари эриган магманинг қотишидан юзага келади. Уларнинг таркиби ва хусусияти магманинг қотиш шароитидан келиб чиқади. Ички (интрузив) отқинди жинслар магманинг секин қотишидан юзага келади ва донадор-қристал таркибга эга бўлади. Ташки (эффузив) отқинди жинслар магманинг ташки юзада жуда тез қотишидан юзага келади, бунда кристалланиши тўлиқ содир бўлмайди ва шишиасимон ёпиқ кристалли таркибга эга бўлади. Кимёвий таркибига кўра отқинди тоғ жинслари бўлинади:

1. Нордон (SiO_2 -65% кўп)
2. Ўрта (SiO_2 -55-65%)
3. Асосий (SiO_2 -55% дан кам)

Нордон отқинди тоғ жинсларига донадор кристалл таркибли ички тоғ жинси гранитлар киради. Тоғ жинсини ҳосил қилувчи минераллар

қүйидагилар: дала шпати (асосан ортоклаз $K_2O \cdot Al_2O_3 \cdot 6SiO_2$) - 70% гача; кварц (кристалл кремнезем- SiO_2) - 20% дан күп; слюдалар (мусковит, биотит) ва бошқалар - 5% гача.

Гранит отқинди тоғ жинси сифатида түлдирувчилар олишда энг күп ишлатилади. Граниттинг зичлиги 2600-2700 кг/м³ ни ташкил этади. Сув шимувчанлиги 0,5% дан ошмайды. Сиқилишга мустаҳкамлиги 100МПа дан юқори, баъзан 200-250МПа га етади. Ранги қизғиши ёки кулранг.

Ўрта отқинди тоғ жинсларига ички жинслар (диорит, сиенит) ва ташқи (андезит, трахит) жинслар мисол бўлади. Андезит ва трахит ишқорлар билан актив боғланади, шу сабабли уларни цементли бетонларда қўллаш чегараланган. Андезит ва трахит кислотага бардошли түлдирувчи сифатида ишлатилади. Диорит ва сиенит эса гранитдан таркибида кварц йўқлиги билан ажралиб туради. Диорит ва сиенит табиатда кам учрайди. Диорит тўқ яшил тусга эга, сиенит эса ёрқин яшил рангга эга. Диориттинг сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси 250МПа гача, сиенитники эса 180МПа гача бўлади.

Асосий отқинди тоғ жинсларига ички юзага келган тоғ жинслари габбро ва ташқи базальт ва диабаз киради. Бу тоғ жинслари юқори мустаҳкамлиги (сиқилишга мустаҳкамлиги - 300-500МПа) ва юқори зичлиги (3000 кг/м³ дан юқори) билан ажралиб туради.

Чўкинди тоғ жинслари мавжуд тоғ жинсларининг табиатда бузилишидан юзага келади. Яъни сув, шамол, ҳарорат ўзгариши, кимёвий ва биокимёвий емирилишлар натижасида пайдо бўлади. Чўкинди тоғ жинслари асосида кум ва шағал юзага келади ва улар бетон учун энг арzon түлдирувчилар ҳисобланади.

Кварц кумлар деб таркибида кварц миқдори 60% дан кўп бўлган кумларга айтилади. Таркибида 50% гача дала шпати доналари бўлган қумга кварц-далашпати қуми дейилади.

Кўп миқдорда қазиб олинадиган қум ва шағал конлари аллювиал келиб чиқишга эга. Улар дарё ўзанларида ҳосил бўлади. Шу нарса маълумки, оқимнинг тезлигидан келиб чиқиб сув катта ёки кичик тоғ жинси доналарини бир жойдан иккинчи жойга оқизиши мумкин. Шу сабабли сув оқими қум ва шағални бир жойга йиғиши билан бир қаторда уни ювади ва навларга ажратади.

Шамол таъсирида (чўл шамоли) вужудга келадиган Эолл (бархан) кумларни бетонларда қўллаш чегараланган. Чунки бу кумлар жуда майда бўлиб, доналари ўта силлиқ юзага эга, бу эса уларнинг цемент тошида бирикишини ёмонлаштиради.

Тўлдирувчилар ишлаб чиқаришда асосий ўринни карбонатли чўкинди жинслар-оҳактош ва доломитлар эгаллайди. Оҳактошларнинг асосий минерал ташкил қилувчиси бу кальцит $CaCO_3$ ҳисобланади. Кристалл оҳактошларнинг зичлиги-2700 кг/м³ ва сиқилишга мустаҳкамлиги 200 МПа гача бўлади.

Оҳактошлар портландцемент тошидаги ишқорли муҳитга чидамли бўлиб, бетонда у билан яхши боғланади ва у оч кулранг ёки сарик ранга эга.

Доломиттинг асосий минерал ташкил этувчиси эса $CaCO_3 \cdot MgCO_3$. Бу тоғ жинси хам ўта зич ва мустаҳкам бўлиши мумкин.

Метаморфик тоғ жинслари отқинди ёки чўкинди тоғ жинсларининг ернинг чуқур қисмида юқори босим ва ҳарорат таъсирида ўзгаришидан юзага

келади. Метаморфик тоғ жинсларидан түлдирувчилар ишлаб чиқаришда гнейслар ишлатилади. Гнейслар гранитдан қаватма қават жойлашуви билан фарқ қиласы. Мармарлар эса оқактошларнинг перекристаллизацияси жараёнида юзага келади, кальцит кристалларидан иборат бўлади. Мустаҳкамлик чегараси юқори (300МПа гача) бўлади, табиатда турли рангларда учрайди, майдалашда қиррали юзали доналар олинади ва бетон учун оғир түлдирувчи сифатида ишлатилади.

Ўзбекистонда бетон учун түлдирувчилар олишда яроқли тоғ жинсларининг табиий хом ашё баъзаси катта миқдорда мавжуд бўлиб, уларнинг барчасидан ҳали тўлиқ фойдаланилган эмас.

Кумларнинг донадорлик таркиби.

Кум, бу майда түлдирувчи бўлиб, унинг табиий (бойитилган ва фракцияланган) ва майдалангандаги (бойитилган, фракцияланган, шу билан бирга тоғ жинсларини чақиқ тошга айлантиришдаги майдалаш чиқиндилари) турлари мавжуд.

Бетонда қумни оптимал миқдорда ишлатганда цемент сарфини камайтиришга ва мустаҳкамликни оширишга эришилади. Оддий оғир бетон учун уйма зичлиги 1400kg/m^3 дан юқори ва дона зичлиги 2.0g/cm^3 дан юқори қумлар ишлатилади.

Доналари йириклиги бўйича қумнинг гурухи

Жадвал-4.1

Кум	Йириклик модули	0.63мм кўзли элак қолган тўлиқ қолдиқ , %
Ўта йирик	3 - 3.5	65 – 75
Йирик	2.5 - 3	45 – 65
Ўрта	2 – 2.5	30 – 45
Майда	1.5 – 2	10 – 30
Ўта майда	1 – 1.5	10 гача

Оддий оғир бетон учун қумнинг донадорлик таркиби ЎзРСТ бўйича қуйидаги талабларга жавоб бериши керак

Жадвал-4.2

Назорат элаклар кўзи ўлчами, мм	2,5	1,25	0,63	0,315	0,16
Назорат элакдаги тўла қолдиқ А, %	0 - 20	5 - 45	20 - 70	35 - 90	90 - 100

Шу сабабли 0,16 мм кўзли элакдан 10% дан кўп бўлмаган қум намунаси ўтиши керак.

Қумнинг донадорлик ёки гранулометрик таркиби унда мавжуд турли йириклидаги доналар билан ҳарактерланади ва ўртacha қум намунасини стандарт элаклардан элаб аниqlанади. Қумни элаш қуйидаги кўзли стандарт


элакларда амалга оширилади: 10мм; 5мм; 2,5мм; 1,25мм; 0,63мм; 0,315мм; 0,16мм.

10мм ва 5мм элаклар қум таркибидаги шағал ва чақиқ тошларни ажратиш үчүн ишлатилади.

10мм дан катта доналар 0,5%(масса бўйича)гача рухсат этилади, 5мм дан йириги эса:

- табиий құмда – 10% гача;
 - майдалаш чиқиндилари асосидаги құмда - 19% гача;
 - бойитилған құмларда - 5% гача.

Кумларнинг донадорлик таркиби 5мм кўзли элакдан элаб, йирик кўшимчаларни ажратиб аниқланади (расм-4.1).



Расм-4.1. Стандарт элакларда қолган айрим ва тўла қолдиқ:
а – айрим қолдиқ; б – тўла қолдиқ

Куруқ қумдан олинган намунанинг 1000г массасини 2,5мм ли элакка солинади, унинг остида бошқа кўзли элаклар жойлаштирилади (кичик кўзли элаклар кетма-кетлигига) ва остига чиқиндини йиғиш идиши қўйилади. Қум намунасини элаклар тўпламидан механик усулда ва қўлда титратиб ўтказилади, натижада элакларда қолган айрим қолдиқ аниқланади. Айрим қолдиқ қум намунасининг умумий массаси бўйича фоизда берилади. Шундан сўнг элаклардаги тўла қолдиқ аниқланади. Тўла қолдиқ шу элакдаги ва нисбатан йирик кўзли барча элаклардаги айрим қолдиқларнинг йиғиндиси билан ифодаланади.

ЎзРСТ 728-96 “Оғир ва майда түлдиргичли бетон” талабларининг расм 3.2 да берилган графикда конкрет олинган қумнинг донадорлик таркибини аниқлаш учун натижалар қўйилади ва агар бу эгри чизиқ графикда берилган чегарадан чиқмаса(стандартда берилган), бу қум бетон учун яроқли хисобланади.

Қумнинг донадорлик таркиби йириклик модули билан ҳам ифодаланади:
 $M_k = \sum A / 100$, (4.1)

Бу ерда:

$\sum A$ -назорат элакларида қолган тұла қолдиқ үйіндиси, % (расм-1 га қаранг);

$$\sum A = A_{2,5} + A_{1,25} + A_{0,63} + A_{0,315} + A_{0,16} = 5a_{2,5} + 4a_{1,25} + 3a_{0,63} + 2a_{0,315} + a_{0,16}; \quad (4.2)$$

Бундан күрінадыки $\sum A$ га тенг элаклардаги қумнинг айрим қолдиқлари-а күпроқ таъсир этади. Қум қанчалик йирик бўлса, $\sum A$ ва йириклик модули ҳам катта бўлади.

Йириклик модулини назарий нолдан (агар қумнинг барча доналари 0,16мм дан кичик бўлса) 5мм гача (агар қумнинг барча доналари 2,5мм дан йирик бўлса) қабул қилиш мумкин. Амалий йириклик модулининг ўзгариши камдир.

ЎЗРСТ 8736-93 “Курилиш ишлари учун қум. Техник шартлар” да қумнинг йириклик модули ва 0,63мм кўзли элакда қолган тұла қолдиқ бўйича гурухларга бўлиниши назарда тутилади.


ЎЗРСТ 728-96 “Оғир ва майда тўлдиргичли бетон”га кўра қумнинг йириклик модули 1,5-3,25 оралиқда бўлиши керак, мустаҳкамлик чегараси 20МПа ва ундан юқори бетонлар учун қумнинг йириклик модули 2дан кам бўлмаслиги, мустаҳкамлик чегараси - 35МПа ва ундан юқори бетонлар учун йириклик модули -2,5дан кам бўлмаслиги керак.

Қумнинг йириклик модулининг ўзгариш коэффициенти, гидротехник иншоатлар учун ишлатиладиган бетонлар учун 10% дан ошмаслиги керак.

Таклиф этилган донадорлик таркибидаги қумни қўллаш, кам цемент сарфлаб, энг яхши хусусиятли бетон қориши масини олиш имконини беради. Стандарт талаблари ҳам илмий изланишлар ва амалий тажрибалар натижасига таянади. Бу талаблардан бироз четланиш мумкин. Яъни техник-иктисодий асосланган бўлса, мустаҳкамлик чегараси-20МПа бўлган ва ундан юқори бетон учун йириклик модули 2дан кичик қумларини ишлатиш мумкин. Масалан,

Ўзбекистоннинг чўлли худудларида ўта майда бархан қумлари асосидаги бетон кенг қўлланади.

Мавжуд стандартларга кўра қумнинг донадорлик таркиби (расм-4.2) унинг зич катта уйма зичлигини ва энг кам бўшлиқда доналарининг компакт жойлашувини таъминлайди.



Расм-4.2. Оғир бетон учун ишлатиладиган қумнинг донадорлик таркибиға қўйиладиган талаблар:

- 1- қум йириклигининг рухсат этилган пастки чегараси ($M_k=1,5$);
- 2 - В15(М200) ва ундан юқори маркали бетонлар учун ишлатиладиган қум йириклигининг рухсат этилган пастки чегараси ($M_k=2$);
- 3 – В25(М350) ва ундан юқори маркали бетонлар учун ишлатиладиган қум йириклигининг рухсат этилган пастки чегараси ($M_k=2,5$);
- 4- қум йириклигининг рухсат этилган юқори чегараси ($M_k=3,25$);

Табиий қуруқ кварц қумининг уйма зичлиги таҳминан 1500-1600 кг/м³ ни ва бўшлиқлиги -30-40% ни ташкил этади.

Бетон қориши масида цемент қум донасининг сиртини юпқа қават билан ўраб олади (кўпинча 0,01дан 0,1мм гача). Шу сабабли қум донасининг юзаси қанча катта бўлса, цемент сарфи ҳам ошади. Фракция 2,5-5мм учун қумнинг солиштирма юзаси 10см²/г ни, майда фракция қум учун 100-300 см²/г ни ташкил этади. Табиий ўрта донадорли қумнинг солиштирма юзаси 40-70см²/г ёки 4-7м²/г ни ташкил этади.

Қумда бетон учун хавфли қўшимчалар мавжуд бўлади. Шу сабабли стандарт уларни чегаралайди. Қумда мавжуд чангсимон, гилсимон қўшимчалар (ўлчами 0,05мм дан кичик) стандарт усусларда сувда ювиш орқали аниқланади. Олинган намуна қумни ўлчов идишга солинади ва сув қўйиб 2 соат ушлаб турилади (вакти-вақти билан аралаштирилади). Аралаштиргандан 2 минутдан сўнг қум устидаги сув тўкилади, тоза сув қўйиб қумни ювишни токи сув билан қумни аралаштирганда тиниқ ҳолатга қолгунча давом эттирилади.

Шундан сўнг ювилган қум доимий массагача қуритилади, таркибидаги ювилган аралашмалар (%) қўйидаги формуладан топилади:

$$\Pi_{юв.арал} = \frac{m - m_1}{m} \cdot 100\% , \quad (4.3)$$


Бу ерда: m - ювилмаган доимий массагача қуритилган қум массаси, г
 m_1 - ювиб доимий массагача қуритилган қум, г.

ЎЗРСТ 8736-93 “Қурилиш ишлари учун қум. Техник шартлар”га кўра табиий қумда ортиқча аралашмалар 3%дан (масса бўйича) ошмаслиги керак, бойитилган қумда -2%, майдаланган қумда эса 5% гача рухсат этилади.

Қум таркибида аморф кремнезем турларининг мавжудлиги цемент ишқорлари билан реакцияга киришиб, бетоннинг нурашига олиб келади. Цемент ишқорлари билан қўйидаги тоғ жинслари ва минераллар боғланади: опал, халцедон, кремний.

ЎЗРСТ 728-96 “Оғир ва майда тўлдиргичли бетон”га кўра гидротехника ва транспорт иншоотларида ишлатиладиган бетонларда сульфид боғламалар 1% дан ошмаслиги керак.

Қумнинг намлиги унинг хусусиятларига, айниқса уйма зичлигига етарлича тасир кўрсатади. Чунки бошқа қурилиш материалларни намлашда уларнинг зичлиги ошади, қумда эса тескари. Бу қум нам ҳолатда бўлганида қуруқга нисбатан сочиувчанлиги кичиклиги билан тушунтирилади.



Расм-4.3. Құм ҳажмининг унинг намлигини ошишига қараб ўзгариши:
1- майда құм; 2- йирик құм

Құмга қуилған сув унинг доналарини елимлайди, шу сабабли бундай құмни бирор сиғимли усқунага солғанда компакт жойлашмайды ва бүш таркибни хосил этади. Құмнинг энг катта бүш таркиблиси намлик 4-7% бўлгада (масса бўйича) кузатилади (расм-4.3). Бунда құмнинг уйма зичлиги 10-40% га камаяди. Бетон тайёрлашда құмнинг намлигини инобатга олиш зарурдир.

Табиий құмни қазиб олиш.

Табиий құм, құм ва құм-шағалли конлардан қазиб олинади. Құм-шағалли аралашмани навларга ажратышда құм олинади.


Құм конлари келиб чиқиши шароитига қўра бошқа фойдалы қазилмалар каби тоғ олди, текислик ва сувда олинадиган турларга бўлинади. Тоғ олди жинслари тоғ ёнбағирларида жойлашади. Бунда құмни қазиб олиш жойи ўраб турган атроф-мухит ва транспорт йўлларидан тепада жойлашган бўлади. Бу конларда ҳамма вақт қуруқ құм учрайди.

Текислик конларида құм ер юзасидан пастда ва баъзан грунт сувларидан пастда юзага келади ва йифилади. Бу конлар қуруқ ёки нам ҳолатда бўлади. Құмни қазиб олиш усулидан келиб чиқиб, кондан сувни йўқотиш учун қуритилади (дренажда) ёки құмни олиш учун сув билан тўлдирилади.

Сувли конларда құм дарё, кўл ва бошқа сув ҳавзаларидан сув остидан олинади. Шундай қилиб, конларда құмлар очиқ усулда ёки ёпиқ усулда ишлаб чиқарилади. Құмни очиқ усулда қазиб олиш энг кўп тарқалган. Конлардаги құмлар замин, гил ва бошқа жинслар остида йифилади. Бу қаватни очиш қавати дейилади ва уни ҳажмининг фойдалы қазилма ҳажмига нисбати очиш коэффициентини ифодалайди.

Очиш ишлари, кон чегарасидаги очиш қаватини олиб ташлаш, фойдалы қазилмалар устини ифлослантирувчи ва бошқа заарли жинслардан тозалаш учун бажарилади. Конларни очишда булдозер, скрепердан фойдаланилади ва баъзан катта ҳажмдаги очишда экскаваторларда чуқурларга жўнатиш бажарилади.

Конларни очиша булдозер, скрепер жүннатиш бажарилади. Конларда очиш ишлари бажарилғандан сүнг транспорт йўллари ва ишлаш поғоналари хосил қилишда траншеялар ётқизилади (расм 4.4).



Расм 4.4. Кумни очиқ ҳолатда қазиб олиш:
1- пастки майдон; 2-қиялик; 3-юқори майдон; 4-ишилов берилаётган майдон.

Ишлаш поғоналари баландлиги 6-10м ва ундан юқорини ташкил этади. У бевосита экскаватор чумичи баландлигига боғлиқ. Агар қум конда катта ватламда мавжуд бўлса, у холда уни қайта ишлаш қаватма-қават бажарилади. Қазиб олиш қаватиинг эни экскаватор чумичи радиусига боғлиқ холда 1.2-1.3м ни ташкил этади.

Очиқ конларда қумни қазиб олишда турли типдаги экскаваторлар, скреперлар ва бошқа машиналар ишлатилади. Энг кўп бир чўмичли тўғри куракли экскаваторлар (чўмич сифими $0,25-15\text{м}^3$) қўлланилади. Бундай экскаваторларнинг чўмичи баландлиги 6-30м бўлиб, қазиб радиуси 6-40м ни ташкил этади.

Тўғри куракли бундай экскаваторлар ишлаш поғонасининг пастки майдонида транспорт воситалари билан бир қаторда жойлашади.

Экскаватор-драглайнлар бир ковшидан шуниси билан фарқ қиласиди, уларнинг чўмичи катта белкуракли типда бўлиб, ўқда канатларда осилган бўлади. Драглайн ўзи турган жойнинг пастки қисмини қазибди, шу сабабли коннинг юқори майдонида ишлайди.

Кўп чўмичли экскаваторлар хозирда энг кўп ишлатилади. Занжирилган кўп ковшили экскаваторлар конвейр шаклидаги тўхтовсиз ҳаракатланувчи чўмичлардан иборат. Чўмичларни бўшатиш лентали транспортерга ташлаш билан бажарилади.

Сув остидаги қум конларини қайта ишлашда сузувчи ускуналардан тупроқ сўрувчи снарядлар кенг ишлатилади. Уларда понтон мавжуд бўлиб, маълум вазиятга трослар, лангарлар ва қозиксимон ускуналар ёрдамида жойлаштирилайди. Пантонда тупроқ сўрувчи марказдан қочма типдаги насос мавжуд бўлади. Сув остига тупроқ сўрувчи ускуна ва зарур ҳолда механик

бўшатгич тушурилади. Тупроқ сўргич ва бўшатгич бирга ишлайди, чунки бўшаган қум сув билан бирга трубада сувли аралашма қўринишида сўрилади, сузувчи аралашма узатувчи ёрдамида йигилади.

Марказдан қочма тупроқ сўргичлардан ташқари қум сувли аралашмани қазиб олишда гидроэлеваторлар ишлатилади. Қум сувли аралашмалар қирғоқ бўйидаги махсус омбор майдончасида йигилади, у ердаги сув ҳавзага қайтарилади. Бунда бир вақтнинг ўзида қумни чанг ва гилсимон қўшимчалардан тозалаш, бойитиш ва фракциялаш ишлари бажарилади.

Қумни гидромеханизациялашган қазиб олиш фақат дарё ёки бошқа сув ҳавзаларида эмас, балки сувли текислик конларида ҳам ишлатиш мумкин. Сув юзасидан юқорида жойлашган қум конларини қайта ишлаш гидромониторларда бажарилади. Гидромонитор ўзида бошқариладиган трубали ствол ва оҳирида тор насадкани мужассамлаштиради. Насос ёрдамида яқин масофадаги сув ҳавзасидан узатилган сув гидромонитордан катта тезликда томчилаб отилади.

Билимларни назорат қилиш учун саволлар.

1. Отқинди тоғ жинсларига қандай минераллар киради?
2. Чўқинди тоғ жинслари қандай ҳосил бўлади?
3. Метоморфик тоғ жинсларига қандай минераллар киради?
4. Бетон учун ишлатиладиган табиий қумлар асосан қайси тоғ жинсларидан олинади?
5. Қумнинг донадор таркиби қандай аниқланади?
6. Йириклик модули бўйича қумлар қандай гурухларга бўлинади?
7. Қум таркибидаги кераксиз аралашмаар миқдори қандай аниқланади?
8. Табий қум қандай усулларда қазиб олинади?

5-Маъруза

Қумларни майдалаш, бойитиш ва фракциялаш

Майдалаш чиқиндилари асосидаги қум

Бетон учун яроқли қум тоғ жинсларини майдалаш орқали ҳам олиш мумкин, айниқса табиий қум мавжуд, лекин талабга жавоб бермайдиган туманларда кўп ишлаб чиқарилади. Майдалаш чиқиндилари асосидаги қум олишда отқинди, метаморфик ёки зич тоғ жинслари, ҳамда шағал ишлатилади.

Дастлабки тоғ жинслари сувда сақлаган холатда мустахкамлиги бўйича майдалаш чиқиндилари асосидаги қум 4та маркага бўлинади (тоғ жинси мустахкамлиги чегараси 100.80.60 ва 40 МПа дан кам бўлмаслиги керак). Отқинди ва метаморфик тоғ жинсларининг мустахкамлик чегараси 60МПа дан кам бўлмаслиги чўқинди тоғ жинслари эса 40МПа дан кам бўлмаслиги керак. Дастлабки тоғ жинсларининг мустахкамлигидан ташқари уларнинг таркиби ҳам мухимdir. Изланишлар шуни кўрсатадики, майдаланган қум доналарининг шакли иккита факторларга боғлиқ: Майдаланган жинслар структурасига ва

майдалаш усулига. Энг яхши қум майда ва ўрта донадорликдаги тоғ жинсларини майдалашда олинади. Бундай қумнинг доналари юзаси микрорельефининг баландлиги 170-190мкм ни ташкил этади, бу эса унинг бетонда цемент билан боғланишини таъминлайди. Йирик донадорни ёпиқ кристал ва шишасимон шаклдаги құмлар олинади. Уларнинг юзаси микрорельефи кичик баландликка эга. Бундан ташқари кичик донадорли ярим минералли таркибли тоғ жинслари (масалан, гранит) ни майдалаш орқали мономинерал таркибли (кварц, дала шпати, слюда) қум доналари олинади, у эса цемент тошида кичик боғланиши билан фарқ қиласи. Тоғ жинсларини майдалаш усули майдалаш усулларига боғлиқ. Шу нарса аниқланганли жинсларни сиқиши принципи асосида ишлайдиган майдалаш ускуналари (жағли, конусли, волкли)да кўп микдорда пластинкасимон ва нинасимон шаклдаги қум доналари олинади, зарб таъсири майдалагичларда эса (болғали)-нисбатан кам олинади.

ЎзРСТ талабига кўра қум доналари шакли кубга яқин бўлса, у холда унинг бўшлиқлиги хам кичик бўлади, ўз навбатида бетонда цемент сарфи хам камаяди. Майдаланган құмларнинг донадорлик таркибига юқорида келтирилган талаблар қўйилади. Агар тоғ жинси чидамсиз руда минераллари, кремнеземнинг аморф турлари ва бошқа асалбий қўшимчалардан ташкил топмаса, у холда қум олишда майдалашда фақат чанг (тош қукуни) кераксиз маҳсулот сифатида чиқади. Қум таркибидаги чанг табиий құмдаги гил сингари бетон учун салбий тасири кам, шу сабабли стандартга кўра чанг бўлиши 1- 3%гача рухсат этилади. Майдаланган қум асосидаги бетонда тўлдирувчиларнинг боғланиши ва унинг мустахкамлиги табиий кварц қум асосида бетонга нисбатан юқори бўлиб, нафақат сиқилишга балки чўзилишга хам яхши ишлайди. Бундай бетонлар совуққа чидамлилиги ва бошқа хусусиятлари билан ажralиб туради. Бироқ хозирги вақтда тош майдалаш чиқиндиларининг 5мм дан кичиги қурилишда кам ишлатилади, яъни тош чақир тоши и/ч да бу масса катта хажмда чиқади. Бу саноат чиқиндиларидан тош қукунини ажратиш (сувда ювиш ёки қуруқ бойитиш) натижасида бетон учун сифатли қум олиш мумкин. Майдалаш чиқиндилари асосида ва бойитишда олинган қум ЎзРСТ да 8-376-93 назарда тутилади.


Кумни бойитиш ва фракцияларга ажратиши.

Агар мавжуд қум кони донадорлик таркибига кўра ёки хавфли қўшимчалар микдорига кўра стандарт талабларига тўғри келмаса ва сифатли қумни олиб келиш катта сарф ҳаражатларни талаб этса, у холда қумни бойитиш, иқтисодий самара беради.

Кумни бойитиш бу 5 мм дан йирик доналарни олиб ташлаш, чангсимон ва гилсимон зарраларни ювиб тозалаш ва донадорлик таркибини яхшилашдан иборат.


Кумдан шағални ажратиш титратиладиган яssi ва барабанли ғалвирларда амалга оширилади.

Құмдан чангсимон, гилсимон ва лойқа құшымчаларни йүқотиши учун турли конструкциялы құм ювгичлар ва классификаторлар ишлатилади. Бундай иккита машинанинг схемаси расм-5.1 ва расм-5.2 да көлтирилған.



Расм-5.1. Спиральсимон классификаторнинг схемаси:

1- құмни ортиши; 2- ифлосланган сувни тұқиши; 3- айлануучи спираль; 4- сувни узатиши; 5- ювиб тозаланған құмни бүшатиши.



Расм-5.2. Құм ювииш аппараты:

1-сувни узатиши; 2-ювилған құмни бүшатиши; 3- халқали элеватор; 4-конуссимон барабан; 5-құмни ортиши; 6-ифлосланған сувни тұқиши.

Құмни сувда ювиш, бу уни сувли мұхитда аралаштириш ва тозалашдан иборат бўлиб, бунда құм донаси сиртини қоплаб турған гилли құшымчалар ва парда сув билан бирикиб чанглар билан биргалиқда лойқага айланади, тоза сув қўйиб оқизилади. Құм ювгичлар шу тахлидда ишлайди.

Табиий құм-шағалли аралашмадан құмни навларга ажратишида элаклардан фойдаланилади ва шу элакларнинг ўзида құмлар ювилади ва ифлосланған сув чиқарилиб юборилади. Бироқ бундай ювиш ишларининг сифати маҳсус құм ювгичлар ишлатганга нисбатан пастроқ.

Құмни бойитишдан асосий мақсад құмнинг талаб этилған донадорлик таркибини таъминлаш ҳисобланади. Республикализнинг күргина туманларида мавжуд конлардаги құм ўта майдадир. Уларни бетонда қўллагандан цемент сарфини 20-30% ва баъзан 50% гача оширади. Бундай құмларни ташиб

келтириладиган табиий қум ёки майдаланган қум қўшиб бойитиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

ЎзРСТ 8736-93 “Курилиш ишлари учун қум. Техник шартлар” бўйича майда табиий қумни бойитишда йирик фракциялар сифатида майдаланган қум, кўпинча майдалаш чиқиндилари ишлатилади.

Қумни фракциялашнинг зарурлиги шундан иборатки, кўпгина конларидаги қум донадорлик таркиби бўйича бир жинслилиги етарли эмас.

Баъзида агар қумнинг донадорлик таркиби стандарт талабларига жавоб берса ҳамки, улар бир жинсли бўлмаслиги мумкин. Масалан, 0,63мм ли элакда қолган тўла қолдик 20 дан 70% гача бўлиши мумкин, бундай қум йириклиги бўйича турли гурухларга мансуб бўлиши мумкин, кам микдорда бўшлиқлиги ва солиширма юзаси билан фарқланади. Бетон тайёрлашда эса цементнинг қўшимча сараланишига олиб келади.

Қумни фракциялашда қум иккита майда ва йирик фракцияларга ажратилади, бунда назорат элаклар 1,25 ёки 0,63мм га мос келувчи доналарга бўлинади.

Шундай қилиб, йириклиги 0 – 5 мм оддий қум ўрнига, истеъмолчи талабига кўра алоҳида йирик қум (1,25 - 5 ёки 0,63 - 5мм) ва майда қум (1,25 ёки 0,63 мм гача) ишлаб чиқариш мумкин.

Конларда қумни фракциялашда майда ва йирик фракцияли қумларнинг чиқиши табиий бўлиб, у етарли чегарарада ўзгариши мумкин, чунки қум келиб чиқишида бир жинсли бўлмайди.

Бироқ бетон тайёрлашда 0,63мм дан кичик фракцияли қумни 0,63 - 5мм фракцияли қумга аралаштирганда, масалан, 1 : 1 нисбатда (масса бўйича), хосил бўлган аралашма бир жинсли бўлади.


Шундай қилиб, қумни фракциялаш бетон сифатини оширади ва цемент сарфини камайтиради, лекин иккита муаммо мавжуд: биринчи, фракциялаш технологиясини танлаш; иккинчи, иккита фракцияга бўлинган қумдан фойдаланишнинг самарали шароитини таъминлаш.

Қумни ишлаб чиқариш шароитида бойитиш, фракциялаш гидравлик классификациялашда бажарилади. Донадорли материалларни гидравлик классификациялаш стандартда келтирилган бўлиб, турли зичлиқдаги ва йириклидаги доналарни сувли муҳитда турли тезликда чўқтириш билан аниқланади.

Қум доналари зичлиги деярли бир хил бўлиб, гидравлик классификациялашда қумни донадор йириклиги бўйича ажратиш имконини беради.

Турли гидравлик классификациялар мавжуд: гравитацион (турли оғирлик кучи ҳисобига доналарнинг ажратилиши содир бўлади) ва марказдан қочма (оқимнинг айланиши ҳисобига марказдан қочма тезлаштиргич таъсирида ажратиш интенсивлиги оширилади).

Гидромеханизациялашган конларда қўлланилаётган гидравлик классификаторларнинг схемаси расм-5.3 да кўрсатилган.



Расм-5.3. Гидравлик классификаторнинг схемаси:


а-пастдан сувли аралашмани узатиши(ГКД типида); б-юқоридан сувли аралашмани узатиши(ГКХ типида); 1- йўналтирувчи труба; 2-йирик фракциялар учун бўшатиши трубаси; 3-майдо фракцияли қумли сувли аралашманинг чиқиши; 4-классификацион камера; 5-қуийши трубаси; 6-шиток; 7-классификатор қабул камерасининг корпуси; 8-диффузор; 9-таянч; 10-сувни узатиши трубаси; 11-классификацион камерада сувни узатиши учун халқа; 12- воронка; 13-поплавка; 14-қабул қилиши-тушириши камераси; 15-сўндирувчи цилиндрлар; 16-классификацион труба; 17-ёпқич; 18-тоза сувни тангенциаль узатувчи.

Гидравлик классификаторлар сувли аралашмани пастдан ёки тепадан узатиш орқали ишлайди. Биринчи ҳолатда (расм-6, а) сувли аралашма тупроқ сўрувчи қурилма орқали труба-1га узатилади, ундан эса диффузор-8 орқали классификацион камера-4га етказилади. Тоза сув оқимида аралашган майда қум камера юқорисидан ўтиб, труба-5 орқали чиқади. Йирик фракциялар воронка- 12 га чўқади ва патрубка-2 орқали узатилади.

Иккинчи ҳолатда (расм-6, б) сувли аралашма труба-1 ёрдамида юқоридан узатилувчи юкни қабул қилувчи камера-14да бўлинади, чунончи майда донадорли қумларнинг сувда чўкиш тезлиги келувчи тоза сув оқимининг тезлигидан кичик, шу сабабли диффузор-8 орқали трубага тушади, нисбатан йирик доналарнинг сувда чўкиш тезлиги юқори бўлиб, келувчи сув оқимида бўлмайди, шу сабабли классификацион труба-16 орқали воронка-12га тушади ва труба-2 орқали ташқарига чиқарилади.

Гидравлик классификаторга тушувчи тоза сув оқимининг тезлигини назорат қилиш орқали қумни талаб этилган дона йириклигига ажратишга эришиш мумкин.

Майда қумни қисман сувсизлантириш марказдан қочма классификатор гидроциклонда (расм-5.4) амалга оширилади. Сувли аралашма тангенциал равишда циклонга йўналтирилади ва девор атрофида айланади.



Расм-5.4. Гидроциклоннинг схемаси:

1-чиқши патрубкаси; 2-қуийши патрубкаси; 3-тўлат корпуси, ичи ишқаланишига бардошли материал билан қопланган; 4- қумни бўшатиш учун тешик; 5-қоплаш.

Бу ҳолатда қумлар оқимдан чиқади ва деворда ушлаб қолинган ҳолатда пастга тушади, сув эса чанг ва гиллар билан бирга юқори патрубка бўйлаб чиқарилади.

Билимларни назорат қилиш учун саволлар.

1. Қумни бойитиш ва ювиш қандай амалга оширилади?
2. Қумни сувсизлантириш қандай усулда амалга оширилади?
3. Қум қандай фракцияланади?
4. Қумнинг солишишима юзаси нимани билдиради?
5. Стандарт талабига кўра қумнинг донадор таркиби қандай бўлиши керак?
6. Стандарт элакларда айрим ва тўла қолдиқлар қандай аниқланади?
7. Дарё ва денгиз қумлари қандай қазиб олинади?

6-Маъруза


Шағал ишлаб чиқариш технологияси

Шағал ишлаб чиқариш технологияси. Техник талаблар.

Шағал деб, йириклиги 5мм дан (баъзида 3 мм) 70мм (баъзида ундан ҳам юқори) гача тош жинси тош бўлакларига айтилади.

Денгиз қирғоқларида ва дарё ҳавзаларида мавжуд шағал доналари ўта силлиқ юзали бўлиб, тухумсимон ёки овал диск шаклида бўлади, бетонда цемент тоши билан ёмон боғланади. Шу сабабли, шағал тош мустаҳкамлик чегараси 30МПа дан ортиқ бўлмаган бетонларда қўлланади. Шағалнинг йирик фракциялари чақиқ тош олиш учун майдалашда ишлатилади.

Бетон тайёрлашда алоҳида миқдорланган ҳолда шағалнинг қуидаги фракциялари ишлатилади: 5-10; 10-20; 20-40 ва 40-70 мм. Бундан ташқари шағал фракцияси 3-10 мм, гидротехник бетонлар учун эса 40 - 80 ва 80 - 120мм қўллаш стандарт бўйича рухсат этилади.



*Расм-6.1. Шағал(чакиқ тош)нинг донадорлик таркибининг графиги:
текис чизиқлар битта фракцияли тўлдирувчилар учун; узук-юлуқ чизик – 5(3)-
20 мм фракцияли аралашима учун.*

Шағал фракциясининг донадорлик таркиби расм-6.1 да қўрсатилган чегарада бўлиши керак. Баъзи ҳолатларда шағалга ўта муҳим талаб қўйилади. Масалан, шағал фракцияси таркибида 5(3) мм энг кичик доналар миқдори 5% дан ошмаслиги керак ёки юпқа деворли конструкциялар қўлланиладиган бетон таркибида энг катта рухсат этилган шағал доналари миқдори умумий фракция массаси бўйича 5% дан ошмаслиги керак.

Стандартга кўра майдаланиш қўрсаткичи бўйича шағалнинг тоғ жинсларини сиқилишдаги мустаҳкамлиги интервалига мос келувчи (жадвал- 6.1) тахминий қуидаги маркалари назарда тутилади.

Шағалнинг майдаланиш бўйича мустаҳкамлигига кўра маркаси

Жадвал –6.1

Кўрсаткичлар номланиши	Шағалнинг маркаси			
	Др- 8	Др-12	Др-16	Др-24
Майдаланиш кўрсаткичи,%	8 гача	8 – 12	12 – 16	16 – 24
Сиқилишга мустаҳкамлик чегараси, МПа	100дан кўп	80 - 100	60 - 80	40 - 60

Шағал тош стандарт талабига кўра қуидагиларга жавоб бериши керак:
Др8 - сиқилишдаги мустахкамлиги 40МПа ва юқори бетонларда ишлатилади;
Др12 - сиқилишдаги мустахкамлиги 30 МПа дан 40МПа гача бетонларда;
Др16 - сиқилишдаги мустахкамлиги 30МПа гача бетонларда қулланилади.

Шағал таркибидаги бўш жинс доналари ўртacha намунани визуал баҳолаш ва доналар мустаҳкамлигини болға билан енгил уриб ёки доналар қаттиқлиги пўлат нина (отқинди ва метаморфик тоф жинслари) ёки алюмин (чўкинди карбонат жинслар) нина ёрдамида тирнаш орқали аниқланади. Нина бўш доналар сиртида чизик қолдиради, мустаҳкамининг сиртида эса чизик қолдирмайди.

Шағал намунасидан олинган бўш жинслар доналари ажратилади ва умумий массадаги улуши аниқланади(%):

$$X_{\delta_{yu}} = \frac{m_{\delta_{yu}}}{m} 100\%, \quad (6.1)$$

Бу ерда: $m_{\delta_{yu}}$ - бўш жинслар доналарининг массаси, кг
 m - шағал намунасининг умумий массаси, кг

Йирик тўлдирувчи таркибида бўш жинсларни аниқлашда механик индикатор қўллаш мумкин, у эса ҳар бир дона бўлаги зўриқишини белгилаб беради. Шағалда бўш жинс доналари миқдори Др8, Др12 ва Др16 маркалар учун 10% гача ва Др24 маркали шағал учун 15% гача рухсат этилади.

ЎЗРСТ 8267-93 “Қурилиш ишлари учун зич тоф жинсли чақиқ тош ва шағал” бўйича шағалнинг маркалари қуидагилардан кам бўлмаслиги керак: Др8-сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси 40 МПа ва ундан юқори бетонлар учун; Др12-сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси 30 МПа дан 40 МПа гача бетонлар учун; Др16-сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси 30 МПа дан кичик бетонлар учун қўлланилади. Оғир бетон учун Др12 маркали шағални қўллаш тавсия этилмайди.

Шағал таркибида пластинкасимон ва нинасимон шаклдаги (қачонки донанинг бир ўлчами иккинчидан 3 марта ва ундан катта бўлса) доналар миқдори 35% дан ошмаслиги керак.

Шағал таркибида ювилувчи чанг, лойсимон ва гилсимон бўлаклар миқдори 1% дан ошмаслиги керак. Айниқса шағал донасига ёпишган гил миқдори 0,25% дан ошмаслиги керак.

Шағал таркибида колориметрик намуна бўйича аниқланган органик қўшимчалар миқдори қумда келтирилган сингари чегараланади. Бу таркибида мавжуд руда минераллари, сулфид боғламалар, кремнеземнинг аморф турларига хам таалуқлидир.

Шағални қазиб олиш ва фракцияларга ажратиш.

Шағал асосан қум-шағал конларни қайта ишлашда олинади. Қум-шағалли аралашмада шағалнинг масса улуши ўртacha 30-40% ни ташкил этади.

Қум-шағалли конларни қайта ишлашда қум алоҳида ва шағал стандарт

фракцияларга күра доналари йириклиги бүйича алохыда ажратилади.

Ҳозирги вақтда қазиб олинаётган қум-шағалли аралашмалар ҳамма вақт ҳам навларга ажратилмайди. Уларни бевосита бетон тайёрлашда ишлатилади. Бу қулай, арzon ва баъзан мақсадга мувофиқ бўлиб, бунда қум-шағалли аралашманинг донадорлик таркиби бетон учун оптималга яқин бўлиши шарт.

Қум-шағалли аралашмаларни навларга ажратишда катта кўзли ғалвирлар ишлатилади ва сочилувчан аралашманинг доналари йириклиги бўйича ажратиш жараёнини эса элаш дейилади.

Элаш бевосита аралашмани катта кўзли ғалвир бўйича ҳаракатланишидан бажарилади. Баъзан бу элаклар бурчак остида ўрнатилади, бунда аралашма табиий қиялик бурчагидан катта бўлади. Бу ҳолатда аралашма ўз оғирлиги бўйича ҳаракатланади.

Бундай ғалвирларни ҳаракатланмайдиган дейилади. Кўпинча ҳаракатланувчи ғалвирлар ишлатилади, унда навларга ажратиш жараёни жадал кетади.

Катта кўзли ғалвирларнинг элаш юзаси колосники, штампаланган қўйма ёки четанли бўлиши мумкин. Келосники катта кўзли ғалвирлар алоҳида колосник элементларидан йиғилади, бу маҳсус профилли стержинлардан иборат бўлиб, навларга ажратилаётган аралашма колосниклар орсидаги ёриқдан тушади.

Штампаланган қўйма панжара листли пўлатдан айлана ёки ёриқсимон тирқишилардан иборат ҳолатда тайёрланади.

Элаш юзасининг асосий параметри бу кесимга ёки тирқишилар юзасининг ғалвирнинг ёки панжаранинг юзаси нисбатига боғлиқ.

Ғалвирлардаги ва панжарарадаги тешикларниг ўлчамлари шу ҳолатда ҳисобланадики, бунда аралашмадаги зарур олинадиган доналар улардан эркин ўтиши керак, бу эса панжаранинг қиялиги, қалинлиги ва доналарнинг панжарада ҳаракатланиши тезлигига боғлиқ.


Стандартда бу ҳолатлар бўйича йўл қўйилган: қумда 5% ёки 10% шағал бўлиши, шағалда эса 10% гача кум бўлиши рухсат этилган. Амалиётда бу чегаралар ҳамма вақт ҳам сақланмайди.

Шағални навларга ажратишда турли конструкцияли қўзғалувчан катта кўзли ғалвирлар ишлатилади.

Ясси катта кўзли ғалвирлар энг кўп қўлланилиб, ҳаракатланиш характеристига кўра иккита гуруҳга бўлинади: чайқалувчан ва тебранувчан.


Чайқалувчан ғалвирлар шуниси билан фарқланадики, ундаги панжара ҳаракатланувчи қривошиб механизми билан қаттиқ кинематик боғланиши орқали ҳаракатга келади. Расм-6.2, а да айланма чайқалувчи ғалвир схемаси келтирилган. Бундай ғалвирларни гирацион деб аталади.

Тебранувчан, баъзида инерцион деб номланадиган ғалвирлар уларда жойлашган тебратгич-дебалансли вал (расм-6.2, б) ҳаракатланишидан тебранади.



*Расм-6.2. Ясси ҳаракатланувчи катта кўзли ғалвирнинг схемаси:
а-гирацион; б-инерцион*

Панжаранинг тебраниш амплитудаси ва нуқта саҳнаси дебаланслар инерция қучига, шу билан бирга пружина эластиклигига, ғалвирнинг массасига ва уни материаллар билан юклаш даражасига боғлик.



Расм-6.3. Барабан типидаги ғалвирнинг схемаси

Қурилишда ясси ғалвирлардан ташқари, барабан типидаги ғалвирлар ишлатилади (расм-6.3), уларда материалларни навларга ажратиш нисбатан секин қия ўқ атрофида цилиндр панжаранинг бир текисда айланишидан бажарилади.

Барабан типидаги ғалвирлар турли ўлчамдаги тирқишилардан иборат секциялардан иборат бўлиб, материал майда кўзли панжарарадан йирикка қараб ҳаракатланади, расм-6.3 да кўрсатилган. Баъзида икки ёки учта панжарарадан иборат бири-иккинчисида жойлашган барабан типидаги ғалвирлар ишлатилади. Бунда ясси ғалвирлардаги каби навларга ажратиш йирикдан майдага қараб бажарилади.

Йирик кўзли ғалвирларнинг ишлашини баҳолашда элашнинг сифат коэффициенти киритилади (%), элашнинг самарадорлиги ҳам деб аталади:

$$E = \frac{b}{a} \cdot 100 = \frac{100}{\frac{a}{b}} \cdot 100. \quad (6.2)$$

Бу ерда: *c*-қуийи синфнинг чиқиши, бутун материал массаси бўйича (масалан, қум-шағалли аралашмадан қумнинг чиқиши);

a- фойдаланилган материал таркибида майдага фракциянинг масса улуши (қум-шағалли аралашмада қумнинг микдори), %;

c- юқори синфдаги майдага фракциянинг ифлосланиши (шагалда қумнинг масса улуши), %.

Агар *c*- катталиги 5% дан ошмаса, у ҳолда элашнинг самарадорлиги, масалан *a*=60% да қуидагидан кам бўлмаслиги керак:

$$E = \frac{100}{60} \cdot \frac{60 - 5}{100 - 5} \cdot 100 = 96,5\%, \quad (6.3)$$

Агар *c*=10% бўлса, у ҳолда элашнинг самарадорлиги *E*=93% бўлади.

Бир мартали элашда *E*-катталиги, тажриба маълумотларига кўра, барабан типидаги ғалвирлар учун-60% гача, чайқалувчи ғалвирлар учун-90% гача, тебранувчи ғалвирлар учун -98% гача.

Аралашмани ғалвирда сув билан ювганда ҳўл элашнинг самарадорлиги ошади. Бу ҳолатда шағал пастки синф билан бирга ювилган қўшимчалардан тозаланади.

Титранувчан катта кўзли ғалвирларнинг маҳсулдорлиги ($\text{m}^3/\text{соат}$) қуидаги формуладан аниқланади:

$$Q = cF \cdot q \cdot l \cdot m \cdot n \cdot o \cdot p, \quad (6.4)$$

Бу ерда:

c- элак юзасидан фойдаланиш коэффициенти; юқори элак учун *c*=1;0,85 ва ғалвирни материал юклаганда эни 70 дан катта ва 65% дан кичкина мос келувчи пастки элак учун -*c*=0,8 ва 0,7;

F-элакнинг ишчи юзаси, m^2 , ғалвир турлари ГИС- 62, ГИС- 52 ,ГИС- 42 учун 9,7,5 қабул қилинади, ГИТ-41 учун *F*=4,5;

q- квадрат кўзли 1m^2 элакнинг солиштирма ҳажмий маҳсулдорлиги, m^3 ($\text{m}^2 \cdot \text{соат}$); металл элак кўзи ўлчами 3,5,10,20,40,80 ва 100 мм учун мос ҳолда *q*=7,11,19,28,38,58 ва 63;

R, *l*, *m*, *n*, *o*, *p* –тузатма коэффициентлар;


R ва *l*- элак кўзидан катта ва ярмидан кичигига мос келувчи ўлчамдаги доналарнинг микдорини ҳисобга олади;

R=0,6-2,0 бўлиб, 20 дан 90% гача таркибида 0,2 интервал бўйича ҳар 10% дан сўнг;

l=0,94;0,97 ;1,0;10,20,25% учун ва *l*=1,03; 1,09;1,18; 1,32; 1,55 ;2,0; 3,36-30,40,50,60,70,80,90% учун;

m-элакнинг самарадорлиги-Ега боғлик бўлиб: *n*=1,0 ва 1,25- майдаланган материал ва қум-шағалли аралашма учун; *o*=1,0 ва 0,75....0,9-куруқ ва нам материалга мос келади;

$P=1,25 - 1,4$ сувда элашда элак ўлчами 25мм дан кичик учун, бошқа ҳолатда қуруқ ва хўл элаш учун $P=1$.



Расм-6.4. Конуссимон ғалвир:

1-қумли-лойқа сувни йўналтирувчи паттрубка; 2-шағални йўналтирувчи паттрубка; 3-корпуснинг конуссимон қисми; 4-конуссимон панжара; 5-корпуснинг цилиндрик қисми; 6-қопқоқ.


Кум-шағалли аралашмани гидромеханизациялашган усулда қазиб олишда сувли аралашма конуссимон сувли ғалвирда қум ва шағалга ажратилади. Конуссимон ғалвир (расм-6.4) ичida конуссимон панжара ўрнатилган бўлиб, 2,5-5 м/с тезликда сувли аралашма тангенциал ҳолатда узатиб турилади. Қумли-лойқа сув ва шағални ажратиш сувли аралашманинг тепа қаватида босим ва марказдан қочма кучлар таъсирида бажарилади.

Корпуснинг цилиндрик қисми ички диаметри 1,1-3м бўлганда ғалвирнинг ўртача маҳсулдорлиги 20-400 м³/соат ни ташкил этади, қаттиқ маҳсулот (шағал) ва сувли аралашма (қумнинг сувли аралашмаси)га мос келади. Сўнгра гидравлик классификаторларга юборилади, шағални доналар йириклиги бўйича фракцияларга ажратилади.

Шағал ювиш ва бойитиш.

Шағални гидромеханизациялашган қазиб олишда ювиш ишлари, чангсимон, гилсимон ва лойсимон бўллакларни олиб ташлаш биргалиқда бажарилади. Конларни қуруқ усулда қайта ишлашда олинган шағал элаш жараёнида сув билан ювилади.

Бироқ кўп ҳолларда шағалда тозалаш қийин бўлган гилли қўшимчалар мавжуд бўлади, уларни тозалашда нафақат сувда ювилади, балки маҳсус машиналарда механик таъсир кўрсатилади.




Расм-6.5. Шагал юувучи скруббер-бутарданинг схемаси:
 1-ортиши нови; 2-тишили пўлат барабан; 3-панжара қисм(бутарда);
 4-сувни узатиши.

Масалан, скруббер-бутарда (расм-6.5) йирик шағаллар барабаннинг айланишида қайта ишланади, бунда барабан ичи тишли пўлат лист билан қопланади, натижада дона юзасидаги гил плёнкаси олиб ташланади.


К-12 ва К-14 маркали шағал ювгичларда йириклиги 40мм гача бўлган материаллар тозаланади ва унинг маҳсулдорлиги 70-100 м³/соат ни ташкил этади. Ювиш давомийлиги 2-3 мин, сув сарфи эса 2,5-3 м³/тонна.

Хозирги вақтда труба шаклидаги ишчи органли титратиб-юувучи машинадан самарали фойдаланилмоқда. Титратиб-юувучи машина йириклиги 20-120мм йирикликтаги материалларни ювишда ишлатилади, бунда ўртacha ва қийин ювиладиган қўшимчалар 10-12% ни ташкил этиши керак.

Титратиб-юувучи машинанинг маҳсулдорлиги 30-70 м³/соат, сув сарфи эса 40-100м³/соат ни ташкил этади. Бундай машина схемаси расм-6.6 да келтирилган.



Расм-6.6. Титратиб-юувучи машина:
 1-қопланган тарнов; 2-сувни жўнатиши; 3-пружинали осма; 4-
 титратгич; 5-шагални ортиши



Расм-6.7. Шағал доналарининг эластиклиги бўйича ажратиши машинаси:
1-юқори сифатли шағални бойитиш; 2-кейинги синф; 3-паст сифатли шағал; 4-
эластик плита; 5-қайта ажратишга жўнаташи; 6-таъминловчи; 7-
сарфланувчи шағал.

Шағални ювиш қопланган қия жойлаштирилган тарновларда бажарилади. Тарновда титратиш натижасида шағал бўш ҳолатга келади, винт шаклидаги ҳаракатланиши сабабли, тўкиш қисмига жойлашади.

Доналар ўзаро ишқаланиши ва сув қўшилишида гилли қўшимчалардан тозаланади.

Шағални ва чақиқ тошни бойитиш жараёни бир қанча усулларда бажариш мумкин: эластиклик хусусияти, дона зичлиги ва бошқа.

Шағални эластиклиги бўйича ажратишнинг энг оддий ва кенг тарқалган усули расм-6.7 да келтирилган.

Шағал доналари таъминловчи ёрдамида кичик қаватларга тақсимланади ва пастга улоқтирилади. Қия пўлат плитага маълум баландликдан тушаётган шағал доналари ўзининг эластиклик кучи таъсирида турли бурчак остида отиласди, бунда доналар турлича тезлик ва траекторияга эгабўлади.


Ўта мустаҳкам ва эластик шағал доналари узоқроқقا отилса, нисбатан бўшлари-яқинроққа ва алоҳида бункерда йигилади.

Бу ҳолатда, доналарнинг ҳаракат тезлиги уларнинг эластиклиги билан бирга дона шакли ва йириклигига боғлиқ. Бироқ бўш доналарнинг бойитилган

шагал бункерига тушиши эҳтимоли кам. Саноат тажрибасидан маълумки бойитишнинг бундай усули етарлича самара беради.


Алоҳида доналарни турли ишқаланиши бўйича бойитиш, бойитилган материалнинг табиий (расм-6.8) бурчаги бўйича амалга оширилади. Доналарнинг қия юзаси бўйича ҳаракатланиши тезлиги асосида маълум бункерга тушади.

Барабан типидаги сепаратор пўлат цилиндрдан иборат бўлиб, материал оқимиға қарши айланади (расм-6.9). Бойитилиаётган материал йўналтирувчи варонка бўйича барабанга узатилади. Нисбатан мустаҳкам доналар бир томонга тушса, нисбатан бўш доналар эса бошқа томонга тушади.




Расм-6.8. Шагални (чақиқ тошни) доналари ҳаракати тезлиги бўйича ажратиши

Расм-6.9. Барабан типидаги сепаратор



Расм-6.10. Титратишида қаватланиши:
а-бошлиғи; б-якуний ҳолати



Расм-6.11. Поршенли чўқтирувчи машина: 1-поршень; 2-енгил фракция; 3-огир фракция; 4-қўзғалмас панжара; 5-сув

Шагал доналарини зичлиги бўйича ажратиш, гравитацион ҳам деб аталувчи усул шунга асосланганки, бунда мустаҳкам доналар нисбатан зич бўлади, бўшлари эса нисбатан ғовак, енгил бўлади.


Гравитацион усулда шағални оғир мұхитда чўқтириш ва бойитиш мүмкін. Чўқтириш мұхити қуидагилардан иборат. Агар бир жинсли бўлмаган материални тез-тез титратиб турилса қаватланиш юзага келади, яъни оғир доналар пастга чўқади, енгиллари эса юқорига чиқади (расм-6.10, а).

Агар аралашма бир хил йириклидаги оғир ва енгил доналардан (расм-10, а) ташкил топса, у ҳолда кўп мартали титратишида қаватланиш чизиги баландлик ўртасида (расм-6.10, б) ҳосил бўлади.


Саноатда шағални чўқтириш сувли мұхитда бажарилади. Шағал чўқтириш машиналари қўзғалувчан ва қўзғалмас панжарали бўлади.

Қўзғалмас панжарали шағал чўқтириш машинасининг схемаси (расм- 6.11) да келтирилган. Бунда поршен ёки диафрагмани харакатланиши сув пульсациясида юзага келади.

Бойитилаётган материал қавати чиқувчи сув оқимида кўп мarta титратилади ва тиндирилади. Материал тўла қаватлангандан сўнг қаватлар алоҳида ажратилади.



Расм-6.12. Қўзғалувчан панжарали шағал(чақиқ тош)ни чўқтирувчи машина: 1-юклаш тарнови; 2-панжара; 3-ювилган қолдиқ(шлам); 4-оғир фракция; 5-енгил фракция; 6-тармоз.



Расм-6.13. Тўлдирувчиларни оғир мұхитда ажратувчи сепаратор: 1-сусpenзияни узатиши; 2-чўкган фракция; 3-барабан; 4-сузиб чиқган фракция.

Шағални бойитиш худди шундай қўзғалувчан панжарали чўқтирувчи машина (расм-6.12) да ҳам бажарилади, факат бу ҳолатда сувнинг ва бойитилаётган материалнинг нисбий ҳаракатланиши кривошип-шатун механизми ёрдамида панжаранинг пульсацияси орқали бажарилади.

Оғир муҳитда шағални ажратиш янада самарали ҳисобланади. У қўйидагилардан иборат.

Агар доналари зичлиги бўйича бир жинсли бўлмаган материални зичлиги бойитилаётган материалнинг енгил доналари зичлигидан катта ва оғир доналари зичлигидан кичик суюқликка жойлаштирилса, у ҳолда енгил (нисбатан бўш) доналар юзага сузуб чиқади, оғирлари эса чўқади.

Ажратувчи муҳит сифатида сув ва магнетит кукуни ($\rho = 4,9\text{--}5,2 \text{ г}/\text{см}^3$), ферросилиций ($\rho = 6,3 \text{ г}/\text{см}^3$) ёки бошқа оғир материаллар суспензияси ишлатилади.

Бу материаллар ўта майин туйилган бўлиши шарт. Шағални оғир муҳитда бойитища расм-6.13 да келтирилган сепараторлар ишлатилади.

Сепараторга солинган шағал доналари барабаннинг айланишида унинг спиралига жойлашади. Суспензияга чўкган доналар элеватор ёрдамида тарновда узатилади. Суспензия тўхтовсиз барабангага келиб тушади ва сузуб чиқган доналар билан оқиб чиқади.

Билимларни назорат қилиш учун саволлар.

1. Бетон тайёрлашда шағалнинг қандай фракциялари ишлатилади?
2. Шағалнинг донадорлик таркибининг графиги қандай кўринишида бўлади?
3. Шағалнинг майдаланиш бўйича мустахкамлигига кўра маркалари?
4. Шағал таркибидаги бўш жинслар миқдори қандай аниқланади?
5. Шағал қандай усулларда фракцияларга ажратилади?
6. Барабан типидаги ғалвирларнинг ишлаш принсипи қандай бўлади?
7. Титранувчи ғалвирларнинг унумдорлиги қандай аниқланади?
8. Шағал юувучи машиналарнинг ишлаш принциплари?
9. Шағал оғирлиги бўйича фракцияларга қандай усулда ажратилади?
10. Шағални алоҳида доналари бўйича бойитиш қандай бажарилади?
11. Шағални сув ёрдамида ювиш ва новлаш сеператорлари?
12. Шағал қандай тоғ жинсларидан олинади?

Чақиқ тош ишлаб чиқариш технологияси

Чақиқ тошга қўйиладиган техник талаблар.

Чақиқ тош тоғ жинсларини майдалаш асосида олинади. Чакиқ тош юқори мустаҳкамлиқдаги бетонлар учун сифатли йирик тўлдирувчи сифатида ишлатилади.

У шағалдан қиммат, бироқ Ўзбекистонда чақиқ тош ишлаб чиқариш ҳажми шағалдан бир неча бор ортади. Бу шу билан тушунтирилади: шағал Республикализнинг барча туманларида ҳам учрамайди ва юқори мустаҳкамлиқдаги бетон олиш учун ишлатиб бўлмайди.

Чақиқ тош олишда асосий хомашё сифатида отқинди тоғ жинслари-гранит, габро, диабаз, базальт ва карбонат чўкинди жинслари оҳактош ва доломитлар ишлатилади. Саноатда қумтош ва метаморфик тоғ жинслари кам ишлатилади.

Келтирилган талаблар зичлиги- $1800 \text{ кг}/\text{м}^3$ дан катта тоғ жинсларини майдалашда олинган шағалга мос келади.

Зич тоғ жинсларидан олинган шағал ва чақиқ тошнинг донадорлик таркиби уларнинг чегаравий йириклиги турли (20, 40, 60, 70 мм) бўлганлиги учун энг кичик ва энг йирик ўлчамларидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

Жадвал-7.1

Элак тешикларининг ўлчамлари, мм	$D_{\text{кич}}$ 5 мм	$D_{\text{кич}}$ 10 мм	0,5 $D_{\text{кич}}+D_{\text{кам}}$		$D_{\text{кам}}$
			бир фракция учун	Фракциялар аралашмаси учун	
Тўлиқ қолдиқлар, %	95-100	90-100	40-80	50-70	0-10

Чақиқ тошга қўйиладиган ЎзРСТ 8267-93 “Курилиш ишлари учун зич тоғ жинсли чақиқ тош ва шағал” бўйича талаблар унинг келтирилган фракция ёки аралашмаси таркибида, доналари нисбатига кўра юқорида келтирилган шағал сингаридир.

Чақиқ тош доналари шаклига кўра учта гурухга бўлинади: *оддий*, бунда пластинкали ва нинасимон шаклдаги доналар 35% гача (масса бўйича); *яхшиланган*, бунда пластинкали ва нинасимон шаклдаги доналар 25% дан кўп эмас; *кубсизмон*, бунда пластинкали ва нинасимон шаклдаги доналар 15% дан кўп эмас.

Баъзи бир маҳсус бетонлар учун ЎзРСТ 728-96 “Оғир ва майда тўлдиргичли бетон” бўйича, масалан босимли қувурлар учун ишлатиладиган бетонларда фақат кубсизмон чақиқ тош қўлланилиши керак.

Чақиқ тошнинг мустаҳкамлиги унинг маркасини ифодалайди, бунда сувга солинган ҳолда ишлатилган тоғ жинсининг мустаҳкамлиги чегарасидан келиб чиқган ҳолда, цилиндрда эзилишдаги майдаланиш кўрсаткичи асосида аниқланади.

ЎЗРСТ 728-96 “Оғир ва майда тўлдиргичли бетон” га қўра чақиқ тош ишлаб чиқаришда ишлатилган тоғ жинсининг мустаҳкамлиги олинадиган бетоннинг мустаҳкамлигидан юқори бўлиши керак: 30 МПа дан кам мустаҳкамлигидаги бетон 1,5 дан кам бўлмаслиги керак; 30 МПа ва ундан юқори бетонлар учун икки мартадан кам бўлмаслиги керак.

Отқинди тоғ жинслари асосидаги оғир бетон учун тўлдирувчи сифатида ишлатиладиган чақиқ тошнинг маркаси, тоғ жинси мустаҳкамлигига мос келувчи 80 МПа дан кам бўлмаслиги, метаморфик тоғ жинси асосида чақиқтош 60 МПа дан кам бўлмаслиги, чўкинди тоғ жинси асосида чақиқ тош 30 МПа дан кам бўлмаслиги керак.

Чақиқтош ишлаб чиқариш ва уни бойитиш.

Чақиқ тош ишлаб чиқариш қуйидаги технологик жараёнларни қамраб олади: тошни қазиб олиш, майдалаш ва навларга ажратиш (элаш). Тошларни қазиб олиш асосан конларда бажарилади.

Тоғ жинслари конларини қайта ишлаш очиш ишларидан бошланади, бунда ўсимлик қавати ва қум – гилли жинсларни техник воситалар билан олиб ташланади. Очиш ишлари таркибига юқори зоналардаги яроқсиз тошларни олиб ташлаш ҳам киради. Бу ишлар портлатиш билан бажарилиб тошлар маҳсус чуқурларга тўкилади.

Тош массивини олиб ташлаб ва тоғ ёнбағирларига кенг майдон очилгандан сўнг маҳсус пармаловчи машиналар ва станокларда тоғ массивида диаметри 250 мм гача, чуқурлиги 10-20 м гача бўлган, бир қатор ёки шахмат тартибида 2-3 қатор қилиб ҳар 4-7 м да скважиналар очилади, уларга портловчи моддалар (аммонит, тротил ва бошқа) жойлаштирилади ва бир вактнинг ўзида портлатиш ишлари бажарилади(хавфли худуддан одамлар ва техника воситалари чиқарилади).

Портлатиш натижасида тоғ ёнбағридаги очилган майдон турли йириклидаги тошлар, бўлаклар билан тўлади. Йирик бўлаклар иккинчи марта қайта портлатилади ва жинслар чўмич сиғими $2-4 \text{ м}^3$ бўлган экскаваторда қайта ишланади.

Тошнинг рухсат этилган энг катта ўлчами экскаватор чўмичи сиғими – E га боғлиқ:


$$a \leq 0,8 \sqrt[3]{E} \quad (7.1)$$

Кўп ҳолларда тошни дастлабки майдалаш конларда бажарилади ва майдалаш – навларга ажратиш корхоналарига йирик ҳолда эмас, балки керакли ўлчамда келтирилади.

Майдалаш – навларга ажратиш корхоналарининг асосий ускуналари бу майдалагичлар, катта кўзли ғалвирлар, лентали конвейрлар, таъминловчилар, транспортёрлар ҳисобланади. Асосан титратувчи ва гирацион катта кўзли ғалвирлар ишлатилади. Йирик тошлар учун кўзғалмас колосникили ғалвирлар ҳам қўлланилади.

Майдалагичлар конструкцияси ва майдалаш принципига кўра жағли, конусли, валкли, болғали ва бошқа турларга бўлинади. Тошларни йирик ва ўртача майдалашда жағли майдалагичлар кенг ишлатилади (расм-7.1, а). Кўзғалувчан ва қўзғалмас жағлар орасига тушувчи тошлар, жағларни ёпилишида майдаланади.

Конусли майдалагичлар (расм-7.1, б) майдаланадиган тош ички ва ташки конуслар орасидаги ҳалқасимон ёриқкатушади, конус айланма харакат қиласида майдаланади,



Расм-7.1. Майдалагичларнинг схемалари

натижада ҳалқанинг эни тўхтовсиз ўзгаришида тош майдаланади.

Нисбатан паст мустаҳкамликка эга тошларни майдалашда, кўпинча валкли майдалагичлар ишлатилади, у иккита силлиқ цилиндлар (валклар) дан ташкил топади ва бир-бирига қарама-қарши айланади (расм-7.1, в).

Тошни сўнги майдалаш ишларида болғали майдалагичлар (расм-7.1, г) ишлатилади.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, юқорида келтирилган майдалагичларни қўллашда бошқа турдаги майдалагичларга нисбатан

кубсимон шаклдаги доналар кўп микдорда чиқади, пластинкасимон ва нинасимон доналар эса кам чиқади.

Жағли майдалагичга тушаётган тошнинг ўлчами - $a=0,85 \cdot b$ дан ошмаслиги керак, бу ерда: b -майдалагичнинг юклаш юзасининг эни.

Энг катта жағли майдалагичнинг юклаш юзаси 1500×2100 мм бўлиб, формулага кўра чўмич сифими 4 м^3 бўлган экскаваторда қайта ишланувчи тошни майдалаш мумкин.

Майдалагичларнинг маҳсулдорлиги уларнинг технологик характеристикаси (паспорти)да берилади. У аниқ тоғ жинсининг тури ва қабул қилган майдалаш шароитига мос келади.

Шу сабабли ишлаб чиқаришнинг конкрет шароитида тўғирловчи коэффициентлар киритилади.

Жағли ва конусли майдалагичларнинг ҳисобий маҳсулдорлиги (т/соат):

$$Q = Q_n \square_{y.z.} R_{mай.} R_w R_{шуп.} R_{нам} \quad (7.2)$$

Бу ерда: Q_n -майдалагичнинг паспорт бўйича маҳсулдорлиги, $\text{м}^3/\text{соат}$;

$\rho_{y.z.}$ –майдаланаётган материалнинг уйма зичлиги, $\text{т}/\text{м}^3$;

$R_{mай.}$ -материални майдалашда тўғирловчи коэффициент: майдалашда сиқилишдаги мустаҳкамлиги-250 МПа тоғ жинси учун қабул қиласиз- $R_{mай} = 0,8$; 200-250 МПа - $R_{mай} = 0,85$; 180-200 МПа - $R_{mай} = 0,9$; 150-180 МПа- $R_{mай} = 0,95$; 60-150 МПа - $R_{mай} = 1$; 60 МПа дан кам учун - $R_{mай} = 1,2$.

R_w - тоғ жинсларини қайта ишлашдаги шакл коэффициенти - $R_w = 1$;

$R_{шуп.}$ -майдалагични юклаш тирқиши энининг ярмидан катта фракцияларни ҳисобга олувчи коэффициент - $R_{шуп.} = 0,9-1,1$;

$R_{нам.}$ - материал намлигини инобатга олувчи коэффициент, агар материал намлиги 5-11 % бўлса, $R_{нам.} = 1,0-0,65$ қабул қилинади.


Оддий майдалаш – навларга ажратиш комплексининг схемаси расм-3.24 да келтирилган бўлиб, майдалашнинг битта босқичи бажарилади. Бироқ майдалаш корхоналарида 2,3 ва ундан ортиқ босқичлар бажарилади.

Майдалаш босқичлари сони тошнинг берилган майдалаш даражасига боғлиқ- $i = a_1/a_2$ (a_1 -тушган тошнинг энг катта йириклиги; a_2 - буюртма бўйича маҳсулотнинг энг катта йириклиги).

Агар, масалан тушган тош материалнинг энг катта бўлаги-1200 мм бўлса, чақиқ тошнинг энг катта донаси-20мм бўлса, у ҳолда $i = 60$.

Майдалагичларнинг чиқиши тирқишини тартибга солиш мумкин, бироқ ҳар бир босқичда юқори даражали майдалашда майдалагичнинг ишлаб чиқариш маҳсулдорлиги камайишига ва эскиришини тезлашишига олиб келади. Жағли ва конусли майдалагичларда майдалашнинг даражаси 3-5 га тенг.

Майдалашнинг умумий даражаси: $i = i_1 i_2 \dots i_n$



Расм-7.2. Энг оддий майдалаши-навларга ажратиш корхонаси:

1-қабул қилиш; 2-таъминловчи; 3-майдалагич; 4-лентали транспортёр; 5-галвир; 6,7,8 – майдаланган майда, ўртача ва иирик маҳсулотлар учун бункерлар.

Юқорида келтирилган мисолда, ҳар бир майдалагичда майдалаш даражаси-4 га тенг бўлган $i = 60$ ни таъминлаш учун, майдалашни уч босқичда амалга оширилади: $i = 4 \cdot 4 \cdot 4 = 64$.

Иириклини тартибга солиш учун, ўз вақтида, майдалашга йўналтирилаётган материалнинг микдорини тўғри таъминлашда элаш ишлари бажарилади.


Технологик шароитга боғлиқ ҳолда қуйидаги турдаги элаш ишлари бажарилади: дастлабки, назорат ва якуний(тайёр маҳсулот).

Дастлабки элаш, майдалашга тушаётган материалдан майда синфга мансуб бўлакларни ажратиш учун бажарилади (расм-7.3). Натижада майдалагичларнинг ишлаш шароити яхшиланади ва маҳсулдорлиги ортади.

Назорат элаш, ёпиқ циклда қайта майдалашга йўналтирилган маҳсулотдан алоҳида синфларни ажратиб олиш учун хизмат қиласи. Ёпиқ цикл майдалашнинг якуний босқичида назарда тутилади (расм-7.4). Ёпиқ циклда майдалашда керакли фракциянинг чиқиши ортади ва чақиқ тош дона шакли яхшиланади.

Якуний элаш, истеъмолчига товар фракцияли чақиқ тошни олиш ва жўнатиш (расм-7.4) учун бажарилади.

Барча тоғ конлари у ёки бу даражадаги мустаҳкамлиги бўйича бир жинсли бўлмаган тошлардан ташкил топган.



Расм-7.3. Ҳар бир босқич майдалаши олдидан элаш схемаси:

1- галвир; 2- майдалагични четлааб 1-назорат элаш; 2-якуний (товар) ўтиши учун транспортёр; 3- элаш.
майдалагич: “+” ва “-” панжара усти
ва панжара остидаги (майда синфлар)
маҳсулотларга мос келади.


Расм-7.4. Майдалашининг якуний босқичида ёпиқ цикл схемаси:

Чақиқ тошни бойитиш юқорида келтирилган каби шағал сингари амалга оширилади.

Чақиқ тош учун сайланма майдалаш принципи асосида бойитиш мақсадга мувофиқдир. Бу усул қуйидагиларга асосланган. Майдаланаётган тошнинг майдалик даражаси нафақат майдалагич тури, ишлаш режими ва уни тўғирлашга, балки тошнинг мустаҳкамлигига боғлиқ.

Агар доимий режимда ишлаётган майдалагичдан турли мустаҳкамликдаги тошларни ўтказсак, у ҳолда тош мустаҳкамлиги қанча кичик бўлса, майдаланган маҳсулот ҳам майда бўлади. Шу сабабли майдалагандан сўнг маҳсулотдан майда фракцияни элашда, панжара остида қоладиган маҳсулот нисбатан бир жинсли ва мустаҳкам ҳисобланади.

Бу ерда қўшимча элашнинг яна бир афзаллигини кўриш мумкин, яъни мустаҳкамлиги паст фракцияларни ажратиб, якуний маҳсулотни бойитиш имконини беради (расм-7.5).



Расм-7.5. Сайланма майдалаши принципи бўйича чақиқ тошни бойитиш: 1-кичик мустаҳкамликдаги маҳсулотнинг чиқиши; 2-юқори мустаҳкамликдаги маҳсулотнинг чиқиши;

Сайланма майдалаш самарадорлиги куч таъсирида ишлайдиган майдалагичларда юқори бўлиб, тошлар куч таъсирида майдаланади. Шу мақсадда махсус болғали, роторли майдалагичлар, дезинтеграторлар ишлатилади.

Чақиқ тошни ювиш қачонки унда чанг миқдори ЎзРСТ 8267-93 “Қурилиш ишлари учун зич тоғ жинсли чақиқ тош ва шағал” талабидан ошсагина бажарилади. Бу эса, хўл элаш жараёнида бажарилиб, сув ғалвирлар остидан сепилади. Чақиқ тошни қуруқ усулда ҳаво таъсирида чангизлантириш истиқболли ҳисобланиб, элаш жараёни билан биргаликда бажарилади.

Чақиқ тош ва қум олишнинг технологик тизимлари.


Бетон учун тўлдирувчилар ишлаб чиқариш норуда қурилиш материаллари корхоналари ўзида конлардан хомашёни қазиб олиш ва уни қайта ишлашнинг комплексини қамраб олади.

Хомашё материаллар конлардан экскаватор ёрдамида ёки гидромеханизациялашган воситаларда қазиб олинади.

Гидромеханизациялашган воситаларда тўпроқ сўрувчи снарядлар мисол бўлади. Улар асосан сув ости ва сув аралашмали қум шағалли конларда ишлатилади.


Бетон учун тўлдирувчилар ишлаб чиқариш корхоналарининг технологик схемалари бевосита қайта ишланаётган тоғ жинсларига, тайёр маҳсулотнинг номенклатураси ва сифатига, хомашёдан комплекс фойдаланиш имконини берувчи қўлланиладиган асбоб-ускуналарнинг типига, ёқилғи-энергетика, материал ва хомашёларни иқтисод қилишга боғлиқ ҳолда ишлаб чиқилади.

Қайта ишланадиган қазиб олинган тоғ жинсларининг асосий классификацион характеристикасига унинг бир жинслиги, мустаҳкамлиги, келиб чиқиши, материалнинг қисм ва бўлакларининг ўлчамлари, ундаги мавжуд салбий қўшимчалар(гил, чанг ва бошқалар)нинг тури ва миқдори киради.




Расм-7.6. Отқинди жинсларни қайта ишловчи автоматлашган майдалаши линияси САДЛ-И-400 схемаси:

1-пластик таъминловчили бункер; 2-жасали майдалағич ШПД-9х12 ёрдамида йирик майдалаши; 3-лентали стационар конвейрлар; 4-конусли майдалағич КСД-1750Гр ёрдамида ўртача майдалаши; 5- конусли майдалағич КСД-1750Гр ёрдамида ўта майдалаши; 6-иккита инерцион галвирлар ГИС-62 дан иборат навларга ажратиш қурилмаси; 7-спирал классификаторли КСН-15 ювии қурилмаси; 8-бункер-омборлар; 9-дастлабки бункер-омбор; 10-штабелга жойлаштирувчи-конвейрлар.



*Расм-7.7. Ҳаракатланувчи майдалаши-навларга ажратиш ускунаси
ПДСУ-85:*

1-таъминловчи билан биргаликда қабул бункери; 2-ириклистириб майдалаши ускунаси; 3- ўртача майдалаши ускунаси; 4-навларга ажратиш ускунаси; 5- ўта майдалаши ускунаси; 6-лентали конвейрлар; 7-бошқарув түгмаси ускунаси.



Расм-7.8. Шагал-қумни қайта ишилаш корхонаси:


1- дастлабки майдалаши бўлими корпуси; 2- иккинчи ва учинчи босқичли майдалаши бўлимининг корпуси; 3- ювиш ва навларга ажратиш бўлимининг корпуси; 4- бойитилган қум олиш цехи; 5- темир-йўл транспортига шагал ва

чақиқ тошни юклаш бункери; 6- шагал ва чақиқ тош омбори; 7- бойитилган құм омбори; 8- темир-йүл транспортыга шағални юклаш бункери; 9- шағал омбори; 10- карьерга киругчи темир-йүл тармоги.

Чақиқ тош тоғ жинсларини майдалаб олинади. Чақиқ тош юқори мустаҳкамлиқдаги бетонлар учун сифатли йирик түлдирувчи ҳисобланади. Чақиқ тош олишда асосий хомашё сифатида отқинди тоғ жинслари гранит, габбро, диабаз, базалт; карбонат чүқинди тоғ жинслари- охактош ва доломитлар ишлатилади.

Темир-бетон маҳсулотлари заводининг түлдирувчи сақланадиган омборхоналари ҳар хил турда бўлиши, түлдирувчини ташувчи транспорт тури, қабул қилиш усули, сақланиш ва узатишга боғлиқ. Түлдирувчини омборхонага жойлаш, сақлаш усулига қараб омборхоналар очиқ ва ёпиқ кўринишда бўлиши мумкин: штабелли, силосли, яримбункерли.

Түлдирувчиларни омборхонада сақлаш уларни турига қараб, фракцияси ва ҳажмига ёки бўлувчи деворларининг жойланишига қараб бажарилади. Очиқ омборхоналар камчилиги, бу сақланадиган маҳсулотнинг нам тортиши, ташқи чиқиндишлар билан ифлосланиб қолишидир. Бундан ташқари түлдирувчини штабелда сақлашда омборхонада гусеницали булдозер билан материалларни суришда йирик түлдирувчини майдалаб юбориши ва уни ифлослантириши мумкин.



Расм-7.9. Түлдирувчининг штабел-яримбункерли ёпиқ омборхонаси:

1-тушириб жойлайдиган машина С-492, 2-тўлдирувчи омборхонаси, 3-тушириб оладиган станция, 4-бетон қориши цехи, 5-туширадиган контейнер, 6-кўндаланг лентали таъминловчи, 7-кўп чўмичли элеватор, 8-тўлдирувчини иситиш регистрлари, 9-зарамости лентали конвейер, 10-лотокли титратиб таъминловчи, 11-материал сатҳ кўрсаткичи.

Дона шаклига кўра чақиқ тош учта гурухга бўлинади: оддий, бунда пластинкасимон ва қиррали шаклли доналар умумий масса бўйича 35% гача рухсат этилади; яхшиланган, бунда пластинкасимон ва қиррали шаклли доналар умумий массада 25% дан кўп бўлмаслиги керак; куб шаклида, 15%дан ошмаслиги керак. Чақиқ тошни ишлаб чиқариш учта асосий технологик жараён асосида бажарилади: тошни келтириш, майдалаш ва навларга грохотда ажратиш.

Билимларни назорат қилиш учун саволлар.

1. Чақиқ тошларнинг донадорлик таркиби қандай белгиланади?
2. Чақиқ тошлар шаклига кўра қандай гурухларга бўлинади?
3. Чақиқ тошлар қандай ускуналар ёрдамида майдаланади?
4. Жағли ва конусли майдалагичларнинг унумдорлиги қандай аниқланади?
5. Навларга ажратиш-майдалаш корхонасининг схемасини келтиринг?
6. Майдалашнинг якуний босқичида ёпиқ цикл схемаси қандай бўлади?
7. Тўлдирувчилар қандай типдаги омборларда сақланади?
8. Жағли майдалагичда майдалаш қандай этапга киради?
9. Чақиқ тошларнинг мустаҳкамлиги чегарасини кўрсатинг?
10. Чақиқ тошлар қандай жинслардан олинади?

8-Маъруза

Табиий ғовак тоғ жинслари асосидаги тўлдирувчилар

Табиий ғовак тўлдирувчиларнинг синфланиши.

Турли ғовак тоғ жинсларидан енгил бетонлар учун яроқли тўлдирувчилар ишлаб чиқарилади. Бу тўлдирувчилар ҳам керакли мустаҳкамликка эга бўлиб, зич тоғ жинсларига нисбатан мустаҳкамлиги паст бўлишига қарамай бетон олиш учун кенг кўлланилади.

Ғовак тўлдирувчилар донаси йириклиги бўйича қум (5мм гача) ва шағалга бўлинади. Шағал эса қуйидаги фракцияларга бўлинади: 5...10мм, 10...20мм ва 20...40 мм. Шағал қуйидаги йириклик бўйича ҳам рухсат этилади: 5...20мм ёки 5...40мм.

Ғовак тўлдирувчиларнинг маркалари уйма зичлиги бўйича ўрнатилади. Агар унинг уйма зичлиги $400 - 500 \text{ кг}/\text{м}^3$ бўлса, бу тўлдирувчи 500 маркага мос келади, уйма зичлиги $600 \text{ кг}/\text{м}^3$ бўлса, бу тўлдирувчи 600 маркага мос келади ва бошқа. ҚМҚ бўйича ғовак шағалнинг маркаси $300,350,400$ ва ҳоказо 1200 гача $100 \text{ кг}/\text{м}^3$ оралиқда ўрнатилади. Ғовак қумнинг маркаси $500...1400 \text{ кг}/\text{м}^3$ ни ташкил этади.

Бундан ташқари, йирик ғовак тўлдирувчиларнинг маркаси унинг мустаҳкамлиги бўйича ҳам ўрнатилади, яъни цилиндрда майдаланишдаги мустаҳкамлиги бўйича аниқланади. Ғовак тўлдирувчининг мустаҳкамлигини бетонда синаш яхши самара беради. Стандарт бўйича ғовак тўлдирувчиларни турли маркалари бўйича енгил бетонларда қўллаш тавсия этилган. Шу сабабли тўлдирувчиларнинг асосий хусусиятлари ва уларни бетонларда қўллаш бирбери билан боғлиқдир. Айтиш мумкинки, ғовак тўлдирувчиларнинг фракциялари қанча кичик бўлса, унинг доналари зичлиги ва уйма зичлиги шунча юқори бўлади. Бу тўлдирувчиларнинг ғоваклиги майдалашда камаяди, яъни материалнинг йирик ғоваклиги бузилишида юзага келиши билан тушунтирилади.

Ғовак тоғ жинсларини майдалашда доналари зичлиги ортишидан, унинг мустаҳкамлиги ҳам ортади. Тўлдирувчи доналари мустаҳкамлиги, у олинадиган тоғ жинси мустаҳкамлигидан етарлича юқори бўлади. Шағалнинг юмшаш коэффициенти ғовак тоғ жинсларидан олинса, у ҳолда конструкцион-теплоизоляцион бетонлар учун 0,6 дан кам бўлмаслиги, конструкцион бетонлар учун эса 0,7дан кам бўлмаслиги керак.

Табиий ғовак тўлдирувчилар келиб чиқиши бўйича вулқон ва чўкинди турларга бўлинади.

Вулқон чиқиндилари асосидаги тўлдирувчилар.

Вулқон кўринишидаги табиий ғовак тўлдирувчилар отқинди майдаланган жинслардан ташкил топади. Ғовак тоғ жинслари пемзалар, шлаклар, туфлар, ғовак базальт, андезит ғовак тўлдирувчилар ишлаб чиқаришда ишлатилади.

Пемза - бу ғовак шиша бўлиб, вулқон отилишидан, яъни магманинг кўпчишидан ва қотишидан юзага келади. Магманинг ер остидан чиқишида босимнинг жуда тез пасайиши кузатилади. Натижада қотишмадаги мавжуд газлар пуфакчалар ҳолатида ажralиб чиқади. Бир вақтнинг ўзида магманинг совишида қовишқоқлиги ортади, оч малладан кулранг рангтacha бўлган толасимон ғовак жинсга айланади. Пемзанинг йирик конлари Арманистонда учрайди.

Табиатда пемза қум, шағал ёки нисбатан йирик синган жинслар сифатида учрайди. Пемза асосидаги тұлдирувчиларни ишлаб чиқариш карьерларни қайта ишлаш, майдалаш ва материалларни навларга ажратишидан иборат. Кимёвий таркибига күра пемза нордон жинсларга мансуб бўлиб, шишадан ташкил топади ва таркибида кристалл минераллари 1% дан кам микдорда учрайди.

Пемзада ғоваклар ўлчами 3мм гача бўлиб, ғоваклар шакли айланадан ёки чўзинчоқ кўринишидан иборат бўлади. Доналар ғоваклиги 85% га етади. Пемза қумининг уйма зичлиги $600\text{-}1100\text{кг}/\text{м}^3$ ни, пемза шағали эса $400\text{-}900\text{кг}/\text{м}^3$ ни, доналари зичлиги $0,5\text{-}1,9\text{ г}/\text{см}^3$ ни ташкил қиласи.

Пемза шағалининг сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси $2,5\text{-}40\text{МПа}$ ни ташкил этади. Пемза ячейкали структурага эга бўлиб, мустаҳкамлигининг зичлигига боғлиқлигидан келиб чиқиб, квадрат парабола формуласи билан баҳоланади:

$$R = A \cdot \square^n = \square^2, \quad (8.1)$$

бу ерда: $A=1$; $n=2$ га тенг бўлади.

Нисбатан мустаҳкам ва оғир, шу билан бирга кичик ғовакликдаги пемзалар (уларни литоидлар ёки тошсимон дейилади) енгил конструкцион бетонлар олишда ишлатилади. Бундай юқори самарали бетонлардан турли хил конструкциялар, яъни том ёпма плиталари, кўприклар, гидротехника иншоотлари ишлаб чиқарилади.

Вулқон шлаки конлари Ўзбекистоннинг турли районларида учрайди. Вулқон шлаки суюқ магмани асосий таркибининг ҳавода қотиши натижасида юзага келади. Вулқон шлаки асосидаги кум ва чақиқ тош йирик тошларни майдалаш ва саралаш (фракциялаш) натижасида олинади. Вулқон шлакининг ташқи кўриниши ёқилғи шлаки каби бўлиб, тўқ қизғишидан қора ранггача бўлади. Структураси йирик ғовакли. Вулқон шлаки шағалининг уйма зичлиги $400\text{-}850\text{ кг}/\text{м}^3$, вулқон шлаки қуми эса $650\text{-}1300\text{кг}/\text{м}^3$. Вулқон шлаки тўлдирувчи сифатида турли енгил бетонларда ишлатилади.

Вулқон туфлари, бу майда ғовакли жинслар бўлиб, вулқон чангларининг турли даражадаги зичланиши ва қўпчишидан юзага келади. Лава туфлари эса бу тезда қотган ғовакланган лава бўлиб, унда вулқон чангига ва қумлари мавжуд бўлади. Туфлар ва лава туфлари асосида тош деворлар ва йирик блоклар ишлаб чиқарилади. Тош кесиш машиналарида қайта ишланган, конларда чиққан саноат чиқиндилари (ишланаётган тошнинг 50% дан кўп ҳажми чиқиндига айланади)ни майдалаш ва навларга ажратишида енгил бетонлар учун яроқли бўлган, уйма зичлиги $600\text{-}800\text{ кг}/\text{м}^3$ ғовак чақиқ тош ва уйма зичлиги $700\text{-}1000\text{ кг}/\text{м}^3$ бўлган ғовак қум олинади. Туфлар донадор структурага эга бўлади. Лава туфлари эса аралаш структурага эга бўлиб, баъзан ячейкали структурага эга бўлади, улар мустаҳкамлигининг зичлигига боғлиқлигидан келиб чиқиб, квадрат парабола

формуласи билан баҳоланади:

$$R = A \cdot \square^n, \quad (8.2)$$

- бу ерда: n -даражада кўрсаткичи;
 n - лава туфлари учун 3 гача олинади;
 n - туфлар учун 4 ва ундан юқори олинади;

Шу сабабли бир хил зичликдаги лава туфлари, туфларга нисбатан мустаҳкам ва пемзага нисбатан мустаҳкамлиги пастроқдир. Туфларнинг бир қанча турларининг сувга чидамлиги ва совуққа чидамлиги етарли бўлмайди, бу унинг структурасидаги доналарни боғланишини сустлиги билан ифодаланади. Бундай туфлар бетонда қўлланилмайди, бироқ юқори самарали сунъий ғовак тўлдирувчи олиш учун хомашё сифатида ишлатилади.

Чўкинди тоғ жинслари асосидаги тўлдирувчилар.

Чўкинди тоғ жинслари асосидаги ғовак тўлдирувчилар олишда асосан карбонат ғовак оҳактошлар, чиганоқлар ва қренезём ғовак жинслар ишлатилади.

Оҳактошларни майдалашда зичлиги $1800 \text{ кг}/\text{м}^3$ дан кам бўлган ва уйма зичлиги $1000 \text{ кг}/\text{м}^3$ гача бўлган ғовак шағал (доналар орасидаги бўшлиқлик 40-50%) олинади, бу материал ЎзРСТ 8267-93 “Курилиш ишлари учун зич тоғ жинслари асосида чақиқ тош ва шағал” бўйича ғовак тўлдирувчининг классификациясида мос келади.

Оҳактош чиганоқлар ўзида чўкинди жинсларни кичик чиганоқ, оҳактош бўлакларининг цементлашган ҳолатидаги йифиндисини мужассамлаштиради. Улар оддий майда ғовакли оҳактошлардан йирик ғовакли структураси билан фарқланади.

Оҳактош чиганоқларнинг зичлиги асосан $1000 - 1600 \text{ кг}/\text{м}^3$ ни ташкил этади, бунда сиқилишдаги мустаҳкамлиги $0,5-10 \text{ МПа}$ га tengdir, оддий ғовак оҳактошларда эса зичлик $1600-1800 \text{ кг}/\text{м}^3$ ни ташкил этиб, бунда мустаҳкамлик чегараси 25 МПа гача бўлади.

Бундан ташқари ғовак оҳактошларни бошқа турлари хам учрайди, оҳактош туф зичлиги $1400-1800 \text{ кг}/\text{м}^3$ бўлиб, сиқилишга мустаҳкамлик чегараси $5-15 \text{ МПа}$ ни ташкил этади.

Ғовак оҳактошларнинг мустаҳкамлик чегараси 4-5чи даражали зичлигига пропорционал бўлиб, бунда мустаҳкамликнинг пасайишига ғовакликнинг таъсири бўлади, бунда пемза, лава туфлари ва вулқон туфига нисбатан кам мустаҳкамликка эга. Чиганоқларнинг зичлиги пасайиши (5-6 баравар) билан унинг мустаҳкамлиги ҳам пасаяди, бу эса чиганоқ доналарининг компакт бўлмаган ҳолда жойлашгани билан изоҳланади.

Майдалангандай бундай тўлдирувчининг доналари мустаҳкамлиги, тоғ жинслари мустаҳкамлигига нисбатан юқори бўлади. Шу сабабли ғовак оҳактош

ва чиганоқлардан цемент сарфини оширган ҳолда зичлиги $1800\text{-}2200 \text{ кг}/\text{м}^3$ ва мустаҳкамлик чегараси $5\text{-}20 \text{ МПа}$ га тенг бетон олиш мумкин. Ғовак оҳактошва чиганоқ заҳиралари асосан Ўзбекистонда, Ўрта Осиёда, Украина, Молдавия ва Озарбайжонда мавжуд. Улардан асосан массив тош материаллар конларда қолган чиқиндиларни майдалаб ва саралаб бетон учун яроқли тўлдирувчилар олинади.

Чўкинди кремнезём жинслардан тўлдирувчи сифатида опока, спонголит, алевролитни бетон ишлаб чиқаришда қўллаш чегараланган. Уларнинг катта заҳиралари Ўзбекистонда мавжуд. Бу жинслар зичлиги $800\text{-}1400 \text{ кг}/\text{м}^3$, сиқилишда мустаҳкамлик чегараси $2,5\text{-}15 \text{ МПа}$ ни ташкил этади. Доналари структураси донадор ва майдада ғовакликка эга.


Юқорида кўрсатилган жинслар таркибида аморф кремнезем, опал ва халцедон кўринишда учрайди. Улар цемент ишқорлари билан актив боғланади. Шу сабабли бу тўлдирувчиларнинг цементли бетонда қўллаш хавфли бўлиб, унда емирилишни келтириб чиқаради.

Бойитилган ғовак тўлдирувчилар.

Ғовак тўлдирувчиларни бойитиш, бу уларнинг зичлиги ва мустаҳкамлиги бўйича бир жинслилигини ошириш, доналар шаклини яхшилаш ва чанг микдорини камайтиришдан иборат. Зич жинслардан олинадиган тўлдирувчиларни бойитиш жараёни ғовак тўлдирувчиларга ҳам таалуклидир.


Бироқ енгил ғовак тўлдирувчиларнинг хусусиятларини аниқлашда, бошқа бойитиш усусларидан фойдаланилади.

Масалан, сувли муҳитда аниқланувчи ишлар ҳаво муҳитида бажарилади. Бунинг учун пневматик чўктирувчи машиналардан фойдаланилади (расм-8.1).



Расм-8.1. Пневматик чўктирувчи машинанинг схемаси:

1- вентиляторда ҳавони узатиш; 2-клапалар; 3-панжара; 4- юклаш; 5- ўта оғир доналарни саралаш; 6- нисбатан оғир доналарнинг чиқиши; 7-енгил маҳсулотларнинг чиқиши; 8-чангланган ҳаво.




Расм-8.2. Ғовак тұлдирувчиларни бойитшии учун ишлатыладиган сепараторнинг схемаси:

1-панжара; 2-фильтр; 3-хаво узатиши; 4-құм; 5- тұлдирувчиларни юқлаш; 6-енгіл махсулотнинг чиқиши; 7-нисбатан оғир махсулотнинг чиқиши.

Вентилятордан тушувчи ҳаво оқими бир клапандан бошқа машина клапанига кетма-кет узатылади ва панжарада материал қаватида пульсация содир бўлади. Натижада ҳаво оқими тасирида материал иккита енгил ва оғир қисмларга ажралади. Бунда оғир доналар пастга ва енгиллари юқорига чиқади. Тұлдирувчилар оғир ва енгилига ажратылади ва шу билан бирга чангдан тозаланади.

Оғир тұлдирувчиларни ажратиш сувли суспензияда бажарилса, ғовак тұлдирувчиларни ажратиш пневмосуспензияда бажарылади. Бу қурилма (расм-8.2) куйидагича ишлайди: фильтр орқали ҳаво құм қаватига узатылади ва натижада құм қайнайди. Қумнинг зичлиги ва йириклиги бўйича керакли зичликдаги суспензияга мослаб танланади, бу ерда йирик ғовак тұлдирувчи бир қисми чўқади, қолгани қумнинг юзасига чиқади. Иккита синфга ажратылган йирик тұлдирувчи құм билан бирга олиниб, элак(грохот)дан ўтказилади. Құм яна қурилмага қайтарылади. Тұлдирувчиларни синфларга ажратиш ҳаво оқими таъсирида ҳам бажарылади (расм-8.3).



Расм-8.3. Ғовак тұлдирувчиларни ҳаво оқими таъсирида ажратили:
1-енгіл махсулот; 2-нисбатан оғир махсулот; 3-вентилятор; 4-таъминловчи

Бундай усулда йирик тұлдирувчиларнинг зичлиги бүйича синфларга ажратыш мүмкін. Юқорида саналған барча усулларда ғовак тұлдирувчиларни иккі синфга ажратыш мүмкін, яғни уни бир жинсликка келтириләди ва оғир құшымчалардан халос этилади.

Масалан, пемзада оғир вулқон шишаси(обсидиан) доналари мавжуд бўлиб, уларни олиб ташлаб тұлдирувчининг сифатини ошириш мүмкін. Ғовак тоғ жинслари асосидаги чақиқ тош дона шакли бўйича ЎЗРСТ9758-96 “Қурилиш ишларида ишлатиладиган ғовак анорганик тұлдирувчилар. Синаш усуллари” га кўра тўрртта гурухга бўлинади, яғни пластинкасимон шаклдаги доналарнинг масса улуши бўйича: оддий-30% дан кўп эмас; яхшиланган – 20% гача; куб шаклдаги – 15% гача; қиррали – 10%гача.

Ғовак чақиқ тошнинг доналарини шаклини яхшилаш, олинадиган тоғ жинсини махсус барабан туридаги майдалагичда майдалаб эришилади.

Билимларни назорат қилиш учун саволлар.

1. Ғовак тұлдирувчилар йириклиги бўйича қандай фракцияланади?
2. Ғовак тұлдирувчилар қандай маркаларга бўлинади?
3. Вулқон чиқиндилари асосида қандай ғовак тұлдирувчилар олинади?
4. Ғовак тұлдирувчиларнинг мустахкамлиги қандай аникланади?
5. Пемза қандай хосил бўлади?
6. Чўкинди тоғ жинсларидан қандай тұлдирувчилар олинади?
7. Чўкинди кремнизем жинслар қандай бетонлар олиш учун ишлатилади?
8. Ғовак чўкинди жинсларни пневматик усулда қандай бойитилади?
9. Тұлдирувчиларни ҳаво оқими таъсирида ажратиш қандай бажарилади?
10. Ғовак жинсларни майдалашда ғоваклиги қандай ўзгаради?

Саноат чиқиндилари асосидаги түлдирувчилар

Иккиламчи тоғ жинслари асосидаги түлдирувчилар.

Курилишда бетон учун яроқли түлдирувчилар захираси сифатида саноат чиқиндиларини айтиш мумкин, лекин бу маҳсулотлардан ҳали түлиқ фойдаланилган эмас.

Тоғ кон материалларни қайта ишлаш ва уларни ўзлаштиришда хамма вақт “кераксиз деб ҳисобланадиган” турли тош жинсларни ҳам қайта ишлашга тўғри келади. Бу табиий конларни очишда иккиламчи тош жинслари ҳажми юқори бўлади. Кўпинча фойдали кон материалларининг умумий ҳажми 10....15% ни ташкил этса, иккиламчи тош жинсларнинг ҳажми 90% ни ташкил этади. Шу сабабли иккиламчи материаллар қурилишда яроқли бўлишга қарамай чиқиндилар ташланадиган жойларда кўмилади.

Олиб борилган изланишлар шуни кўрсатадики, темир-руда конидан чиқадиган иккиламчи кварцитлар асосидаги чақиқ тош бевосита гранит чақиқ тоши ўрнини босади. Шу билан бирга унинг таннархи узоқдан келтириладиган гранит чақиқ тошига нисбатан 2....3 баробар арzon бўлади. Кварцит чақиқ тошининг мустаҳкамлик чегараси 30-35МПа га teng бетонларда кўллаш мумкин.

Демак, бу саноат чиқиндилари асосидаги түлдирувчилар техник талаблар ва шартларга жавоб бера оладими деган савол туғилади. Биринчидан, бетон түлдирувчилари учун техник талаблар у олинадиган хом ашёни қамраб олади ва шу билан бирга бу талаблар саноат чиқиндилари асосидаги түлдирувчилар учун ҳам таалуқлидир. Давлат стандартлари факат маҳсулотнинг техник тарафларини эмас, балки унинг иқтисодий жиҳатларини ҳам қамраб олади.

Ҳозирда ҳалқ хўжалиги соҳасида биринчи навбатда ўзлаштирилган табиий хом ашёни қурилишда қўллаш асосий вазифа ҳисобланади. Бу табиатни муҳофаза қилишда ҳам самаралидир.

Кўп ҳолларда табиий конларни қайта ишлашда чиқадиган иккиламчи материаллар бетон учун яроқли түлдирувчи эмас, балки улар учун хомашё материаллар сифатида қўлланилади.

Масалан, Россиянинг “Курск магнит аномалияси” конидан чиқадиган иккиламчи метаморфик гилли сланецлар керамзит олишда хомашё сифатида ишлатилади.

Табиий конларни ўзлаштиришда дастлабки очиладиган тоғ жинслари ҳамма вақт алоҳида қайта ишланмай, баъзида асосий материаллар билан биргаликда олинади.

Асосий материаллар билан бирга олинадиган бундай тоғ жинсларини турли бойитиш воситаларида ажратилади. Натижада бўш жинслар чақиқ тош ёки қум-чақиқ тош шаклида ҳосил бўлади.

Масалан, тоғ-кон бойитиш комбинатларининг чиқиндилари ўзида темир-кварцитлари асосидаги чақиқ тош кўринишида учрайди. Унинг таркибида 70% гача кремнезём ва 14-18% гача темир учрайди. Шу билан бир қаторда майдо қум (ириклик модули 1,64гача) кўринишида олинади.

Иzlанишлар шуни күрсатадыки, бундай саноат чиқиндилари асосидаги тұлдирувчилардан юқори мустаҳкамлиқдаги ва чидамли бетонлар олиб бўлмайди.

Юртимиздаги тошкўмир конларидан кўмир олиш ва бойитишда чиқинди омборларидаги чиқинди терриконлар йиғилиб қолган. Улар ўзида бўш жинсларни ва кўмирни мужассамлаштиради. Терриконларда кўмирнинг ёнишидан ёнган жинслар хосил бўлади. Изланишлар натижаси шуни күрсатадыки, бундай ёнган жинслар асосидаги ғовак чақиқ тош ва қумларнинг уйма зичлиги 800-1000 кг/м³ ни ташкил этади. Улардан маҳаллий арzon тўлдирувчи сифатида мустаҳкамлик чегараси 10-20МПа га teng енгил бетонлар олиш мумкин ва бунда цемент сарфини кескин камайтириш имконини беради.


Кўмирни бойитиши чиқиндилари асосидаги хомашё материаллар сунъий ғовак тўлдирувчи аглопорит шағали олишда ишлатилади. Аглопоритни гилли жинслардан олиш мумкин, лекин ёқилғи сарфи (тошкўмир) кескин ортади. Шу сабабли кўмир бойитиши чиқиндиларини қўллашда ёқилғи иқтисод қилинади. Натижада чиқинди таркибидаги кўмир миқдори агломерация жараёни учун етарли ҳисобланади.

Металлургия шлаклари.

Металлургия саноатида чиқинди омборларига ҳар йили катта миқдорда домна шлаклари ташланади. Яъни пўлат эритишида асосий маҳсулотдан ташқари 0,5-1 т шлак чиқади. Бунда масса бўйича эмас балки ҳажм бўйича 2-3 баробар кўп миқдорда шлак чиқади. Шу сабабли шлакларни шартли равишда чиқинди дейилади. Аслида бу қимматли иккиласми маҳсулот ҳисобланади.

Металлургия шлакларидан нотўғри фойдаланишида асосий олинадиган маҳсулот нархига ҳам тасир этади, яъни шлакларни олиб келиш, чиқинди омборларига кўмиш ортиқча харажатга олиб келади. Металлургия шлакларининг кимёвий таркиби турличадир. Домна шлаклари асосан қуйидаги оксидлардан иборат бўлади: CaO - 30-50%; SiO₂ - 30-40%; Al₂O₃ - 10-30%; темир, магнит ва марганец бирикмалари.

Кимёвий таркиби бўйича шлакларнинг икки тури мавжуд:



1 . Асосий, асосий модуль $-M_0 = \frac{\text{CaO} + \text{MgO}}{\text{SiO}_2 + \text{Al}_2\text{O}_3} > 1;$

2 . Нордон , $M_0 < 1$

Домна шлаки цемент саноатида ишлатилади. Унинг бир қисми шлакли тола ва қўйма буюмлар олишда ишлатилади. Асосан шлакнинг кўп миқдори тўлдирувчилар ишлаб чиқаришда ишлатилади.

Домна шлаклари асосидаги чақиқ тошнинг цилиндрда майдаланиш кўрсаткичи бўйича тўртта маркага бўлинади: Dr45- мустаҳкамлик чегараси 20МПа дан паст бетонлар учун; Dr35- мустаҳкамлик чегараси 20-30МПа

бетонлар учун; Др25- мустаҳкамлик чегараси 30-40МПа бетонлар учун; Др15- мустаҳкамлик чегараси 40МПа ва ундан юқори бетонлар учун ишлатилади.

Домна шлаклари асосида чақиқ тошдан турли конструкциялар учун юқори мустаҳкамлиқдаги бетонлар олиш мүмкін. Металлургия саноати ривожланган ҳудудларда шлакли чақиқ тош бошқа табиий тош асосидаги чақиқ тошга нисбатан арzon бўлиб, уни қўллаш юқори иқтисодий самара беради.

Бироқ шлакларда мавжуд олtingугурт пўлат арматурани емирилишига олиб келиши мүмкін.

Шу сабабли шлакли чақиқ тошни темир-бетон зўриқтирилган арматурали конструкцияларда қўллашда маҳсус тадқиқотларга асосланиш керак, агарда отингугурт 2,5% дан ошса, у ҳолда барча турдаги конструкциялар учун ишлатиладиган бетонлар устида тадқиқотлар ўтказилади.

Шлакли чақиқ тошнинг уйма зичлиги оғир бетон учун $1000 \text{ кг}/\text{м}^3$ дан кам бўлмаслиги керак. Бу зич ва мустаҳкам, қора ҳамда тўқ-кулранг рангдаги тўлдирувчи ҳисобланади.

Гранулланган шлаклар- суюқ қизиб турган металлургия шлакларини сув ёрдамида қайта ишлашда олинади. Бунда шлак эритмасини тез совитишда ва уни грануляция ва майдалашда алоҳида майда доналар олинади. Доналар структураси- аморф ва шишасимон бўлади.

Гранулланган шлаклар донадорлик таркибига кўра йирик қумга мос келади: унинг доналари ўлчами 0,6-5мм бўлиб, йириклиги 2,5 мм бўлган доналари умумий таркибда 50%ни ташкил этади. Йирик доналар (10мм) ҳам оз миқдорда бўлсада учрайди.

Гранулланган шлакларнинг уйма зичлиги $600 - 1200 \text{ кг}/\text{м}^3$ атрофида бўлади. Буни шу нарса билан тушунтириш мүмкинки, шлак эритмасининг хусусиятлари ва грануляция технологиясига боғлиқ ҳолда зич ёки ғовак гранулланган шлак олиш мүмкін.

Гранулланган шлакларнинг доналар орасидаги бўшлиқлик юқори бўлиб, 60-70% гача ташкил этади.

Гранулланган шлакларнинг доналари асосан шлакопортландцемент ишлаб чиқаришда тўлдирувчи сифатида ишлатилади.

Ёқилғи шлаклари.

Эски чиқинди омборларидан олинадиган шлакларни майдалаш ва саралаш натижасида бетон учун яроқли чақиқ тош ишлаб чиқарилади. Чиқинди омборларидаги шлакларнинг таркиби ва физик, механик хусусиятлари бўйича бир жинсли эмас. Уларнинг совиш даражасига қараб кристалланиши турлича кечади. Мустаҳкамлиги ва ғоваклиги ҳам турлича бўлади. Шу сабабли танлаган ҳолда эски чиқинди омборларини очиш ва олинган чақиқ тошни бойитиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тошкўмир, антрацит ва бошқа қаттиқ ёқилғиларни ёқишидан сўнг шлак қолади. Уларда қазиб олинган кўмирлар таркибидаги учрайдиган қўшимчалар ва жинслар, минераллар мавжуд бўлади.

Шлаклар бўлакли ёқилғини ва майдаланган, чангсимон ёқилғиларни ёкишда олинганилиги билан фарқланади.

Бўлакли ёқилғиларни ёкишда олинган шлаклар. Печларнинг колосники панжараасида бўлакли ёқилғиларни қаватлар бўйича ёкишда шлак ҳосил бўлади, у нотекис шаклдаги бўлаклар ҳолатида, қора, тўқ-кулранг ва баъзан кулранг рангларда 50мм гача бўлган йириклиқда бўлади.

Чиқаётган шлак ёқилған ёқилғининг 10% ва ундан ортиқ массасини ташкил этади. Кўп жойларда ёқилғи шлаклари ишлатиш учун етарли миқдорда йигилади.

Таркиби бўйича ёқилғи шлаклари бир жинсли бўлмайди. Шлак таркибини ёнмаган ёки тўлик ёнмаган ёқилғи, гилли қўшимчалар ташкил этади. Шу сабабли бундай шлаклар ҳамма вақт ҳам мустаҳкам ва чидамли бўлавермайди. Бу нуқтаи назардан антрацитни ёкишдан олинган шлак яхши ҳисобланади.

Ёқилғи шлакларининг уйма зичлиги -1000 кг/м³ гача ва дона зичлиги 1,5- 2 г/см³ ни ташкил этади.

Ёқилғи шлаклари тўлдирувчи сифатида турли конструкциялар учун мўлжалланган бетонларда ишлатилади: шлакобетонли девор блокларида, камқаватли монолит деворларда, гипсобетонли пардеворларда, плиталарда ва бошқаларда.

Ёқилғи шлакларини қўллаш чегараланган арzon маҳаллий материал сифатида ишлатиш мумкин.

Бетонларда ишлатиладиган шлакнинг таркибида эркин кальций ёки магний оксидлари бўлмаслиги керак. Ёнмаган ёқилғи миқдори 5-10% дан ошмаслиги керак(фақат антрацит шлакларида кўп бўлишига стандартда кўзда тутилган).

Шлак таркибида олtingугурт боғланишлар цемент тоши ва арматураларда емирилишни келтириб чиқариши мумкин. Кўпинча шлак нурашга лаёқатли бўлади.

Махсус чуқурларга қўмилған шлаклар энг камида бир йил туриши керак ва сўнгра бетонда қўллаш мумкин. Олинган шлак майда фракциялари бўйича бойитилади, бунда ёқилғи қолдиқлари ва бошқа заарли қўшимчалардан ҳалос этилади.

Чангсимон ёқилғиларни ёкишда олинган шлаклар. Иссиқлик электростанцияси печларида туйилган кўмирлар ёқилади. Бунда кул билан биргаликда бўлакли шлак(чиқиндиларнинг умумий ҳажмининг 5-20% дан иборат) ҳосил бўлади.

Чангсимон кўмирни ёкишда чиқадиган шлак бўлакли кўмирни ёкишда чиқадиган шлақдан кескин фарқ қиласи. Улар куйган ва эриган кулнинг ўта енгил эрувчан қисмини ташкил этади.

Кўп ҳолатларда кичик ғовакли шишасимон структурали, зичлиги 1,6 г/см³ дан катта доналардан иборат бўлади. Тошкўмир ва паст навли кўмирни аралаштириб ёқганда ячейкали структурага эга, дона зичлиги 0,5 -1,5 г/см³ бўлган ғовак шлаклар ҳосил бўлади. Иссиқлик электростанцияси печларидан чиқадиган шлаклардан мустаҳкамлиги 5-50 МПа бўлган бетонлар олиш мумкин.

ЎзРСТ 690-96 “Бетонбоп иссиқлик электростанция кул-тошқол аралашмаси” га кўра бетон ва ёқилғи туридан келиб чиқиб шлаклар таркибида тўла ёнмаган қўшимчалар миқдори (қиздиришда масса йўқотилиши асосида аниқланганда) 3-7% дан ошмаслиги керак. Бундан ташқари совуққа чидамлилиги, силикат нурашга бардошлилиги ҳам тажрибада синалади. Шлак таркибида олтингугурт ва олтинугурт боғламалари, эркин кальций оксиди ҳам чегараланади.

Кул ва кул-шлакли аралашмалар.

Ҳар йили кўмир, сланец ёки торфда ишлайдиган иссиқлик электростанцияси печларидан катта миқдорда кул чиқади. Бироқ ундан кам фойдаланилади. Илмий тадқиқотлар ва ишлаб чиқариш тажрибасидан маълумки иссиқлик электростанцияси куллари бетонлар учун майда тўлдирувчи сифатида ёки тўлдирувчилар ишлаб чиқариш учун хомашё сифатида ишлатиш мумкин.

Кул дисперсли материал бўлиб, асосан 0,16 мм дан кичик бўлаклардан ташкил топади. 0,16мм кўзли элакда қолган қолдиқ 20-40% ни ташкил этади. Кул бўлаклари ғовак структурага эга. Қуруқ кулнинг уйма зичлиги ёқилғи тури ва уни ёқиши шароитидан келиб чиқиб $600-1300 \text{ кг}/\text{м}^3$ ни ташкил этади.

ЎзРСТ 694-96 “Бетонбоп иссиқлик электростанция қул-chanги. Техник шартлар” га кўра кулдан майда тўлдирувчи сифатида табиий ёки майдаланган қум, ҳамда гранулланган шлак билан аралаштириб бетонда фойдаланиш яхши самара беради. Бу цемент сарфини камайтиришга ва бетон хусусиятларини яхшилашга олиб келади.

Ҳозирги вактда кулдан зич ва ячейкали кулбетонларда, ҳамда майда тўлдирувчи сифатида оғир ва енгил бетонларда фойдаланилади.

Кулдан фойдаланишдаги қийинчиликлар асосан иссиқлик электростанцияси печларида куллар сув таъсирида тозаланади. Кулнинг эса қуруқ ҳолатида сифати ва самарадорлиги юқори бўлади.

Конструкцион-иссиқликдан ҳимояловчи енгил бетонларда иссиқлик электростанцияси кулларидан майда тўлдирувчи сифатида ишлатишдаги техник шартларда унинг донадорлик таркиби ва ундаги хавфли қўшимчалар келтирилган.

Сифати паст кўмирни ёқишида ҳосил бўлган кулнинг таркибида ёнмаган ёқилғи миқдори 5% гача, тош кўмир ва антрацитни ёқишида ҳосил бўлган кул таркибида эса 12 % гача (масса бўйича) стандартда рухсат этилади.

Кўп ҳолларда кул таркибида ёнмаган ёқилғи миқдори 20% гача, баъзан эса 40% гача ташкил этади.

Ёғоч ва бошқа саноат чиқиндилари асосидаги тўлдирувчилар.

Ҳозирги вактда ёҳоч чиқиндиларидан ёғоч толали ва ёғоч қипиқли плиталар ва бошқа қурилиш материаллари олишда, қофоз-целлюлоза, гидролиз саноатида кенг фойдаланилади.

Ёғоч чиқиндиларидан ташқари бошқа қишлоқ хұжалиги маҳсулотлари чиқиндилари(ғүзапоя, шолипоя, зифирпоя ва бошқалар)дан тұлдирувчи сифатида бетонда құллаш мумкин.

Бундай бетонлардан бири бу арболит бўлиб, унда тұлдирувчи сифатида майдаланган ёғоч чиқиндилари ишлатилади. Майдаланган ёғоч узунлиги 40мм гача, эни ва қалинлиги 2-5 мм бўлган бўлаклардан иборат бўлади.

Бундай тұлдирувчилар ва портландцементлар асосида зичлиги 600-700 кг/м³ бўлган бетоннинг сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси 2,5-3,5 МПа ва иссиқлик үтказувчанлиги 0,18Вт/(м·°C) ни ташкил этади, бу эса девор панеллари ва бошқа конструкциялар олиш имконини беради.

Шу билан бирга қипиқли бетонлар ҳам қурилишда кенг ишлатилади, бунда тұлдирувчи сифатида ёғоч қипиқлари ва баъзан табиий қум аралашмаси құлланилади. Зифирпоя асосидаги бетон ҳам кенг ишлатилади.

Юқорида келтирилган барча турдаги минерал тұлдирувчилардан фарқли ўлароқ, ёғоч чиқиндилари ва бошқа қишлоқ хұжалик маҳсулотларини қайта ишлаш чиқиндилари органик тұлдирувчилар ҳисобланади.

Бундай тұлдирувчиларни цементли бетонда құллашда цементнинг қотиши ва гидратация жараёнига салбий таъсир күрсатиши мүмкінligини инобатта олиш зарур.

Улар таркибидаги вақт ўтиши билан юзага келувчи органик кислоталар ва қандлы моддалар бетоннинг қотишини секинлаштиради, цемент тошини емирилишига олиб келади.

Шу сабабли бундай тұлдирувчиларни құллашдан олдин маҳсус қайта ишлаш керак. Айниқса ёғоч чиқиндиларини сувга солиш, оҳакда экстракт моддаларни нейтраллаш, кимёвий құшымчаларни құллаш яхши самара беради.

Йиғма темир-бетон саноати чиқиндилари бўлган яроқсиз бетон ва темир-бетон буюмлар ва конструкциялар, товар бетонларнинг қолдиқлари, ҳамда эксплуатация муддатини ўтаган буюмлар етарли ҳажмда йиғилади ва уларни қурилишда бетонга тұлдирувчи сифатида қайта ишлатиш мүмкин.

Бетон учун тұлдирувчи сифатида оддий керамик ғиштни майдалашда олинган ғишт асосидаги чақық тошни құллаш мүмкин. Ғишт, гилли хомашёни күйдиришда олинган бошқа керамик материаллар сингари етарлича мустаҳкамликка эга.

Ғиштнинг зичлиги-1,7 г/см³ ни, у асосида чақық тош уйма зичлиги 800- 900 кг/ м³ ни ташкил этади ва у енгилтұлдирувчи ҳисобланади.

Ғишт асосида чақық тошни қўллаб зичлиги 1800-2000 кг/м³ ва мустаҳкамлиги 10-15 МПа бўлган бетон олиш мүмкин ва бундай бетонлар оддий оғир тұлдирувчили бетонга нисбатан 20% гача енгил бўлади.

Хозирда замонавий технологияларни қўллаб шаҳар майший чиқиндиларига термик ва қайта ишлов бериб, майдаланган тоғ жинслари билан бирга йўл қурилишида, ҳамда бетон олишда ишлатиш мүмкин.

Билимларни назорат қилиш учун саволлар.

- Саноат чиқиндилари асосида қандай ғовак тұлдирувчилар ишлаб чиқарилади?

2. Ғовак тоғ жинслари чақиқ тошини юмшаш коэффициенти қандай чегарада бўлиши керак?
3. Ғовак тўлдирувчилар қандай сифат кўрсаткичлари бўйича маркаланади?
4. Саноат чиқиндиларидан фойдаланиш экология ва иқтисодиётга қандай таъсир кўрсатади?
5. Металлургия шлаклари қайси хомашё асосида олинади?
6. Домна шлаки асосида чақиқ тош ишлаб чиқариш технологиясини келтиринг?
7. Гранулланган шлак қандай олинади?
8. Ёқилғи шлаклари асосидаги ғовак тўлдирувчини келтиринг?
9. Йирик ва чангсимон ёқилғилардан қандай шлаклар олинади?
10. Ёқилғи электростанциялари куллари нималардан иборат?
11. Ёғоч ва бошқа саноат чиқиндилари асосида тўлдирувчиларни келтиринг?
12. Саноат чиқиндилари асосидаги тўлдирувчилар қандай бетонларда ишлатилади?
13. Иккиласми тоғ жинслари асосидаги тўлдирувчиларни келтиринг?
14. Металлургия шлаки ва ёқилғи шлаки нима?

10-Маъруза

Сунъий ғовак тўлдирувчилар. Керамзит

Керамзит ишлаб чиқариш учун хом ашёлар.

Иссиқликни изоляция қилувчи деворбоп панеллар, монолит деворлар ва ҳар хил юк кўтарувчи конструкциялар тайёрлашда енгил ғовак тўлдирувчиларни ишлатиб, самарали енгил бетонлар олиш имконини беради. Оғир тўлдирувчиларни енгил тўлдирувчиларга алмаштириш натижасида бетоннинг хусусиятларини керакли даражада ўзгартириш, зичлигини камайтириш, иссиқлик ўтказувчанлиги ва бошқаларни яхшилаш мумкин. Шунингдек айрим ғовак тўлдирувчиларни етарли мустаҳкамлиги асосида юқори мустаҳкамликдаги конструкцион енгил бетонлар тайёрланади.

Республикамиизда табиий ғовак тўлдирувчилар захираси етарли бўлмаганлиги сабабли сунъий ғовак тўлдирувчилар олишга эҳтиёж сезилади. Шу сабабли Ўзбекистоннинг турли районларида сунъий ғовак тўлдирувчилар(керамзит, аглопорит ва бошқа) ишлаб чиқарувчи корхоналар қурилган. Сунъий ғовак тўлдирувчиларни ишлаб чиқариш корхоналари хомашё (маҳаллий хомашёдан фойдаланиш) бор жойларда ва унга талаб бўлган районларда қурилади. Сунъий ғовак тўлдирувчиларнинг тан нархи табиий тўлдирувчиларга нисбатан юқори, лекин четдан келтирилладиган тўлдирувчиларга нисбатан арzonроқдир. Сунъий ғовак тўлдирувчиларнинг юқори сифати ва самарадорлиги сабабли бетонлар олишда кенг қўлланилади.

Сунъий ғовак тўлдирувчиларнинг энг кўп ишлатиладиган тури, бу керамзитдир.

Гилтупроқнинг баъзи турлари куйдиришда кўпчийди ва бундай гиллар асосида керамзит олинади. Саноатда керамзит шағали ва керамзит қуми олинади, кам миқдорда керамзит чақиқ тоши ишлаб чиқарилади. Керамзит шағали донаси юмалоқ шаклда, структураси ғовак ва ячейкасимон бўлади. Керамзит донасининг юза қисми зич қатлам билан қопланган, ранги қўнғир қора, бўлингандага қорамтири бўлади.

Гилнинг кўпчиши иккита жараёнга боғлик: газ ажралиши ва гилнинг пиропластик ҳолатга ўтишидир. Газ ажралиши—бу темир оксидларининг органик моддалар билан бирикишидан кейинги қайтарилиш реакцияси бўлиб бирикмаларнинг оксидланиши, гидрослюда ва бошқа сувли бирикмаларни дегидротацияси, карбонатларнинг диссоциациясига боғлик.

Гилнинг пиропластик ҳолатга ўтиши, гилда юқори хароратда суюқ фазанинг (эритма) ҳосил бўлишидир. Натижада гил юмшайди, пластик деформация қобилияти юзага келади, ажralаётган газлар асосида кўпчийди ва натижада газ ўтказмайдиган материалга айланади.

Керамзит ишлаб чиқаришда хомашё сифатида чўкинди жинсларга кирувчи гил жинслар ишлатилади. Хомашё материал сифатида метаморфик тоғ жинсларига мансуб тошсимон гилли жинслар – гил сланслари ва аргиллитлар ишлатилади. Гил жинслар мураккаб минералогик таркиб билан фарқланади ва уларда гил минераллар (каолинит, монтмориллонит, гидрослюдалар) дан ташқари кварц, дала шпати, карбонатлар, темир, органик қўшимчалардан иборат бўлади. Гил минераллари гил моддаларидан иборат бўлади. Гил деб, таркибида 30% дан кўп гил моддалар бўлган гил жинсларга айтилади. Керамзит ишлаб чиқариш учун монтмориллонит ва гидрослюдали гиллар ишлатилади, уларнинг таркибида 30% гача кварц мавжуд бўлади. Гилнинг умумий таркибида SiO_2 -70% гача, Al_2O_3 -12% гача(баъзида 20% гача), $\text{Fe}_2\text{O}_3 + \text{FeO}$ - 10% гача, органик қўшимчалар 1-2% мавжуд бўлиши керак.

Керамзит ишлаб чиқаришда у ёки бу гил хом ашёсининг яроқли эканлиги хомашё хусусиятларини маҳсус текшириш орқали белгиланади.

Гил хом ашёсига қўйидаги асосий талаблар кўйилади:

Биринчи талаб, бу гилнинг куйдиришда кўпчишидир. Гилнинг кўпчиши-кўпчиш коэффициенти билан характерланади ва қўйидаги формула билан ифодаланади:

$$R_b = \frac{V_k}{V}, \quad (10.1)$$

бу ерда: V_k – кўпчиган керамзит гранулаларининг ҳажми;

V_c – пиширишдан олдинги хом гранулаларнинг ҳажми.

Кўпчиш коэффициентини бошқа формула билан ҳам ифодалаш мумкин:

$$R_b = \frac{\square_c}{\square_k (1 \frac{\Pi_n}{100})},$$

бу ерда: ρ_c – қуруқ хом грануланинг зичлиги;

ρ_k – кўпчиган керамзит грануласининг зичлиги;

P_n - қуруқ хом грануланинг пиширишдаги масса бўйича йўқотиши,%

Керамзит ишлаб чиқаришда гил хомашёсининг қўпчиш коэффициенти 2 дан кам бўлмаслиги (3-4 бўлса яхши) керак.

Гил хомашёсига қўйиладиган иккинчи талаб, бу унинг осон эрувчанлигидир, яъни хомашёни куйдириш 1250°C дан ошмаслиги керак, акс ҳолда гил таркибидаги газлар эркин чиқиб кетади ва натижада хом гил грануласи қўпчимайди.

Гил хомашёсига қўйиладиган учинчи талаб, бу керакли қўпчиш интервали ҳисобланади. Бу пишириш ҳарорати чегараси билан, қўпчиш бошланиши ҳарорати орасидаги фарқ ҳисобланади. Кўпчиш ҳарорати деб, зичлиги $0,95 \text{ г}/\text{см}^3$ га тенг керамзит гранулаларининг ҳосил бўлиш ҳароратига айтилади. Пишириш ҳарорати чегараси эса керамзит грануласи юзасининг эриган суюқ қатлам билан қопланиши ҳарорати тушунилади.

Керамзит шағалини ишлаб чиқаришда ҳароратнинг кескин қўтарилиб кетишига йўл қўймаслик керак, акс ҳолда гранулалар юзаси эриб бир-бири билан елимланиб қолади. Бу эса керамзит шағалининг чиқишини камайтиради ва баъзан печни ишдан чиқаради. Керамзит шағалини ишлаб чиқаришда ҳароратни белгиланган оптимал даражадан пасайиб кетишига йўл қўймаслик керак, акс ҳолда қўпчиш коэффициенти камаяди ва маҳсулот кам ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқаришда хомашёнинг қўпчиш интервали 50°C дан кам бўлмаслиги керак.

Бу хусусиятларга барча гил жинслари эга бўлмайди. Гил хомашёсининг хусусиятларини яхшилаш учун унга 1% гача мазут, солярка мойи ёки бошқа органик моддалар қўшиллади. Гил гранулаларининг қўпчиш ҳарорати интервалини узайтириш учун гил гранулалари сиртига оловга бардошли гил кукуни ёки майдалангандан кварц қумлари пуркалади.

Керамзит ишлаб чиқариш технологияси.

Керамзит ишлаб чиқариш технологияси қўйидаги асосий жараёнлардан иборат:

- хомашёни кондан қазиб олиш ва корхонанинг заҳира омборига жўнатиш;
- хомашёни қайта ишлаш ва керакли ўлчам, бир жинсли керамик массага эга хом гранулаларни тайёрлаш;
- хом гранулаларга термик ишлов бериш, яъни иситиш, куйдириш ва совитиш натижасида тайёр маҳсулот олиш;
- олинган маҳсулотни навларга ажратиш ёки зичлиги бўйича тақсимлаш;
- ғовак тўлдирувчи (керамзит шағали)ни омборларга жойлаш.

Хомашёни қайта ишлаш усули хомашёнинг хусусиятларидан келиб чиқилади, ғовак тўлдирувчиларнинг сифати эса термик ишлов бериш режимига боғлиқ. Керамзит шағали ишлаб чиқаришнинг тўртта асосий технологияси мавжуд: қуруқ, пластик, порошок-пластик ва хўл(шлиker).

Қуруқ усул-тошсимон гилсимон хомашёлар (зич қуруқ гилсимон жинслар, гилсимон сланцлар) бўлганда қўлланилади. Бу усул жуда оддий

бўлиб, хомашё маҳсулот майдаланади ва айланма печга куйдириш учун юборилади. Дастрлаб жуда майда доналар элаб олинади ва ўта йирик бўлаклар эса қўшимча майдаланади. Бу усул агар хомашё бир жинсли бўлса, хавфли қўшимчалар бўлмаса ва юқори кўпчиш коэффициентига эга бўлсагина ўзини оқлади. Хом доналарнинг намлиги 9% дан ошмаслиги керак.

Керамзит олишнинг кенг тарқалган усули бу пластик усулидир. Юмшоқ гилли хомашё бу усулда нам ҳолатда вальцларда, гил аралаштиргичларда ва бошқа агрегатларда (фишт ишлаб чиқариш каби) қайта ишланади. Пластик гилли массадан лентали шнекли прессда ёки тешикли вальцларда цилиндр шаклидаги хом гранулалар тайёрланади, бу гранулалар кейинги транспортёрда узатишда ва қайта ишлов беришда юмалоқ шаклга эга бўлади. Хом гранулаларнинг сифати тайёр керамзит шағалининг сифатини белгилайди. Шу сабабли гилли хомашёни етарлича қайта ишлаш, бир хил ўлчамли зич гранулаларни олиш зарур. Гранулаларнинг ўлчами берилган хомашёнинг кўпчиш коэффициенти ва керамзит шағалининг талаб этилган йириклиги бўйича ўрнатилади. Гилнинг физико-механик намлиги ва диспреслиги хусусиятларидан келиб чиқиб қайта ишловчи ускуналар танланади. Хомашёни қайта ишлашдаги энергия сарфи унинг диспреслигини ортиши ва намлигининг камайтиришга қараб ошади. Асосан гилни ишлов беришда намлиги 18-28% ни ташкил этади. Намлиги 20% бўлган гранулалар тўғри айланма печга юборилиши мумкин ёки айланма пеҷдан чиқадиган иссиқ газларни қабул қилувчи иссиқлик алмашуви агрегатларда ва қуритиш барабанида дастлабки қуритилади. Печнинг ишлаб чиқариш маҳсулдорлиги гранулаларни олдиндан қуритиш натижасида ошади. Пластик усулда керамзит ишлаб чиқариш қуруқ усулга нисбатан кўпроқ сармояни ва энергия сарфини талаб этади.

Керамзит ишлаб чиқаришнинг порошок (кукун) -пластик усули юқорида келтирилган пластик усулидан фарқи шундаки, гил хомашёдан туйиб кукун олинади сўнгра сув қўшиб пластик гилли массадан гранулалар ишлаб чиқарилади. Гилни туйиш қўшимча маблағни талаб этади. Бундан ташқари агар хомашё етарлича қуруқ бўлмаса, у ҳолда уни тўйищдан олдин қуритилади. Кўйидаги бир нечта ҳолатларда хомашё тайёрлашнинг бу усули ўзини оқлади: агар хомашё таркиби бўйича бир жинсли бўлмаса, у ҳолда уни кукун ҳолатида аралаштириш ва сўндириш осон кечади; агар қўшимча киритиладиган бўлса, у ҳолда тўйиши вақтида киритиш бир текис тақсимланади; агар хомашёда хавфли қўшимчалар бўлган оҳак ва гипс доналари мавжуд бўлса, унда туйилган ҳолатда бутун ҳажм бўйича улар хавф туғдирмайди; хомашёни бундай пухта қайта ишлаш унинг кўпчишини яхшиласа, у ҳолатда чиқадиган юқори сифатли керамзит сарфланган харажатларни оқлади.


Хўл (шликер) усулида гиллар маҳсус катта сифимлар-гил аралаштиргичларда сув билан қайта ишланади. Олинган лойсимон массанинг намлиги тахминан 50% ни ташкил этади. Бу масса насос ёрдамида шламбассейнга ва ундан айланма печга узатилади. Бу ҳолатда айланма печ қисмига осма занжирли парда ўрнатилади. Бу занжирлар иссиқлик алмашинувини таъминлайди: улар пеҷдан чиқаётган иссиқ газлар тасирида қизийди ва лой массани қуригади, ундан сўнг қуриётган “бўтқани” гранулаларга айлантиради, шундан сўнг бу гранулалар қурийди, қизийди ва

купчийди. Бу усулнинг асосий камчилиги бу кўп ёқилғи сарфи, яъни шликернинг дастлабки юқори намлиги ҳисобига.

Хом гранулаларни қуритиш пиширишда ишлатиладиган айланма печларда ёки алоҳида қуритиш агрегатларида амалга оширилади. Бу унча катта бўлмаган ўлчамлардан (6-14мм) гранулаларни қуритиш режими олинадиган керамзит сифатига жиддий тасир этмайди. Битта айланма печда хам иситиш ва қуидириш ишларини бирга бажарилиши бевосита хом гранулалар ишлаб чиқарувчи қурилманинг ишлашига боғлиқ. Технологик нуқтаи назардан печларнинг тўхтовсиз ишлаши учун хом гранулалар захираси мавжуд бўлиши керак. Шу сабабли гранулалар қуритиш барабанида дастлаб қуритилади, натижада уларнинг мустаҳкамлиги ортади ва узаро елимланиб қолишини олдини олади. Барабанд гранулалар айланишида юмалоқ шаклни олади ва ундаги ёриқлар ёпилади.

Корхоналарда диаметри 2,2 ва 2,8м, узунлиги – 14м бўлган қуритиш барабанлари кенг қўлланилади.

Шу билан бирга қатлам тайёрловчи самарали қуритиш агрегатлари (расм-1) кенг қўлланилиб, уларда хом гранулалар нол намлиkkacha ва пиширишдан олдин қуритилади. Қатлам тайёрловчи қуритиш агрегати баландлиги таҳминан 10м ли вертикал конструкцияли кўринишда бўлиб, қабул бункери, иккита қия панжара (хом гранулалар ўз оғирлиги таъсирида ҳаракатланади), юкни тушириш барабанидан иборат бўлади. Хом гранулаларни қуритиш печдан



Расм-10.1. Қатлам тайёрловчи қуритиши агрегати: 1-корпус; 2-қабул бункери; 3- материал миқдорини кўрсатувчи; 4- юқори қия панжара; 5-пастки қия панжара; 6- термопара; 7- тўкувчи барабан.

чиқаётган иссиқ газлар ҳисобига амалга оширилади ва расмда йўналтирувчи чизиқлар билан қўрсатилган. Газлар дастлаб пастки панжарадаги материал орасидан ўтади, сўнгра циркуляцион тутун сўрувчи ёрдамида юқори

панжарага, қолган қисми эса пастга юборилади. Афзаллиги хомашёни бир жинсликка келтириш, қўшимчаларни осон ва бир текисда киритиш, хомашёдан охак доналарини ва тошсимон қўшимчаларни йўқотишининг соддалиги ҳисобланади. Бу усул гилнинг кондаги намлиги юкори бўлганда тафсия этилади. Ҳўл усул гилнинг гидромеханизациялашган қазиб олишда ва керамзит ишлаб чиқариш корхонасига суюқ лой шаклда трубаларда узатишида ҳам қўлланилади.

Билимларни назорат қилиш учун саволлар.

1. Керамзитнинг физик-механик хусусиятларини келтиринг?
2. Керамзит ғовак тўлдиргичи қурилишда қайси соҳаларда ишлатилади?
3. Айланма печнинг тузилиши ва ишлаш принципини тушунтиринг?
4. Керамзит ишлаб чиқаришда хом гранулаларни иситиш ва куйдириш қандай амалга оширилади?
5. Керамзит ишлаб чиқариш технологиясини келтиринг?
6. Керамзитнинг сув шимувчанлиги қандай аниқланади?
7. Керамзит олишда қандай хомашё материаллар ва қўшимчалар ишлатилади?
8. Керамзит ишлаб чиқаришнинг қадай усуслари мавжуд?
9. Гил хом ашёсига қандай асосий талаблар қўйилади?
10. Қўпчиш коэффициенти қайси формула орқали аниқланади?
11. Керамзит олишнинг қуруқ усулини тушунтиринг?
12. Керамзит олишнинг ҳўл усулини тушунтиринг?
13. Керамзит олишнинг порошок (кукун) -пластик усулини тушунтиринг?
14. Керамзит олишнинг пластик усулини тушунтиринг?


11-Маъруза

Керамзитни айланма печларда ишлаб чиқариш

Айланма куйдуриш ўчоқларининг конструкциялари

Керамзит хом гранулаларини қуритиш алоҳида қуритиш агрегатларида ёки пишириш учун мўлжалланган айланма печларда амалга оширилади. Битта айланма печда қуритиш ва пиширишни биргаликда бажариш хом гранулаларни тайёрловчи қурилма ва печнинг танафуссиз ишлашига боғлиқ. Оптималь режимда гилли гранулаларни пишириш керамзит олиш технологик жараёнининг асосий қисми ҳисобланади. Гилли гранулаларнинг қўпчиши бевосита актив газларнинг чиқиши ва гилнинг пиропластик ҳолатга ўтиши билан мос келиши шарт. Оддий шароитда гилни куйдиришда газ хосил бўлиши пиропластикка нисбатан паст ҳароратда содир бўлади,. Масалан, магний карбонатнинг диссоциацияси - 600°C гача, калций карбонатининг диссоциацияси(бўлиниши)- 950°C гача, гилли минералларнинг дегидратацияси эса 800°C гача ҳароратда амалга ошади. Органик бирикмаларнинг ёниши паст ҳароратда бошланади, темир оксидларининг тикланиш реакцияси эса- 900°C да

юз беради. Гилли грануларнинг пиропластик ҳолатга ўтиши - 1000 °C юқори ҳароратда юз беради.



Расм-11.1. Керамзит ишлаб чиқариши учун кўлланиладиган бир барабанли айланма печь схемаси: 1-хом гранулаларни жойлаши; 2-айланма печь; 3- форсунка; 4-кўпчиған керамзит шағали; 5-иссиқ газлар оқими.

Шу сабабли керамзит олишда хом гранулаларни пишириш ҳароратни жуда тез оширишда эришилди, акс холда ҳароратни секин оширишда газларнинг асосий қисми кўпчишгача эркин чиқиб кетади ва зич кўпчимаган масса ҳосил бўлади. Гранулаларни жуда тез кўпчиш ҳароратигача қиздириш учун дастлаб уни тайёрлаш, қуритиш ва иситиш керак.


Хом гранулаларни пишириш айланма печларда бажарилади, конструкция бўйича улар бир барабанли, икки барабанли ва иссиқлик алмашинувини бажарувчи печ турларига бўлинади. Ишлаб чиқаришда бир барабанли айланма печлар кенг ишлатилади, диаметри-2,5м ва узунлиги-40м (расм-11.1). Бу печ цилиндр металл барабандан иборат бўлиб, ички қисми оловга бардошли материал (ғишт) билан қопланган. Айланма печ уч градус қиялиқда жойлаштирилади ва ўз ўқи бўйича секин айланади. Шу сабабли печнинг юқори қисмидан тушадиган хом гранулалар унинг айланнишидан пастки қисмига қараб ҳаракатланади, бу қисмida газ ва суюқ кўринишдаги ёқилғиларни ёндириш учун газ горелкаси ёки форсунка жойлаштирилади. Натижада, хом гранулалар иссиқ газларга қарши ҳаракатланади, исийди ва қиздириш зонасида кўпчийди. Гранулалар печда ўртача 1 соат бўлади.

Иссиқлик ишлов беришнинг оптималь режимини таъминлаш учун, печнинг кўпчиш зонаси унинг бошқа қисмлари (тайёрлаш зонаси)дан ҳалқа ёрдамида ажратилади. Айланма печнинг кўпчиш зонаси ёки иккита оҳирги

қисмлари кенгайтирилган ва ўрта қисми торайтирилган бўлса аналогик самараага эришилди. Гранулаларнинг кўпчиши гилни пиропластик ҳолатга ўтишида содир бўлади, бунда ишлаб чиқаришнинг оз микдорда ҳам берилган


параметрлардан четлашиши гранулаларни ўзаро ёки печнинг ички деворига елимланиб қолишига олиб келади. Керамзит ишлаб чиқаришнинг самарали йўли бу гранулаларни оловга бардошли кукунлар билан қоплаш

хисобланади. Бу күкүн сепувчи махсус барабанда янги тайёрланган гранулалар қопланади ёки бевосита айланма печда күпчиш зонасидан олдин махсус қурилма ёрдамида амалга оширилади. Гранулалар сиртини күкүн билан қоплаш ишлаб чиқариш жараёнини ва пишириш ҳароратини барқарорлаштиради. Натижада керамзит уйма зичлиги пасаяди ва печнинг ишлаб чиқариш махсулдорлиги ортади (расм -11.2).



Расм-11.2. Айланма печга оловга бардошли күкүнни киритиш қурилмаси:

1-айланма печ; 2-кукуннинг захира бүнкери; 3-кукунни киритиш қурилмаси; 4-горелка (форсунка); 5-иккиламчи ҳавони киритиш қурилмаси; 6-элеватор.



Расм-11.3. Күйдирини агрегати СМС-197:


1- қатлам тайёрловчи; 2-айланма печ $2,8 \times 20$ м; 3- қатлам совитгич; 4- хом гранулалар.

Айланма печдан чиқадиган иссиқ газларни қайта қўллашда ёқилғи сарфини камайтиради. Шу мақсадда печдан ташқари ва печ ичидаги иссиқлик алмашинувини қўллаш ёқилғи сарфини 10% дан 30% гача тежашга эришилади.

Печдан ташқари иссиқлик алмашуви учун куйдириш агрегати (расм-11.3) таркибиға кирувчи қатлам тайёрловчи СМС-197 ишлатилади.

Қатлам тайёрловчи қурилмада хом гранулалар нафақат қуритилади, балки 200-300°C гача қыздырылади, натижада узунлиги 20м ва диаметри 2,8м айланма печлар ишлатилади. Керамзитни куйдиришда ишлатиладиган иккі барабанли печнинг тайёрлаш ва кўпчиш зоналари иккита турли тезликда ҳаракатланувчии барабанлардан ташкил топади.

Иссиши барабани (кичик диаметрли) ва кўпчиш барабани (катта диаметрли) битта ўқда жойлашган бўлади, яъни биринчиси иккинчиси ичига киради ёки турли ўқларда жойлаштирилади, бунда улар оралиқ камера (расм-11.4) билан боғланади.



Расм-11.4. Иккі барабанли печнинг схемаси:

а- битта ўқда жойлашган барабанлар; б- турли ўқларда жойлашган барабанлар; 1-иссиши барабани; 2-оралиқ камера; 3-кўпчитиши барабани

Куйдириш агрегатларининг унумдорлигини аниқлаш

Роликли таянчларда турган ҳар бир барабаннинг ишлатилиш вақтидаги ҳолати жиддий назорат этилади, чунки роликларга тушадиган юк ошиб кетмаслиги керак. Иссиши барабанлари диаметри 2,5-3м ва узунлиги 20-35м, кўпчиш барабанларининг диаметри 3,5-4,5м ва узунлиги 19-24 м ни ташкил этади. Ҳар бир барабан мустақил юргизувчига эга бўлиб, унинг белгиланган тезликда айланишини таъминлайди.

Барабанларнинг айланиш тезлиги шу ҳолатда танланадики, бунда кўпчиш барабанидаги тўшалган гранулалар иссиши барабанидагига нисбатан 1,5-2 марта тезроқ ҳаракатланиши керак. Икки барабанли печда ҳар бир хомашё тури учун оптимал иссиқлик ишлов бериш режими танланади.

Куйдириш қурилмасининг маҳсулдорлиги($\text{м}^3/\text{йил}$):

$$M_{\text{куй.кур.}} = C T R_u R_o; \quad (11.1)$$

Бу ерда:


С-куйдириш қурилмасининг паспорт бўйича бир соатда ишлаб чиқариши, керамзит M500; $\text{м}^3/\text{соат}$ (бир барабанли печ $2,5 \times 40 - 10,8$; қурилма СМС-197-12,4; икки барабанли печ $2,5 \times 20 / 3,5 \times 24 - 13,3$);

Т-ишли вақтининг йиллик фонди, $T=8760\text{соат}$;

R_u -ишли вақти йиллик фондидан фойдаланиш коэффициенти, $R_u - 2,5 \times 40\text{м}$ ли печ ва СМС-197 қурилмаси учун 0,92; икки барабанли печ учун 0,86;

R_o -маҳсулот чиқишининг ҳажмий коэффициенти, керамзитнинг уйма зичлиги бўйича маркасини хисобга олган холда (R_o -1,0 марка M500; M400 учун -1,15; марка M600 учун - 0,85).

Керамзит ишлаб чиқаришда яхши кўпчийдиган гилли хомашё нисбатан кам бўлғанлиги сабабли, ўртача ва кам кўпчийдиган хомашёлардан фойдаланишда иссиқлик ишлов бериш режимини оптималлаштириш керак. Бунга эришишда ҳалқасимон печлардан фойдаланилади, бу ерда керамзитни куйдириш кўзғалмас моноқаватда амалга оширилади. Куйдириш қурилмаси ҳалқасимон печ, иситиш ва совитишдан иборатдир. Ҳалқасимон печ (расм-11.5) айланувчи қаватдан иборат бўлиб (металл платформалар билан қопланган), оловга бардошли ва иссиқликдаги химояловчи ғиштдан тайёрланган бўлиб, кўзғалмас ҳалқасимон ўзакда жойлашган бўлади.



Расм-11.5. Ҳалқасимон печли куйдириши қурилмаси:

1-ҳалқасимон печ; 2- айланувчи қават; 3-горелка; 4-газ ўтказгич; 5-печ ўтказгичи; 6-аэрожелоб совитгич; 7-қабул бўлими; 8-юклаш; 9-тутун чиқаргич; 10-тутун чиқаргич; 11-қават тайёрловчи; 12-қуритии барабанига газ узатгич; 13-юқори босимли вентилятор; 14-тутун чиқариши шахтаси; 15-хаво коллектори

Ҳалқасимон печнинг ўртача диаметри 11,25 - 20м, айланувчи қават эни 2,4 ёки 2,7м, узунлиги эса 36-70м. Бундан келиб чиқиб айланувчи қават юзаси 86 - 161 m^2 ни ташкил этади. Горелкалар куйдириш зонаси каналининг ташқи ва ички томонларига (62 дона) ўрнатилади. Қатлам тайёрлагичда 200-300°C иситилган ва қиздирилган гранулалар, печнинг қизиган айланувчи қаватига узатилади, у ерда қаватнинг айланниш тезлиги (12 ёки 7,5 айл/соат)дан келиб чиқиб 5 ёки 8 мин ичиди кўпчийди.

Ҳаракатланмайдиган кенг қатламда гранулаларни тезда (350-400°C - минут) исситиш ҳароратидан кўпчиш ҳароратигача қиздириш оптималь

куйдиришнинг технологик режими-термик таъсир бўйича амалга оширилади, бу эса барча турдаги гил хомашёлар учун қўлланилади.

Натижада олинган керамзитнинг уйма зичлиги бир барабанли печда куйдиришга нисбатан 25-40% кам бўлади.

Ҳалқасимон печда иссиқлик йўқолишининг олдини олиниши, каналнинг яхши герметизация ва теплоизоляцияси ёқилғи сарфини камайтириш имконини беради.

Ҳалқасимон печнинг ишлаб чиқариш маҳсулдорлиги ($\text{m}^3/\text{соат}$) қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\Pi_{x,n}=0,86 A \cdot 0,014 n ; \quad (11.2)$$

Бу ерда:

A-печ қаватининг умумий майдони, m^2

0,014 - 1m^2 печ қати юзасига энг катта донаси йириклиги 20мм гача керамзитнинг солиштирма сифими (терими);

n-айланувчи қават тезлиги, айл/соат

Керамзит шағалида етарли қалинликдаги зич қобигнинг мавжудлиги хомашёни кўпчиши қобилиятидан тўла фойдаланилмаганлиги билан тушунтирилади ва маҳсулот чиқиши камаяди.

Печнинг кўпчиш зонасидаги тикланиш муҳитида гранулалар юзаси эриши мумкин, шу сабабли бу ердаги газли муҳит кам оксидли бўлиши керак. Бунинг учун кўпчиган гранулаларда тикланиш муҳити ушлаб турилади, бу эса массанинг пиропластик ҳолатга ўтиши ва газ ҳосил бўлишини таъминлайди, грануланинг юзаси эса эримайди. Газли муҳитлар темир оксидлари аралашмалари билан ҳарактерланади ва керамзит рангини белгилайди.


Керамзит донаси ташқи юзасининг қизил - қўнғир ранги оксидланиш реакциясини (Fe_2O_3) ифодаласа, бўлингандан қора - кулранг ёки қора ранги тикланиш (FeO) муҳитини ифодалайди.

Керамзитни совитиш

Керамзитни совитишнинг тезлиги унинг мустаҳкамлик хусусиятларини белгилайди. Керамзитни жуда тез совитиш, унинг доналарини дарз кетишига ёки уларда қўшимча зўриқишига олиб келади, бу эса бетонда ўз таъсирини ўтказади.

Бошқа тарафдан, керамзитни кўпчишидан сўнг жуда секин совитиш ҳам унинг сифатини пасайтиради, бу эса оксидланиш жараёнида FeO нинг Fe_2O_3 га ўтиши билан тушунтирилади, натижада мустаҳкамлик пасаяди.

Шу сабабли керамзитни кўпчигандан сўнг $800-900^\circ\text{C}$ ҳароратгача жуда тез совитиш керак, натижада гранулалар структураси мустаҳкамланади ва




Расм-11.6. Қават совитгич: 1- иссиқлик алмашуниви корпуси; 2- қия панжара; 3-бурилувчи шиббер; 4-бўшатииш борти

темир оксидларининг қайтарилиш реакцияси кузатилади. Сўнгра 600-700 °C ҳароратгача 20 минут давомида секин совитиш тавсия этилади, бу ўз навбатида шиша фазаларнинг катта бўлмаган термик зўриқишиларсиз қотишини таъминлайди, унда кристалсимон минераллар шаклланади ва керамзитнинг мустаҳкамлиги ортади. Кейинги босқичда керамзитни бир неча минут давомида нисбатан тезроқ совитиш зарурдир.


Керамзитни совитишнинг биринчи босқичи айланма печда унга тушувчи ҳаво тасирида бажарилади. Сўнгра керамзит ҳаво ёрдамида барабан типидаги совитгич, қатлам совитгичларда, аэрожелоб совитгичларда совитилади (расм 11.6 ва 11.7).

Керамзит шағалини навларга ажратиш (фракциялаш) учун барабан цилиндр типидаги элаклар (грохотлар) қўлланилади (расм-11.8).

Керамзитни корхона ичida узатиш конвейр (лентали транспортерлар) ёки пневматик (труба бўйлаб ҳаво оқими орқали) амалга оширилади. Керамзитни пневмоузатишда грануланинг сирти бузилиши мумкин. Шу сабабли керамзит ишлаб чиқаришда пневмаузатиш кам қўлланилади.



Расм-11.7. Аэрожелоб-совитгич: 1- яримтрубкали корпус; 2-қопланган таг; 3- турковчи вентилятор; 4- бўшатииш борти



Расм-11.8. Керамзит шағалини навларга ажратиши қурилмаси: 1- ортиш борти; 2- аспирацион люк; 3- қобиғ; 4- хизмат күрсатиши люки; 5- редуктор; 6- электродвигател; 7- рама; 8,9 –бүшатиши борти; 10- остана; 11- барабан типидаги элаклар

Фракцияланган керамзит бункер ёки силос типидаги тайёр маҳсулотлар омборига жўнатилади.

Билимларни назорат қилиш учун саволлар.


1. Керамзит хом гранулаларини қуритиш қандай бажарилади?
2. Бир барабанли айланма печда керамзит ишлаб чиқаришни келтиринг?
3. Керамзитнинг бир жинслилигини келтиринг?
4. Керамзитни бойитиш ишлари қандай бажарилади?
5. Бир барабанли айланма печнинг ишлаш принципини тушунтиринг?
6. Қуритиш камерасининг ишлаш принципини тушунтиринг?
7. Керамзитнинг бир жинслилигини оширишининг иккита йўлини тушунтиринг?
8. Икки барабанли айланма печнинг ишлаш принципини тушунтиринг?
9. Керамзит шағали қандай навларга ажратилади?

12-Маъруза


Керамзитнинг асосий хоссалари ва уни бойитиш

Керамзит шағалига қўйиладиган техник талаблар.

ЎзРСТ 9758-96 “Қурилиш ишларида ишлатиладиган ғовак тўлдиргичлар. Синаш усуллари” бўйича керамзит шағали дона йириклиги асосида қўйидаги фракцияларда ишлаб чиқарилади: 5-10; 10-20 ва 20-40мм.



*Расм-12.1. Керамзит шағалини
эзилишга синаш схемаси*



*Расм-12.2. Керамзит доналарининг
жойлашши схемаси*


Хар бир фракция учун номинал ўлчамга нисбатан 10% гача йирик доналар рухсат этилади. Барабан типидаги элаклар (грохот)нинг самарадарлиги юқори эмаслиги, керамзитни фракцияларга тўлиқ ажратиш қийин кечади.

Керамзит шағалининг уйма зичлигига кўра 10та маркага бўлинади: М250-800, бунда М250 маркали керамзит шағалининг уйма зичлиги $250 \text{ кг}/\text{м}^3$, М300 маркали керамзит шағалининг уйма зичлиги $300 \text{ кг}/\text{м}^3$ ва ҳоказо. Уйма зичлик материалнинг фракциялари бўйича ўлчов идишларида аниқланади. Керамзит шағалининг уйма зичлиги бўйича маркаси учун цилиндрда майдаланишга бўлган мустаҳкамлиги стандартда кўзда тутилган (жадвал-12.1).

Керамзит шағалининг мустаҳкамлигига қўйилган талаблар

Жадвал-12.1

Уйма зичлиги бўйича маркаси	Юқори сифат категорияси		Биринчи сифат категорияси	
	Мустаҳкамлиги бўйича маркаси	Цилиндрда майланиши бўйича мустаҳкамлиги, МПа кам эмас	Мустаҳкамлиги бўйича маркаси	Цилиндрда майланиши бўйича мустаҳкамлиги, МПа кам эмас
250	П35	0,8	П25	0,6
300	П50	1	П35	0,8
350	П75	1,5	П50	1
400	П75	1,8	П50	1,2
450	П100	2,1	П75	1,5
500	П125	2,5	П75	1,8
550	П150	3,3	П100	2,1
600	П150	3,5	П125	2,5
700	П200	4,5	П150	3,3
800	П250	5,5	П200	4,5



Расм-12.3. Керамзит шағалини навларга ажратувчи қурилма: 1- ортиш борти; 2- аспирацион қобиг; 3- чўқтириши камераси; 4,5 – ёпқич; 6- навларга ажратилиши камераси; 7- оғир фракцияларни бўшатилиши борти; 8- енгил фракцияларни бўшатилиши борти.

Истеъмолчилар талабига кўра конструкцион енгил бетонлар ишлаб чиқаришда стандартга кўра маркаси M700 ва M800 цилиндрда майдаланиш мустаҳкамлиги 3,3 ва 4,5 МПа дан кам бўлмаган керамзит шағалини ишлаб чиқариш мумкин.

Стандарт усулга кўра цилиндрга керамзит шағали эркин тўклилади ва дастлабки ҳажмининг 20% гача камайишигача эзилади. Юк таъсирида шағал доналари зичлашади ва нисбатан компакт жойлашади. Изланишлар шуни кўрсатадики, керамзит шағалининг нисбатан зич жойлашувида унинг эркин тушишидаги ҳажмининг камайиши ўртacha 7% ни ташкил этади, қолган 13% ҳажмнинг камайиши доналар эзилишига кетади (расм-1).

Агар донанинг дастлабки баландлиги – D бўлса, у ҳолда эзилгандан сўнг 13% га камаяди.

$$2f = 0,13 D, f = 0,065 D \quad (12.1)$$

Бошқа тарафдан, шарли сегмент йўналиши:

$$f = \frac{D - \sqrt{D^2 - d^2}}{2}, \quad (12.2)$$

Бу ерда, d - эзилган айлана диаметри.

Иккита f ифодасини тенглаштириб, $d = 0,4 D$ га эришамиз. Доналар эзилиши натижасида олинган боғлама юзаси - $\pi d^2 / 4 = 0,19D^2$.

Шундай боғламалардан бири компакт жойлашган шар кўринишидаги доналарнинг элементар ячейкалари юзасига мос келади (расм-2) ва $0,865D^2$ га тенг.

Элементар ячейканинг юзаси эзилган боғлама юзасига нисбатан $0,865/0,19 = 4,5$ баробар катта. Стандарт цилиндр юзаси (177 см^2) боғламалар майдони йифиндисидан катта ва улар орқали керамзит шағали эзувчи кучни қабул қиласи. Оҳиргиси 40 см^2 ни ташкил этади. Шу сабабли, стандарт бўйича

бўлиш натижасида 177 см² юзага таъсир этувчи юк керамзит мустаҳкамлигини ўртacha 4,5 баробарга ўзгартиради.

ЎзРСТ 9758-96 “Курилиш ишларида ишлатиладиган ғовак тўлдиргичлар. Синаш усуллари” асосида ғовак тўлдирувчиларнинг маркаси уйма зичлиги ва мустаҳкамлик чегараси бўйича аниқланади. Мустаҳкамлик бўйича маркаланган керамзит шағалини мос маркали бетонда ишлатиш имконини беради. Керамзит шағалини алоҳида доналарининг мустаҳкамлиги суюқлик (мой)да гидростатик босим таъсирида аниқланади.

Керамзит мустаҳкамлигини нисбий баҳолаш ҳисобий формулалар билан ҳамда материалнинг зичлиги ва ҳисобий мустаҳкамлиги орасидаги боғланиш ёрдамида амалга оширилади. Ўртacha сифатли керамзитнинг ҳисобий мустаҳкамлигини (МПа) С.М.Ицкович таклиф этган формула орқали аниқлаш мумкин:

$$R_{\text{хисоб}} = 15 \square_{\text{дона}}^2, \quad (12.3)$$

Бу ерда: $\rho_{\text{дона}}$ -керамзит шағали донасининг зичлиги, г/см³.

Масалан, керамзит шағали M400 (уйма зичлиги 351-400 кг/м³), бўшлиқлиги – $V_{\text{бўшл}} = 40\%$ да дона зичлиги - $\rho_{\text{дона}} = 0,58-0,67$ г/см³. Формула (1) га кўра, бундай керамзитнинг мустаҳкамлиги 5-6,7 МПа ни ташкил этади. Керамзит шағали M600 (уйма зичлиги 551-600 кг/м³), дона зичлиги - $\rho_{\text{дона}} = 0,92-1$ г/см³, мустаҳкамлиги 12,5-15 МПа ни ташкил этади. Керамзит шағали M800, бўшлиқлиги – $V_{\text{бўшл}} = 40\%$ да дона зичлиги - $\rho_{\text{дона}} = 1,17-1,33$ г/см³, ҳисобий мустаҳкамлик 20-27 МПа га тенг, бўшлиқлиги – $V_{\text{бўшл}} = 45\%$ ва дона зичлиги - $\rho_{\text{дона}} = 1,45$ г/см³ гача бўлса, у ҳолда ҳисобий мустаҳкамлик 32 МПа га тенг бўлади.

Керамзит шағалининг ҳисобий мустаҳкамлиги шуни қўрсатадики, бу ғовак тўлдирувчи етарли мустаҳкамликка эга бўлиб, стандарт синовларда мустаҳкамлик қўрсаткичлари паст бўлишига қарамай, юқори мустаҳкамлиқдаги енгил конструкцион бетонлар олинади.

Керамзит шағали донаси шар ёки сюри шаклида бўлиб, асосан хом гранулалар шаклига боғлиқдир. Стандартга кўра дона шакл коэффициентининг ўртacha қиймати 1,5 дан катта бўлмаслиги керак. Юқори сифат категориясига эга керамзит шағали учун дона шакл коэффициенти 2,5 дан катта бўлмаслиги керак ва биринчи навли керамзит шағали учун бундай доналар масса бўйича 15 % дан ошмаслиги керак.

Керамзит шағалида сифат категориясига кўра бўлинган доналар миқдори масса бўйича 10-15% дан ошмаслиги керак.

Керамзит шағали сувга бўктирилган ҳолда музлаш ва эришда энг камида 15 циклга бардош бериши керак, бу ҳолатда ушбу фракциянинг масса йўқотиши 8% дан кўп бўлмаслиги керак.

Керамзитнинг биржинслилиги ва уни бойитиши.

Керамзит шағали ишлаб чиқарувчи корхоналардан бирида ўтказилган изланишлар шуни исботлайдики, битта партиядаги маҳсулотнинг уйма зичлиги 330 дан 405 кг/м³ гача, ўртacha 367 кг/м³ ўзгарди. Шу корхонада 40 суткада маҳсулот назорати қўйидагиларни қўрсатди: ўртacha уйма зичлиги 339 кг/м³, алоҳида намуналар учун 270-470 кг/м³.

Бир неча корхоналарда ишлаб чиқарилган керамзит сифатини ўрганиш шуни кўрсатадики, барча жойда керамзит бир жинсли бўлмайди. Керамзит шағалини олишнинг технологиясида биржинсли бўлмаган хомашё асосидаги ҳар бир гранула турлича кўпчийди, бунда печдаги ҳароратнинг доимий ўзгариб туриши таъсир кўрсатади. Натижада керамзит шағали бу турлича зичлик ва мустаҳкамликка эга кўпчиган гранулалар йиғиндисидан иборат бўлади.

Агар тўлдирувчи бир жинсли бўлмаса, у ҳолда бетоннинг ҳисобий тавсифи ва уни конструкцияда қўллашнинг самарадорлиги юқоридаги каби амалга оширилади.

Керамзитнинг биржинслилигини оширишнинг иккита йўли мавжуд:

а) ишлаб чиқариш технологиясини замонавийлаштириш, хомашёни ўта синчков қайта ишлаш, гранулалар олиш, исситишга тайёрлаш, куйдириш ва совитиш режимларини меъёрлаш, фракцияларга ажратишни яхшилаш;

б) тайёр керамзит шағалини фақат йириклиги бўйича эмас, балки доналар зичлиги бўйича ҳам фракцияларга ажратиш.

Керамзит шағалини бойитиш, бу уни доналари зичлиги бўйича синфларга ажратишидир. Нисбатан енгил керамзит доналари бу яхши кўпчиган доналар бўлиб, нисбатан оғир керамзит доналари бу кам кўпчиган ва юқори мустаҳкамлиқдаги доналар ҳисобланади. Керамзит шағалини синфларга ажратиш қайновчи қатlam технологияси асосида бажарилади. Қайновчи қатlam технологиясида талаб этилган зичликдаги ҳавони пастдан юқорига қараб майда донадорли материал қатламидан ўтказилади.

Қайновчи қатlam ёки чўқтирувчи–ажратувчи муҳитнинг зичлиги бойитилаётган керамзит донаси зичлигига боғлик ҳолда танланади. Масалан, агар керамзит донасининг зичлиги $0,5\text{--}0,7 \text{ г}/\text{см}^3$ бўлса, у ҳолда зичлиги $0,6 \text{ г}/\text{см}^3$ бўлган муҳитда зичлиги $0,5\text{--}0,6 \text{ г}/\text{см}^3$ бўлган керамзит доналари оқади, катта зичликка эгалари эса чўқади. Натижада керамзит иккита нисбатан бир жинсли синфга ажралади.

Зичлиги $0,6 \text{ г}/\text{см}^3$ бўлган қайновчи қаватда оғирлаштиргич сифатида туйилган керамзит фракцияси $0,315\text{--}0,63 \text{ мм}$ дан олиш мумкин. Худди шундай фракцияли туйилган ғишт қават зичлиги $-0,8 \text{ г}/\text{см}^3$ ни беради, фракцияси $0,14\text{--}0,315 \text{ мм}$ ли кварц қуми- $1,2 \text{ г}/\text{см}^3$ қаватни беради.

Керамзит шағалини қайновчи қаватда оғирлаштиргич қўлламасдан ҳам навларга ажратиш мумкин. Бу ҳолатда оғирлаштиргич вазифасини керамзит шағали бажаради.

У узлуксиз сепараторнинг классификацияловчи камерасига тушади ва бунда остки панжарадан вентилятор ёрдамида ҳаво узатилади (расм-3). Ҳавонинг маълум тезликда узатилиши натижасида керамзит шағали навларга ажратилади: нисбатан оғир доналар пастга чўқади, енгиллари эса юқори қаватни эгаллайди.

Керамзит шағали ва бошқа ғовак тўлдирувчиларни бойитиш факат қуруқ шароитда бажарилиши керак деб ҳисобланади, яъни уларни намлаш мумкин эмас ва керамзит шағалининг намлиги 2% дан ошмаслиги лозим. Бироқ керамзит шағалини қўллашда уни сувда намлаш технологияси талаб этади.

Айниқса енгил бетонлар ишлаб чиқариш технологиясида ғовак түлдирувчиларни намлаш тавсия қилинади, бунда уларнинг бетон қоришимасида сувни шимиб олиши камаяди.

Шу сабабли керамзит гравийсини навларга ажратишни сувда амалга оширишни тадқиқотчилар тавсия этишади. Бундай сепаратор иккита транспортёр билан жиҳозланган сувли ваннадан иборат ва биринчи транспортёр ванна тубига чўкган доналарни қабул қиласа, иккинчиси сув юзида гиларни қабул қиласи. Керамзитнинг сувда бўлиши 5 секундан ошмаслиги керак.

Сув бу керамзит шағалининг дона зичлиги бўйича иккита синфга ажратувчи мос мухитдир. Бунда қуйидаги натижани келтириш мумкин. Олинган керамзит шағалининг уйма зичлиги $435 \text{ кг}/\text{м}^3$. Ундан сепарация давомида уйма зичлиги $371 \text{ кг}/\text{м}^3$ бўлган нисбатан енгил доналар (масса бўйича 65% ёки ҳажм бўйича 76%) ва нисбатан оғир доналар - $635 \text{ кг}/\text{м}^3$ (масса бўйича 35% ва ҳажм бўйича 24%) олинади. Бетонга ишлатилган керамзит мустаҳкамлиги -6 МПа, сув юзасидаги керамзит мустаҳкамлиги- 6 МПа, сув тубига чўкгани эса – 16 МПа ни ташкил этди.

Натижада сув юзасидаги керамзитдан самарали иссиқлиқдан ҳимояловчи бетон, қолганидан эса цементни тежаган ҳолда конструкцион бетон олинади.

Шу сабабли, керамзитнинг бир жинслилигини оширишнинг иккита йўли мавжуд:

- а) ишлаб чиқариш технологиясини замонавийлаштириш, хомашёни тўғри танлаш;
- б) олинган тайёр маҳсулотни дона зичлиги бўйича навларга ажратиш.

Керамзит қуми ва уни ишлаб чиқариш тихнологияси.

Керамзит қуми турли донадорлик таркибиغا эга гилли жинсларни куйдиришда кўпчишидан олинади. Куйдиришни жадаллаштириш учун майда донадорли фракцияга иссиқлик ишлови қайновчи қатламда бажарилади. Хомашё туридан келиб чиқиб, уни тайёрлашнинг ярим қуруқ ёки пластик усули қўлланилади.

Ярим қуруқ усулида хомашё увоқлари занжирили пардали қуритиш барабанида жинсларни қуритиш ва болғали майдалагичда туйиш, сўнгра 5 мм кўзли элакдан ўтказиб олинади.

Пластик усулида гранулаларни тайёрлаш керамзит шағали каби амалга оширилади. Олинган гранулалар 10-12% намлигача қуритилади, майдаланади ва 5мм кўзли элакдан ўтказилади.

Керамзитбетон асосида буюм ишлаб чиқаришда фақат керамзит шағали эмас, балки майда ғовак түлдирувчи-керамзит қуми ҳам зарурдир. Керамзит қумини айланма печда ишлаб чиқариш яхши самара бермайди. Керамзит шағали ишлаб чиқаришда иссиқлик ишлов бериш жараённада бўлакларнинг бузилишида қумли фракция чиқади, бироқ бу доналар нисбатан оғир бўлиб, гилли хомашёнинг майда бўлаклари амалда кўпчимайди, яъни гилнинг пиропластик холатга ўтишигача газ ажралиши эрта бошланади. Бундан

ташқари юқори ҳарорат зонасида майда доналар йирик доналарга нисбатан тезроқ қизийди, натижада улар эриб шағал доналарига ёпишиб қолиш эҳтимоли ошади.


Керамзит шағали ишлаб чиқариш корхоналарида керамзит қуми валкли майдалагичда керамзит шағалини майдалашдан олинади.

Бундай майдалаб олинган керамзит қумининг таннархи майдалаш ишларидағи қўшимча сарфлар хисобига ортади, бунда олинадиган қум майдаланган шағал ҳажмига нисбатан кам бўлади.

Қумнинг чиқиши коэффициенти 0,4-0,7 ни ташкил этиб, ўртача 1m^3 керамзит шағалини майдалашда $0,5 \text{ m}^3$ керамзит қуми олинади. Бу ҳолатда қумнинг уйма зичлиги икки баробар ошади.

Ҳозирги вақтда керамзит қуми олишнинг энг самарали технологияси бу қайновчи қатлам печида куйдириш ҳисобланади. Вертикал печга қуритилган гилларни майдалаш натижасида ёки пластик усулда маҳсус тайёрланиб сўнгра қуритилган йириклиги 3 ёки 5 мм гача бўлган гилли доналар солинади.

Печ (расм-12.4) иккита зонадан иборат: исситиш ва куйдириш зоналари бўлиб, улар бир-биридан пардевор билан ажратилган. Печнинг пастки панжарали қисми бўйлаб босим остида ҳаво ва газ кўринишидаги ёқилғи узатилади. Маълум тезликдаги газларни узатишда гилли доналар бўш қавати қайнаш ҳолатига ўтади. Газ кўринишидаги ёқилғи бевосита қайновчи қатламда



Расм-12.4. Икки зонали қайновчи қатлам печининг схемаси:

1- дастлабки исситиш зонаси; 2- куйдириши зонаси; 3- қайновчи қатлам совитгичи; 4- қопланган циклон; 5- ҳаво пургагич; 6- бўшатувчи клапанли ёпқич; 7- газни узатиш; 8- ташқи оқум учун секторли ёпқич; 9- исситиш зоналари учун циклон


ёнади. Қайнавчи қатламда иссиқлик алмашувини бошқариш орқали материал тез ва бир текис қизийди. Гил бўлаклари ўртача 1,5 минут куйдирилади ва кўпчийди.

Печнинг куйдириш зонасида узатилаётган гилли доналар қайнавчи қатламнинг исситиш зонасида 300°C гача қиздирилади, куйдиргандан сўнг тайёр керамзит қуми қайнавчи қатламнинг совитиш ускунасида совитилади. Қумнинг майда фракциялари бир қисми куйдириш зонасидан газ билан чиқиб

циклонга тушади ва чўқади, тозаланган газлар эса печнинг дастлабки исситиш зонасига узатилади.

Қайновчи қатлам печининг (СМС-139) паспорт бўйича маҳсулдорлиги 6,7 м³/соат бўлиб, фойдаланиш коэффициенти $R_i = 0,85$. Олинган керамзит қумининг уйма зичлиги 500-700 кг/м³. Керамзит қумининг донадорлик таркибига кўйиладиган талаб табиий қум каби бўлиб, фақат таркибида йирик фракциялар кўп бўлиши лозим.

Керамзит қуми олишнинг хусусиятлари ва таннархи бўйича самарали йўналишдаги муаммолар тўлиқ ҳал этилгани йўқ. Шу сабабли баъзан керамзитобетон ишлаб чиқаришда майда тўлдирувчи сифатида кўпчиган перлит ёки табиий қум ишлатилади.



Расм-12.5. Керамзит хом гранулаларини пластик усулда тайёрлаш ва СМС-197 қурилмасида кўидиришининг технологик схемаси:

1- гил омбори, грейферли кўприк крани билан жихозланган; 2- қабул бункери; 3-гиларалаштиргич; 4-яшикли таъминланич; 5-осма бетон тўсиқ; 6-лентали конвейер; 7- тешекли валилар; 8-қўпол туйии валилари; 9-лентали шнекли пресс; 10-майин туйии валилари; 11-лентали шнекли пресс; 12- гранулаларни қуритиши барабани; 13-гил қуритиши барабани; 14-элеватор; 15-қават тайёрловчи; 16-айланма печ 2,8×20м; 17-қават совитгич; 18-майдалаши ускунаси


Керамзит қумини ишлаб чиқаришда хомашёни яrim қуруқ ва пластик усулида тайёрлаш ва ишлаб чиқариш технологик схемаси:

Яrim қуруқ усулида
хомашёни тайёрлаш

гил омбори

пластик усулида
хомашёни тайёрлаш

гил омбори



Керамзит ишлаб чиқарувчи корхоналар асосан қуидаги фракциялардаги маҳсулотларни ишлаб чиқаради: 0-5 мм-10%; 5-10мм – 40%; 10-20мм – 40%; 20-40мм -10%;

Хомашё материалларни дастлабки синаш натижасида олиш усули, таркиби, ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси ва олинган керамзит сифати аникланади.

Корхоналарда асосан керамзит пластик усулида ишлаб чиқарилиб, технологик схемаси, гилли хомашёни қайта ишлаш варианлари ва куйдириш печи типи билан фарқ қиласиди. Ишлаб чиқаришнинг қуруқ усули асосан керамзит сифат шунгизит олишда қўлланилади.

Мисол тариқасида расм-5 да керамзит шағали лойиҳавий ишлаб чиқариш цехининг технологик схемаси келтирилган. Цех учта бўлимдан иборат бўлиб: тайёрлаш, куйдириш ва тайёр маҳсулотлар омбори. Хомашё кондан автосамосвалларда омборга етказилади. Кўприк грейферли кранда гил

омборини бутун юзаси бўйлаб бир хил тақсимланади ва ишлаб чиқаришга жўнатилади.

Тайёрлаш – қуиши бўлимида иккита хомашёни қайта ишлаш ва хом гранулаларни олиш тизимлари мавжуд бўлиб, улардан бири расм-5 да келтирилган, иккинчиси юқори кон намлигидаги гилни қуритиш линияси. Йилнинг иссиқ фаслида гилни автосамосвалда бевосита хомашёни исситиш линияси қабул бункерига узатиш мумкин. Юқори намликдаги ғовакланган гилни дастлаб тош ажратиш валцларига, сўнгра қуритиш барабанига юборилади.

Куритилган гилни лентали конвейрда хомашёни қайта ишлаш линияси қабул бункерига юборилади, у ерда гилни қўпол туйиш валцларида майдаланади, гиларалаштиргичда сувли ЛСТ қўшимчали қоришма билан аралаштирилади, сўнгра майнин туйиш валцларида қўшимча майдаланади, бунда валцлар оралиғи 1-1,5 мм. Тайёрланган масса қуиши қурилмаси устига ўрнатилган яшикли таъминлагичга узатилади. Лентали шнекли прессда хом гранулалар олинади. Қуиши қурилмаси сифатида тешикли вальцларидан хомашёда йирик қўшимчалар мавжуд бўлса фойдаланиш мумкин.

Тайёрланган гранулалар қуритиш барабанида намлиги 19% дан ошмаган ҳолатда қуритилади, сўнгра қуидириш бўлимига СМС-197 қурилмасига жўнатилади. Қатлам тайёрлаш печи(СМС-198) да гранулалар тўлиқ қуритилади, айланма печ (СМС-199) га 200⁰С гача қиздирилган ҳолда тушади, сўнгра 1150-1250⁰С хароратда қуидирилади ва кўпчилинига Кўпчилик гранулалар дастлаб печда совитилади (900-1000⁰С гача), кейин қатлам совитгичда (СМ-1250) 80⁰С гача совитилади.

Йириклиги 20 мм гача бўлган керамзит шағалини совитиш тезлиги 100⁰С/мин дан ошмаслиги керак.

Совитилган керамзит лентали конвейрда тайёр маҳсулот омборига узатилади, сўнг элеваторда шағалини навларга ажратиш учун элакга жўнатилади. Олинган фракция лентали конвейрда силос банкаларига тақсимланади. 5-10мм ва 10-20мм фракциялар учун учта силос, 0-5 мм ва 20-40 мм фракциялар учун битта силос олинади. Силос банкаларининг сифими тайёр маҳсулотнинг 4 суткага етадиган захираси бўйича ҳисобланади. Омборда йирик фракциялар (20мм дан катта) майдаланади, эланади ва навларга ажратилиб силос банкаларига тақсимланади. Тайёр маҳсулотлар автомобил ва темир йўл транспортларида жўнатилади.


Керамзит қумини қайновчи қатлам печларида ишлаб чиқариш керамзит шағалини олиш цехлари қошида бажарилади, бунда хомашё сифатида қуритиш барабанидан чиқувчи гранулалар – ярим тайёр маҳсулотлар ишлатилади.

Йилига 50 минг м³ керамзит қумини ишлаб чиқариш цехи технологик схемаси расм-6 да келтирилган. Ушбу цехни керамзит шағали ишлаб чиқариш корхонаси майдонига жойлаштириш назарда тутилган. Иш режими – йил давомида уч сменада.

Ишлаб чиқариш жараёни қуидагилардан иборат: цехнинг тайёрлаш бўлимида олинган ва қуритилган гранулалар хомашё захираси бункерига узатилади, сўнгра болғали тегирмонда қуритилади ва майдаланади. Йириклиги 5 мм гача гил доналари (намлиги 8-12%) тиндирувчи циклонда ажратилиб икки

зонали қайновчи қатлам печининг сарф бункерига юборилади. Исситиш зонаси ҳарорати $200\text{-}400^{\circ}\text{C}$, куйдириш зонаси ҳарорати- $1000\text{-}1100^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этади.

Керамзит қумининг асосий қисми (70°C гача) күйдириш зонасидан қайновчи қатлам совитгичига тушади, у ерда $120\text{-}180^{\circ}\text{C}$ гача совитилади. Қолған чанг ва зарралар (30% гача) қопламали циклонга юборилади. Совитгич ва циклондан керамзит қуми пневматранспорт системасига, сұнгра тайёр маҳсулот омборига жүнатилади.



Расм-12.6. Керамзит қумини ишлаб чықарыши цехи технологик схемаси:

1- болгали тегирмон; 2- чўқтирувчи циклон; 3-элеватор; 4-бункер;
5-қайнавчи қават қозони СМС-139; 6-вентиляторлар; 7-циклонлар
батареяси; 8-электрофилтр; 9-совитгич; 10- ичи қопланган циклон;
11-тайёр маҳсулотлар омбори; 12-енгли филтр.

Керамзит қуми ишлаб чиқариш цехининг тайёр маҳсулотлар омбори иккита силосдан иборат бўлиб, улар бир вактда ёки кетма-кет тўлдирилади.

Керамзит қуми автотранспорт ёки темир-йўл транспортларида жўнатилиди.

Керамзитни қўллаш соҳаси.

Керамзит бетон асосан девор материаллар учун ишлатилади. Девор панеллари учун энг самаралиси бу уйма зичлиги бўйича маркаси М300, М400, М500 бўлган енгил керамзит шағалидир.

Бир қатламли девор панеллари учун ишлатиладиган конструкцион-иссиқликдан ҳимояловчи керамзитбетоннинг зичлиги $900\text{-}1100 \text{ кг}/\text{м}^3$ ни, сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси $5\text{-}7,5 \text{ МПа}$ ни ташкил этади. Конструкцияда бетон бир вақтнинг ўзида ҳам юк кўтарувчи ва иссиқликдан ҳимояловчи функцияларни бажаради.

Икки ёки уч қатламли девор панелларида юк күтариш қобилиятыни бир ва баъзан икки қатламли конструкцион-керамзитбетон таъминлайди,

иссиқликдан химоялаш зичлиги $500\text{-}600 \text{ кг}/\text{м}^3$ бўлган йирик ғовакли иссиқликдан химояловчи керамзит бетон қатлами таъминлади.

Иzlанишлар шуни кўрсатадики, бир қатламли панел конструкциясидан икки ёки уч қатламлига ўтиш ва девор панеллари юк кўтариш ва иссиқликдан химоялаш функцияларини бажарувчи конструкцион ва иссиқликдан химояловчи керамзит бетон асосида ишлаб чиқарилган панелларнинг сифатини ва чидамлилигини оширади, материал сарфини камайтиради.

Иссиқликдан химояловчи йирик ғовакли керамзит бетон бу ўта енгил бетон ҳисобланади. Цементни энг кам сарфида унинг зичлиги керамзит шағали уйма зичлигидан камроқ ошади.

Керамзит шағали маркаси M700 ва M800 ни қўллаб сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси 20, 30, 40 МПа бўлган конструкцион енгил бетон олиш мумкин, ундан асосан том ёпма, ора ёпма панелларидан қурилишда кенг фойдаланилади, бу ўз навбатида конструкцияни енгиллаштиради.

Билимларни назорат қилиш учун саволлар.

1. Керамзит шағалига қандай талаблар қўйилади?
2. Керамзит қуми олишни тушунтиринг?
3. Керамзит қуми ишлаб чиқаришнинг технологик схемасини келтиринг?
4. Керамзит қандай соҳаларда ишлатилади?
5. Керамзит қуми ишлаб чиқаришда қандай ускуналар ишлатилади?
6. Керамзит ишлаб чиқарувчи корхоналар асосан қандай фракциялардаги маҳсулотларни ишлаб чиқаради?
7. Керамзит хом гранулаларини пластик усулда тайёрлаш ва СМС-197 қурилмасида куйдиришнинг технологик схемасини тушунтиринг?
8. Икки зонали қайновчи қатлам печининг ишлаш схемасини келтиринг?
9. Икки ёки уч қатламли девор панелларида керамзит қўллашнинг афзаллиги нимадан иборат?
10. Кон ишлари ва лойга ишлов беришни тушунтиринг?
11. Керамзит шағалини куйдириш ва совитиш қандай ускуналарда бажарилади?
12. Керамзит шағали сувга бўктирилган ҳолда музлаш ва эришда энг камида неча циклга бардош бериши керак?
13. Керамзитнинг ҳисобий мустаҳкамлиги (МПа) қайси формуладан аниқланади?
14. Керамзит шағалини цилиндрда синашни тушунтиринг?
15. Керамзит шағалини навларга ажратувчи қурилманинг ишлашини тушунтиринг?
16. Керамзит доналарининг жойлашиш схемасини тушунтиринг?
17. Халқасимон печли куйдириш қурилмаси иш принципини тушунтиринг?
18. Керамзитни совитиш қандай бажарилади?
19. Керамзит шағалини эзилишга синаш схемасини келтиринг?

13-Маъруза

Аглопорит ишлаб чиқариш технологияси

Хомашё материаллар

Керамзит олишда яроқли гил хомашёси ҳамма жойда учрамайди. Куйдирганда кўпчимайдиган кампластикли, қумоқланган гилли жинслар суглинок табиатда кенг тарқалган. Бу жинслардан бошқа сунъий ғовак тўлдирувчи –аглопорит ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Аглопорит ишлаб чиқарувчи корхоналарда асосий хомашё материаллар сифатида гилли жинслар ишлатилади. Агомерация учун яроқли гилли жинслар (суглинок, супесс, лёсслар) Республикаиз худудида кўп учрайди, шу сабабли маҳаллий хомашёлар асосида аглопорит ишлаб чиқаришни кенгайтириш мумкин. Дастрас саноат миқёсида гил хомашёси асосида аглопорит Минскда 1958 йилда ишлаб чиқарилган. Хомашё материаллар сифатида турли саноат чиқиндилари, айниқса ёқилғи таркибли чиқиндилардан фойдаланиш истиқболли ҳисобланади. Бундан ташқари ёқилғи шлаклари, кул, сланец ва қўмир чиқиндилари асосида аглопорит ишлаб чиқариш илмий асосланган. Бундай саноат чиқиндиларида мавжуд ёқилғи агломерация жараёнининг бориши учун етарли ҳисобланади. Фақат хомашёни ёқилғи бўйича меъёрига олиб келиш керак, агар хомашёда ёқилғи кам бўлса, у ҳолда шихта тайёрлашда қўшиш керак, агар хомашёда ёқилғи кўп бўлса, у ҳолда гилни қўшиш зарур. Аглопорит ишлаб чиқаришни қўмир қазиш ва қўмирни бойитишда чиқадиган чиқиндилар асосида кенгайтириш мумкин. Уларда қўмир миқдори ўртача 20% ни ташкил этади. Бу ёқилғиларни қўллаб аглопорит танархини 30% га камайтириш мумкин. Дунё статистик малумотларига қўра Польшада қўмир чиқиндиларидан энг кўп фойдаланилар экан, бунда қўмир қазиш чиқиндиларининг 17% ва қўмир бойитиш чиқиндиларининг 95% дан кўпи ишлатилади.

Аглопорит ишлаб чиқаришнинг технологик асослари

Аглопорит хомашёни пиширишда (агломерация) олинади. Бу усул кўпроқ металлургия саноатида рудани қайта ишлашда қўлланилади. Пишириш жараёни қўйидагилардан иборат бўлади: хомашё материаллардан ёқилғи (қўмир) қўшиб гранулалар тайёрланади ва колосники панжарага ётқизилади. Панжара остида вакумкамерада вентилятор ёрдамида хаво сўрилиб ярим хомашёни куйдириш тезлатилади. Кўмирнинг ёниши ҳисобига ярим хомашё юқори ҳарорат ($1400-1500^{\circ}\text{C}$) гача қиздирилади. Натижада ғовак шишасимон масса (корж) ҳосил бўлади. Куйдириш жараёни жуда тез амалга оширилади.

Панжара остидан ҳавони сўриб олишда иссиқ газлар ярим хомашё материалларнинг пастки қаватини ҳам куйдиради. Ҳавони сўришда юқори пишган қаватлар анчагина совийди. Ёқилғининг ёниши колосникли панжарага етганида агломерация жараёни тугайди, натижада пишган аглопорит коржи олинади, уни шағал ва қумга майдаланилади.


Аглопорит сунъий ғовак тўлдирувчиси агломерацион машинада (расм.13.1) олинади. Бу машинанинг ишлаб чиқариш қуввати хомашёни пишиш тезлигига боғлиқ ва у қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$V = \frac{h}{\tau}, \quad (13.1)$$

Бу ерда: h - пишадиган ярим хом ашёнинг қават баландлиги, мм

τ - пишиш давомийлиги, мин.


Турли хомашё ва ярим хомашёлар учун вертикал пишиш тезлиги 5-10мм/минут ва ундан кўпни ташкил этади. Масалан, ярим хомашё қавати 200мм бўлса, у 20-40 минут давомида пишади.



Расм-13.1. Агломерацион машинанинг схемаси:

1-хом гранулаларни машинага тўкиш; 2-ёндирувчи горн; 3-колосникли панжара; 4-пишган гранулалар қавати; 5-ёқилғининг ёниши зонаси; 6-пишган корж; 7-газларни сўриб олиш; 8-вакум камера.

Саноат миқёсида аглопорит ишлаб чиқаришда гилли жинслардан қуйидаги ярим тайёр маҳсулот тайёрланади. Гилли хомашё, майдаланганд тошқўмир (йириклиги 5 мм гача), қўшимчалар аниқ меъёр бўйича аралаштирилади. Кўмирнинг масса улуши 7-12% ни ташкил этади. Агар гилли хомашё қуруқ бўлса, у холда гил аралаштиргичга сув қушилади ва гил бир хил массага келгунча аралашририлади. Махсус машиналар грануляторларда (масалан, барабанли грануляторда) гилли гранулалар олинади. Тайёр гранулалар агломерацион машинада пиширилади (расм-13.2). Машина тўхтовсиз ҳаракатланувчи аравали конвейрдан, асоси иссиқка чидамли пўлат ва икки томонидан тўсилган колосникли панжарадан иборат. Конвейр темир-йўл бўйига вакум-камера устида ҳаракатланади.



Расм.13.2. Агломерациялаш машина

Кисқача техник характеристикаси:

- Пишиш юзаси, м ²	75
- Пишириш араваси эни, м	3
- Пишган қават баландлиги, мм, гача	500
- Араванинг харакатланиш тезлиги, м/мин	1...4
- Колосниклар ости босими, Па, гача	1200
- *Махсулдорлик, т/м ² соат	
- агломерат бўйича	110...140
- шихта бўйича	175...240

*Махсулдорлик агломерация жараёнининг технологик шароитидан келиб чиқиб белгиланади.


Гилли гранулалар колосникили панжара устидаги тўсиқли аравачага 200-300мм қалинликда сепилади, ёндирувчи горн остида ўтганида суюқ ёки газ кўринишидаги ёқилғи ёнишидан 1000°C хароратгача қиздирилади. Сўнгра вакумкамералар устида харакатланишдан, ҳавонинг сўриб олиниши натижасида хом гранулалар пишади. Агломерацион машинадан пишган корж чиқади.

Чиқсан корж биржинсли бўлмай, ички қисми тўқ рангда (тикланиш муҳити темир оксидларига ўтиши билан белгиланади ва бу яхши пишишига олиб келади), юза қисмida (ортиқча хаво, оксидланувчи муҳит, куйдиришдан паст харорат) кичик мустаҳкамлик ва кам чидамли қўнғир-қизғиш рангли пишмаган қатлам юзага келади. Шу сабабли агломерацион панжарарада ҳосил бўлган пишган ярим махсулот(корж)дан пишмаганларини алоҳида ажратишdir. Коржни бўлакларга корж майдалагич ёрдамида ажратилади,

бўлаклар панжарага узатилади, бунда яхши пишмаган доналари чўқади, технологик жараёнга қайтарилади, хомашёга қўшимча сифатида ишлатилади ва хом гранулаларнинг пишишини, газ ўтказувчанилигини яхшилайди.

Хомашёга қўшимча сифатида, гилнинг пишиш тезлигини оширишда ва шу билан бирга агломерацион машинанинг қувватини оширишда, аглопорит сифатини яхшилашда ёғоч опилкалари, ёғоч гидролизи чиқиндиси, кул ва бошқа саноат чиқиндилари ишлатилади.

Аглопорит таркибидан пишмаган бўлакларини ажратгандан (технологик жараёнга қайтарилган) сўнг 80-120°C гача совитилади, майдаланади, шағал ва қумга ажратилади. Аглопарит шағали ва қумининг ишлаб чиқариш технологик схемаси (расм-13.3) да келтирилган.



Расм-13.3. Аглопорит чақиқ тоши ва қумини ишлаб чиқарии технологик схемаси: 1-экскаватор; 2-автомотранспорт; 3-яшикли узатгич; 4-валкли майдалагич; 5-тебранма элак; 6-лентали таъминловчи; 7- ийхувчи лентали транспортер; 8- тошини ажратувчи вальцлар; 9-икки валли гил аралашибиргич; 10-барабан типидаги гранулятор; 11-ётқизгич; 12-ёндирувчи горн; 13-агломерацион машина; 14-майдалагич; 15-шахта типидаги совитгич; 16-валкли-тишли майдалагич; 17-шагални навларга ажратувчи машина; 18-тайёр маҳсулотлар омбори;

Аглопоритни совитишда қўлланиладиган шахта типидаги совитгич ўрнига лентали (туби перфорирланган металл транспортер), чашкасимон (иккита жалюзали цилиндр деворли халқасимон бункер) ва барабан типидаги совитгичлар ишлатилади.

Асосий хомашё материал сифатида кўмирни бойитиш чиқиндиси қўлланилганда, технологик схемага сарфланувчи материалларни тайёрлашга доир ўзгартиришлар киритилади. Кўмир бойитиш чиқиндилари икки босқичли майдаланилади, элакдан ўтқазилади ва ўлчами 2,5мм гача доналар олинади. Гил

қуруқ компонент (йириклиги 3мм гача) ёки суюқ гилли масса кўринишида кўшилади. Аглопарит ишлаб чиқаришда комплект технологик жихозланган СМС-117 ва СМ-961 (узунлиги-40м, эни-1,5м) маркали агломерацион машиналар ишлатилади.

Агломерацион машинасининг ишлаб чиқариш қуввати

Агломерацион машинанинг ишлаб чиқариш қуввати (т/соат) қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\Pi=0,06 v L_a B r_h R_b; \quad (13.2)$$

Бу ерда : v - вертикал пишиш тезлиги, мм/мин;

L_a - агломерацион машинанинг фойдали узунлиги , м;

L – машинанинг умумий узунлиги, L_c -қуритиш зонаси узунлигидан келиб чиқиб ($L_c=0,05-0,1 L$) ва совитиш – L_o (совитгич мавжуд бўлса - $L_o=0,2 L$ аглопарит шағали ишлаб чиқаришда совитгич ишлатилмаса- $L_o=0,4L$);

B -агломерацион машинанинг фойдали эни узунлиги, м;

r_h - хом гранулалар уйилма зичлиги, $r_h=1-1,1 \text{ т}/\text{м}^3$;

R_h - аглопаритнинг чиқиши коэффициенти, $R_h=0,75-0,90$;

R_b - технологик жараёнга қайтган пишмаган бўлакларни хисобга оловчи коэффициент, агар технологик жараёнга қайтмаса, $R_b=1$ тенг бўлади.

Агломерацион машинанинг йиллик маҳсулдорлиги ($\text{м}^3/\text{йил}$) қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$M_{ag}=T \Pi R_u/P_h; \quad (13.3)$$

Бу ерда: T - машина ишлашининг йиллик фонди, соат;

Π - агломерацион машинанинг ҳисобий маҳсулдорлиги, т/соат;

R_u - ишчи вақти йиллик фондидан фойдаланиш коэффициенти, $R_u=0,82-0,9$;

P_h - аглопарит шағалининг уйилма зичлиги, $\text{т}/\text{м}^3$

Билимларни назорат қилиш учун саволлар.

1. Аглопорит ишлаб чиқаришда қандай хомашё ишлатилади?
2. Аглопорит ғовак тўлдиргичини ишлаб чиқариш технологиясини келтиринг?
3. Аглопорит ғовак тўлдирувчисига таъриф беринг?
4. Аглопорит доналари орасидаги бўшлиқ қандай аниқланади?
5. Аглопорит ғовак тўлдиргичи учун қандай хомашё қўлланилади?
6. Агломерацион машинанинг иш принципини тушунтиринг?
7. Хомашё материалларга қандай талаб қўйилади?
8. Аглопорит ишлаб чиқаришнинг технологик асосларини келтиринг?
9. Агломерацион машинасининг ишлаб чиқариш қуввати қандай аниқланади?
10. Аглопорит олишда қандай саноат чиқиндилари ишлатилади?

14-маъруза.

Аглопорит куми ва шағалига қўйиладиган талаблар

Асосий техник талаблар

КМК га кўра аглопаритнинг донадорлик таркиби бўйича фракцияларга ажратиш, уйилма зичлиги асосида маркаларга бўлиш керамзит шағали каби амалга оширилади. Аглопорит чақир тошнинг талаб этиладиган мустаҳкамлик чегараси, цилиндрда майдалашда аниқланган қийматлари керамзит шағалига нисбатан кичик бўлади(жадвал-14.1). Лекин аглопоритни керамзитга нисбатан мустаҳкамлиги кичик деб эмас, балки дона шаклини хам инобатга олиш керак.

Аглопорит чақир тошининг мустаҳкамлигига қўйиладиган талаблар

жадвал-14.1

Уйилма зичлиги бўйича маркаси	Цилиндрда майдаланиш мустаҳкамлиги, МПа сифат даражасига кўра, кам эмас		Уйилма зичлиги бўйича маркаси	Цилиндрда майдаланиш мустаҳкамлиги, МПа сифат даражасига кўра, кам эмас	
	олий	биринчи		олий	биринчи
400	0,4	0,3	700	1,0	0,9
500	0,6	0,5	800	1,4	1,2
600	0,8	0,7	900	1,6	1,4

Цилиндрда майдалашда мустаҳкамликнинг абсолют эмас балки нисбий қиймати аниқланади, чунки мустаҳкамлик синалаётган тўлдирувчи шаклига боғлиқдир. Металл цилиндрга солинган ўта киррали аглопорит чақир тошни эзишда керамзит шағалига нисбатан кам куч сарфланади. Тадқиқотлар шуни кўсатдики, аглопоритнинг мустаҳкамлиги бетонда синалганда цилиндрда стандарт мустаҳкамликни синашдаги кўрсаткичларга нисбатан 25-30 баробар ортади.

Аглопарит ва керамзитнинг ғоваклари орасидаги бўшлиқни тўлдирувчи керамик материал (шиша фазасидан иборат эриган масса) мустаҳкамлиги деярли бир хил. Шу сабабли бетон таркибидаги бир хил дона зичликдаги аглопарит ва керамзит мустаҳкамлиги бир бирига яқин ҳисобланади.

Аглопотирнинг ҳисобий мустаҳкамлигини $R_{\text{хисоб}}=15\rho_{\text{дона}}^2$ формуладан фойдаланиб аниқлаш мумкин.

Масалан, агар аглопорит донаси зичлиги $-1,2 \text{ г}/\text{см}^3$ бўлса, у ҳолда ҳисобий мустаҳкамлик 20 МПа ни, зичлик $-1,4 \text{ г}/\text{см}^3$ бўлса, ҳисобий мустаҳкамлик 40 МПа ни ташкил этади.

Аглопарит чақир тоши ёки шағалининг доналари фракцияси камайиши билан уларнинг уйилма зичлиги ошади. Бу аглопоритда турли хил ўлчамдаги ғоваклар (3 мм ва ундан катта) борлиги билан тушунтирилади. Аглопоритни майдалаш вақтида йирик ғоваклари бўйича бузилишга олиб келади, шу сабабли фракциялар қанчалик кичик бўлса, доналар ғоваклиги ҳам шунча кам бўлади ва доналар зичлиги ва мустаҳкамлиги эса катта бўлади.


Турли фракциядаги аглопорит қуйидаги уйилма зичлики ташкил этади: чақир тош фракцияси 20-40мм, уйилма зичлиги $500-600\text{кг}/\text{м}^3$; 10-20мм, $600-700\text{ кг}/\text{м}^2$; 5-10мм, $700-800\text{кг}/\text{м}^3$; 5мм гача йирикликтеги күмда – $1000\text{кг}/\text{м}^3$ гача. Аглопарит чақир тошининг доналари орасидаги бўшиклик 50-60% ни (юқори сишафли учун 50% гача) ташкил этади. Дона зичлиги чақир тош уйилма зичлигига нисбатан 2 ва ундан кўп мартага ортади. Аглопорит чақир тошининг доналар ғоваклиги 40-60% ни ташкил этади.

Доналар шакли коэффициенти ўртача 2,5 дан ошмаслиги керак (юқори сифатли аглопорит учун -2). Керамзит шағалидан фарқли равишда аглопорит чақир тошда қўп микдорда очиқ ғоваклар (15-20%) бўлиб, бетонда сув ёки цемент қоришимаси билан тўлади. Бу цемент сарфини бир мунча ошишига олиб келади, бироқ тўлдирувчининг цемент қоришимаси билан яхши боғланишини ва мустаҳкамлигини ошишини таъминлайди. Натижада юқлри мустаҳкамлиқдаги аглопорит бетон олинади.

Аглопорит юқори даражада зичлиги ва мустаҳкамлиги бўйича бир жинслиги билан фарқланади, бу эса бетонда қўлланиши самарадорлигини оширади. Давлат стандартига кўра унинг узоқ муддатга чидамлилиги ва бардошлилигини таъминлаш мақсадида талаблар қўйилади. Аглопарит чақир тошининг бардошлилиги силикат нураш ва совуққа бардошлилиги билан текширилади. Ёнмаган ёқилғилар қолдиғи чегараланади. Аглопорит чақир тоши намунасининг қиздиришда масса йўқотиши 3% дан ошмаслиги керак. Аглопорит чақир тошида ёнмаган доналар микдорини чегаралаш учун натрий сирка кислота аралашмасида синов ишлари бажарилади, бунда уч цикл аралашмага солиш ва қуритишда масса йўқотилиши 5%дан ошмаслиги керак. Аглопорит қуми учун донадорлик таркиби нормага келтирилади. Қумнинг қиздиришда масса йўқотиши 5% гача рухсат этилади.


Аглопарит шағали ва қуми

Аглопорит чақир тоши ишлаб чиқариш технологияси каби аглопорит шағали ва қуми олинади. Аглопарит шағали учун асосий хомашё бўлиб, таркибида 4-15% ёқилғи қолдиғи мавжуд иссиқлик электростациялари кули хизмат қиласи. Юқорида келтирилган технологиядан фарқли равишда бир фракцияли (10-20мм) алоҳида шар шаклидаги доналар тарелка типидаги грануляторларда олинади (расм-14.1). Хом доналар масса таркибини 85-90% кул ва 10-15% гилли жинслар ташкил этади.



Расм-14.1. Тарелка типидаги грануляторнинг ишилаш схемаси:
а-комплект асбоб-ускуналарнинг кўриниши; б-айланувчи чашканинг юқоридан кўриниши; 1- қабул бункери; 2- таъминловчи; 3- бункер; 4- сув(қоришима) учун сизимли идиши; 5 – чашка; 6- чашка тагини тозаловчи пичоқ; 7- ортиши жойи; 8- сув(қоришима)ни тўкиши форсункаси; 9- тайёр гранулаларни тушириш жойи.

Ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси



Расм 14.2. ТЭС кули асосида хом гранулаларни тайёрлашнинг технологик схемаси.

Гилли жинс кул таркибига сувли суспензия шаклида киритилади. Гилли жинс гранулалар олишни енгиллаштиради, хом гранулалар мустаҳкамлигини оширади (пиширишгача транспортда узатишда бузилишини олдини олади). Агломерацион машинанинг колосникили панжараси устига дастлаб тайёр аглопарит шағали (машина пўлатини юқори ҳарорат таъсиридан сақлаш учун) ётқизилади, сўнгра хом гранулалар 200-250мм қалинликда тўшалади.

Машинанинг секциали горнида газ кўринишидаги ёқилғи ёқилади. Хом гранулалар юқоридан пастга қараб иссиқ газларни сўриб олиш натижасида қуритилади, ёндирилади ва пишади. Йирик донадорли гранулалар юқори газ ўтқазувчанлиги билан фарқланиб вакум камерада паст даражада ҳаво сўрилишида хам умумий масса таркибидан ўтадиган газлар катта миқдорни ташкил этади. Натижада пишаётган гранулалар таркибида тикланиш муҳити юзага келади, у эса пишган кичик ғовакли массани юзага келиши ва эришини таъминлайди, гранулалар юзаси эса ҳаво тасирида оксидланган муҳит сабабли эримайди. Шу сабабли гранулалар ораси паст мустаҳкамликда пишади. Агломерация машинада бир бутун масса (корж) юзага келмай, балки нисбатан сочилувчан қават олинади, майдалаш натижасида алоҳида юмалоқ шаклдаги ғовак мустаҳкам гранулалар (керамзитни эслатувчи) ишлаб чиқарилади.

Аглопоритни қўллаш соҳаси

Аглопарит асосан конструкцион енгил бетонлар олишда ишлатилади. Мустахкамлик чегараси 20-30 МПа ва баъзан 50МПа бўлган аглопорит бетон асосида қўшимча зўриқтирилган темир-бетон конструкциялар, том ёпма ва қаватлараро катта пролётли балка ва фермалар, кўприк қурилишида ва бошқаларга ишлатилади. Бу конструкциялардаги оғир бетонни енгил аглопорит бетон билан алмаштириш унинг самарадорлиги оширади. Аглопоритбетон конструкцион - иссиқликдан химояловчи материал сифатида хам қўлланилади.

Билимларни назорат қилиш учун саволлар.

1. Аглопорит ғовак тўлдиргичи шихта таркибини келтиринг?
2. Аглопорит чақир тошини олиш технологиясини келтиринг?
3. Аглопорит чақир тошининг физик-механикхусусиятларини келтиринг?
4. Аглопорит шағали ва чақир тошига қандай талаблар қўйилади?
5. Аглопорит чақир тошига қўйиладиган техник талабларни келтиринг?
6. Аглопорит шағали ва қумини олиш технологиясини келтиринг?
7. ТЭС кули асосида хом гранулаларни тайёрлашнинг технологик схемасини келтиринг?
8. Аглопоритни қўллаш соҳасини келтиринг?
9. Турли фракциядаги аглопорит қандай уйилма зичликни ташкил этади?
10. Аглопаритнинг донадорлик таркиби бўйича фракцияларга ажратиш, уйилма зичлиги асосида маркаларга бўлиш қандай бажарилади?

Шлакли пемза ишлаб чиқариш тнхнологияси

Шлакли пемза ишлаб чиқариш технологияси.

Шлакли пемза асосан домна шлакларидан олинади, кўмилган шлаклар эмас (бундай шлакларни қайта эритиш керак бўлади), балки бевосита домна печларидан чиқган қизиган – суюқ холатдаги шлак эритмаси қайта ишланади. Таннархига тўхталашибган бўлсак шлакли пемза – энг арzon сунъий ғовак тўлдирувчи ҳисобланади, табиийки, шлакли пемза бевосита металлургия саноати ривожланган худудларда ишлаб чиқарилади.

Шлакли пемза ишлаб чиқаришнинг бир нечта усувлари мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси шлак эритмасини сув ёрдамида қайта ишлашга асосланган.

Шлак эритмасининг (1300°C ҳароратгача) сув билан боғланишда қайнаб, пар ҳосил бўлади. Пар пуфакчалари шлак эритмасидан эркин чиқа олмайди, чунки эритмани совитишида унинг қовушқоқлиги ортади. Натижада у шишади, кўпчийди ва ячейкали структурага эга бўлган ғоваклашган массага айланади. Бу жараёнда асосий эътибор шлакнинг кимёвий таркиби, шлак эритмасининг қовушқоқлиги, ташки чўзилишини ифодаловчи синган газлар миқдорига берилади.

Шлак пемза чақиқ тошини саноатда ишлаб чиқаришнинг тўртта усули мавжуд:


Ховузда олиши усули шлакли пемзани ишлаб чиқариш қуйидагича амалга оширилади. Шлак эритмаси шлак узатувчи чўмичда ости оловга бардошли материал билан қопланган ваннадан иборат тўнкарувчи ховузга кўпчиши учун солинади.

Ховуз сифими ($16,5 \text{ м}^3$) шлак узатувчи чўмичдаги эритмани бирданига қабул қилиш имконини беради. Ховузнинг остидаги тешикдан сув берилади ва унинг фонтанли томчиларига шлак эритмаси қуйилади.

Шлак эритмаси кўпчийди ва қотади, ховуз тагига чўкиб, бўлаклар шаклида совийди, шундан сўнг бу масса майдаланади ва фракцияларга эланиб ажратилади (расм-15.1). Ишлаб чиқариш цикли чўмичда шлак эритмасини ховузга қувиш ва тўлдириш, кўпчиши (1,5-2 минут), совиши ва кристалланиши (сув қумаган ҳолда), ховузни бўшатиш ва уни кейинги циклга тайёрлаш 15-20 минутни ташкил этади. Олинган шлакли пемзанинг ҳажми 25m^3 гача ташкил этади. Шлак эритмасининг ғоваклаштириш режимини унинг таркибини ўзгаришига қараб тартибга солиш мумкин.


Хандақ-саҷратиши усули ўта содда ҳисобланади. Шлак эритмаси хандақса тушишидан олдин оловга бардошли қопламали трубадан узатилаётган сув таъсирига учрайди, кўпчийди ва ҳандақ тубига йиғилади. Совиган шлак экскаваторда қайта ишланиб майдалашга узатилади ва ундан сўнг эланиб фракцияларга ажратилади.

Бироқ бу усулда шлакли пемза ишлаб чиқариш истиқболли эмас, чунки олинган маҳсулотнинг сифати паст ва структураси бир жинсли бўлмайди.



Расм-15.1. Шлакли пемзани ҳовузда олишининг технологик схемаси:

1-кукунсимон қўшиимчаларни пурковчи машина; 2-шлак узатиш чўмичи; 3-тўнкарувчи ҳовуз; 4-махсус чуқурлик; 5-дастлабки омбор; 6-грейферли кўприк крани; 7-майдалаш-навларга ажратиш бўлимининг қабул жиҳози; 8-биринчи босқичли майдалаш; 9- иккинчи босқичли майдалаш; 10-грохот-элак; 11-шлакли пемза чакиқ тошини иккита маркага ажратувчи сепаратор.



Расм-15.2. Томчилаб сув-пурковчи қурилманинг схемаси:


1-қабул камерасининг девори; 2-йўналтирувчи латок; 3-сувли қатлам; 4-аралаштириши камераси; 5-иичи сегментли сопло.

Сув-пуркаш усули шлакли эритма массасини сув-ҳаволи аралашмали томчиларнинг кучли таъсирида алоҳида гранулаларга ажратиш, кейин эса ҳали суюқ гранулаларни шиддатли равишда сув-ҳаволи аралашмада қайта ишлаш ва кўпчишидан иборат. Шлак эритмасини ғоваклаштириш пурковчи қурилмада (расм-15.2) бажарилади.

Аралаштириш камерасида кўпчиған гранулалар экранга ташланади, у ердан эса шлак қабул ускунасига тушади ва бўлакларга ажратилади. Олинган шлакли пемза биржинсли майда ғовакли таркибга эга бўлиб, ғоваклари ўлчами 1мм гача ташкил этади.

Гидроэкран усули шлак эритмасини кетма-кет иккита сувли тарновда қайта ишлаш (расм-15.3) ни ўз ичига олади. Биринчи тарновда кўпчувчи шлак эритмаси сув томчилари билан биргаликда вертикаль экранга ташланади, у ердан акс эттирилиб иккинчи тарновга тушади, у ерда ҳам сув томчилари билан қайта ишланиб, пластинкали узатувчи орқали совитиш ва майдалаш учун жўнатилади. Бу усулда шлакли пемза чақиқ тошини ишлаб чиқариш технологик схемаси келтирилган.

Юқорида келтирилган барча усулларда ғовак чақиқ тош ва қум шаклидаги майдалангандан шлакли пемза олиш имкони мавжуд.




Расм-15.3. Гидроэкран усулида шлакли пемза ишлаб чиқариши ускунасининг схемаси: 1-қабул воронкаси; 2-гидромониторли насадка; 3-экран; 4-тарнов; 5-пластинкали узатувчи.


Шлакли пемза чақиқ тошининг доналари аглопорит сингари очиқ ғовакли ўткир бурчакли шаклга эга бўлиб, доналар орасидаги бўшлиқликнинг катталиги билан фарқланади.

Шлакли пемза ёпиқ ғовакли юмалоқ шаклдаги шағалини ҳам ишлаб чиқариш технологияси мавжуд. Шлакли пемза шағали (расм-15.4) муқаммалаштирилган томчилаб сув пуркаш ускунасида(сув-ҳаволи гранулятор) олинади. Шлак эритмасининг кўпчиган доналари қаршидаги сувли экранда йирик бўлакларга айланади.

Шлакли пемзани гидроэкран усулида ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси



Ҳали пластикли хусусиятларини йўқотмай олинган масса барабанли совитгичда қайта ишланади. Бу айланувчи бўйлама лопастли барабанда қўшимча кўпчиш, йирик бўлакларни алоҳида доналарга ажратиш ишлари бажарилади.



Расм-15.4. Шлакли пемза шагалини ишилаб чиқарии ускунасининг схемаси: 1-сув ҳаволи гранулятор; 2-қабул камераси; 3-барабанли совитгич; 4-бўшатиш камераси; 5-пар-ҳаволи ўтқазгич; 6-ёпқич; 7-вибротаъминловчи; 8-короб; 9-лентали конвейр

Шлакли пемзага қўйиладиган техник талаблар.

ЎзРСТ 680-96 “Металлургия шлаки асосидаги ғовак чақиқ тош ва қум (шлакли пемза)” техник талабларни ўзида мужассамлаштириб, унда асосан бошқа ғовак тўлдирувчиларга қўйилган аналогик меъёр ва талаблар келтирилган.

Фракцияланган шлакли пемза чақиқ тошининг доналар бўшлиқлиги 52% дан қўп бўлмаслиги, дона шакл коэффициентининг ўртача қиймати 2,5дан ошмаслиги керак. Стандартда шлакли пемза чақиқ тошини силикат нурашга қарши чидамлилигини синаш ҳам назарда тутилган.

Шлакли пемза чақиқ тошининг цилиндрда майдаланиш мустаҳкамлигига қўйилган талаб (жадвал-15.1) аглопорит чақиқ тошига қўйилган талабга яқинdir.

Шлакли пемза чақиқ тоши мустаҳкамлигига қўйилган талаб

Жадвал-15.1

Уйма зичлиги бўйича маркаси	Цилиндрда майдаланиш бўйича мустаҳкамлиги МПа, кам эмас	Уйма зичлиги бўйича маркаси	Цилиндрда майдала ниш бўйича мустаҳкалиги МПа, кам эмас
400	0.3	700	0.70
450	0.35	750	0.90
500	0.40	800	1.10
550	0.45	850	1.30
600	0.55	900	1.50
650	0.65		

Шлакли пемзанинг ғоваклари қанча катта бўлса, унинг мустаҳкамлиги ҳам шунча кичик бўлади, яъни керамзит ва аглопорит сингари мустаҳкамлик чегараси таҳминан дона зичлиги квадратига пропорционалдир.

Шлакли пемза донаси ячейкали таркибга эга бўлади. Ғовак ячейкаларнинг ўртача диаметри 1...2мм ни ташкил этади. Баъзи ҳолларда ғовак диаметри 5...6мм бўлган шлакли пемза ҳам олинади. Бундай пемза қотган кўпикни эслатади.

Бетон учун тўлдирувчи сифатида майдо ғовакли шлакли пемзани қўллаш яхши самара беради Шлакли пемза кўпчиши бўйича бир жинсли бўлмаган ҳолда олинади. Шу сабабли майдалангандан ва йириклиги бўйича навларга ажратгандан сўнг, яна қўшимча дона зичлиги бўйича тақсимлаш, уни ишлатиш самарадорлигини оширади.

Шлакли пемзани қўллаш соҳаси.

Шлакли пемза асосан тўсувчи конструкцияларда конструкцион-иссиқликдан ҳимояловчи бетонлар учун тўлдирувчи сифатида ишлатилади. Унинг кам иссиқлик ўтказувчанлигини инобатга олиб юқори зичликдаги шлакли пемза бетонини иссиқликдан ҳимоялаш хусусиятини пасайтирумасдан қўллаш мумкин. Масалан, керамзит бетон билан таққосланганда: зичлиги $1400\text{кг}/\text{м}^3$ бўлган шлакли пемзабетон иссиқлик ўтказувчанлиги зичлиги $1200\text{кг}/\text{м}^3$ бўлган керамзит бетонга tengdir.

Маркаси M700 ва M900 бўлган шлакли пемза турли хил юк кўтарувчи конструкциялар олишда юқори мустаҳкамлиқдаги бетон учун ишлатиш мумкин.

Бироқ шлакли пемза бетонда ишлатиладиган пўлат арматураларнинг шлакдаги мавжуд сульфат таъсирида емирилиши инобатга олиниши шарт. Шу сабабли дастлабки зўриқтирилган конструкция ишлаб чиқаришда, шлакли пемза бетонда арматураларнинг чидамлилиги маҳсус ўрганилиши керак.

Билимларни назорат қилиш учун саволлар.

1. Гидроэкран ва ҳовуз усулида шлакли пемза олишни тушунтиринг?
2. Шлакли пемза ғовак тўлдирувчи учун қандай хомашё қўлланилади?
3. Шлакли пемза ишлаб чиқариш усуларини келтиринг?
4. Шлакли пемза олишнинг технологик асосларини тушунтиринг?
5. Шлакли пемзани ҳовузда олишнинг технологик схемасини тушунтиринг?
6. Шлакли пемзани гидроэкран усулида ишлаб чиқаришнинг технологик схемасини келтиринг?
7. Шлакли пемза чақиқ тошини саноатда ишлаб чиқаришнинг тўртта усулини келтиринг?
8. Сув-пуркаш усулини келтиринг?
9. Хандақ-сачратиш усулини келтиринг?
10. Шлакли пемзанинг структураси қандай?
11. Шлакли пемзанинг қандай хусусиятлари ва таркиби мавжуд?
12. Шлакли пемза қандай соҳаларда ишлатилади?

13. Шлакли пемзанинг қандай маркалари мавжуд?
14. Шлакли пемза чақиқ тоши мустахкамлигига қандай талаблар қўйилади?

16-Маъзуза
Перлит ишлаб чиқариш технологияси

Хом ашёга қўйиладиган талаблар.

Сув таркибли шишасимон жинслар асосида сунъий ғовак тўлдирувчи-кўпчиган перлит ишлаб чиқаришда асосий хомашё материал бўлиб перлитлар ва қисман гидратланган обсидианлар хизмат қиласди. Унинг таркибида учувчан компонентлар 1,5 дан 10% гача ташкил этади.

Перлитлар ўзининг генезиси, структураси ва технологик хусусиятлари бўйича шартли иккита синфга бўлинади: А-ғовак, вулқон лавасининг совиши ва қотишида дастлабки ҳосил бўлган жинс; Б-массив, иккиласмчи шишасимон массанинг гидротация жараёнида таркибни ўзгартириши (асосан паст монтмориллонитли ва кристалланган) натижасида ҳосил бўлган жинс. Б синфга мансуб жинсларда учувчан компонентлар 2 дан 7% гача мавжуд бўлиб, бетон учун яроқли кўпчиган перлит ғовак тўлдирувчисини ишлаб чиқаришда кенг кўлланилади. Бу ғовак тўлдирувчи айланма, вертикал ва қайновчи қатлам печларида хомашёга термик ишлов бериб олинади.

Хомашё жинсларга қўйиладиган талаблар (жадвал-16.1) да келтирилган.

Кўпчиган перлит ишлаб чиқаришда хомашёга қўйилган талаблар

Жадвал-16.1

Кўрсаткичлар	Рухсат этилган чегараси						Аниқлаш усули	
	А-синф		Б-синф					
	Сифат гурухлари							
	I	II	III	I	II	III		
Таркибида оксидлар микдори, % масса бўйича: SiO ₂ Al ₂ O ₃ FeO+Fe ₂ O ₃ CaO K ₂ O+Na ₂ O				65-75 12-16 1 дан кўп эмас 3 дан кўп эмас 3,0-10,0			Кимёвий текшириш КМК бўйича	
Киздиришда масса йўқотиши, %				1,5-10,0			Намунани 1000 ⁰ Сда ўзгармас массагача киздириш	
Кўпчиш харорати, ⁰ C				1200 ⁰ C дан ортиқ эмас			Икки босқичли электр тажриба печларида техник ишлов бериш	

Кристалл аралашмалар (обсидиан, риолит ва гилли) микдори, % масса бўйича	5	7	10	5	10	20	Петрографик текшириш КМК бўйича
5-20мм дона ўлчами 5мм гача кўпчиган перлит тошининг зичлиги	350 гача	350-400	400-500	400 гача	400-800	800-1100	Тажриба электропечида кўпчиган перлит шағалини КМК бўйича синаш
Дона ўлчами 5мм гача кўпчиган перлит кумининг уйма зичлиги: (кг/м ³) а)тажриба шароитида б)ишлаб чиқариш шароитида	90 гача	90-120	120-150	120 гача	120-130	300-500	КМК бўйича тажриба вибропечида олинган кўпчиган перлит кумини синаш
	75 гача	150 гача	350 гача	100 гача	300 гача	500 гача	Саноат ишлаб чиқариш шароитида оптимал иссиқлик ишлов бериш

Перлитнинг Б синфга мансуб захираси Тошкент конида мавжуд.

А синфга мансуб перлит иссиқлиқдан ҳимояловчи ва конструкцион-иссиқлиқдан ҳимояловчи бетонлар учун ғовак тўлдирувчи, Б синфга мансуб перлит эса конструкцион-иссиқлиқдан ҳимояловчи ва конструкцион бетонлар учун ғовак тўлдирувчи олишда ишлатилади.


Гидратланган обсидианг бўш гидратланган масса шишага мансуб бўлиб, таркибида боғланган сув 0,3 дан 1% гача ташкил этади. Масалан обсидиан перлитли ва обсидиан жинсларини айланма печда куйдириш асосида уйма зичлиги 100 дан 400 кг/м³ гача чақиқ тош ва қум олинади. Кўпчиган перлит чақиқ тошининг сув шимувчанилиги 1 соат давомида масса ҳисобида 80% дан ошмаслиги керак.

Ишлаб чиқариш технологик схемаси.

Кўпчиган перлит ишлаб чиқарувчи корхоналар бир-биридан технологик схемаси, ишлатилаётган тоғ жинсларининг тайёрланиш даражаси (майдалаш ва

фракциялаш), хомашё материаллар хусусияти, тавсифи ва тўлдирувчини қўллаш соҳасига кўра асбоб-ускуналар бўйича фарқланади.

Кўпчиган перлит асосида чақиқ тош ва қум ишлаб чиқариш схемаси



Перлитга иссиқлик билан ишлов бериш.

Термик ишлов бериш фракциялар бўйича амалга оширилади. Бир вақтнинг ўзида олинадиган чақиқ тош учун ҳар бир фракциядан келиб чиқиб иссиқлик ишлов бериш қурилмалари танланади.

Мустаҳкам кичик сув шимувчанликка эга Б синфли перлит асосидаги тўлдирувчи олишда иссиқлик ишлови икки босқичли схемада бажарилади; А синфли перлит асосидаги ўта енгил қум олишда куйдириси ишлари бир босқичли схемада бажарилади. Перлитга иссиқ ишлов бериш хомашёни куйдирисида ёрилишини камайтиради, кўпчиган перлитнинг структурасини ва қўпчиш жараёнини яхшилайди, тайёр маҳсулотнинг мустаҳкамлигини оширади ва сув шимувчанликни камайтиради.

Перлит хомашёсида кимёвий боғланган сув термик ишловдан сўнг масса бўйича 1-3% ни ташкил этади. Термик ишлов айланма печларда қайновчи қатlam печларида ва бошқаларда бажарилади. Термик ишлов ҳарорати хомашё хусусиятлари ва кўпчиган перлитнинг берилган тавсифи асосида аниқланади: Б синфдаги перлитлар учун $300\text{-}600^{\circ}\text{C}$ атрофида бўлиб, газларнинг печга хом гранулаларни ортиш донасидаги ҳарорати 200°C , материалнинг кейинги исиши ҳарорати $15\text{-}20^{\circ}\text{C}/\text{мин}$ ташкил этади.

Иссиқлик тайёрлов печларида суюқ ва газ кўринишидаги ёқилғилар ишлатилади, шу билан бирга куйдириш печларидан чиқадиган газлар, бу газлар билан исиган ҳаво ҳам қўлланилади. Иссиқлик тайёрлов печларидан исиган материал ўз оқими ёки маҳсус қурилмалар ёрдамида куйдириш печларига узатилади. Иситилган материал турли конструкцияларга эга печлар (айланма, вертикал, қайновчи қават)да куйдирилади. Печнинг конструкцияси куйдирилаётган доналар ўлчами, тайёр маҳсулотнинг берилган хусусиятлари ва режалашибтирилган маҳсулдорлик бўйича танланади.

Майда перлит қумлари юқорида кўрсатиган барча конструкциядаги печларда куйдирилади, чақиқ тош ва йирик қумни куйдириш асосан айланма печда бажарилади, шу билан бирга қайновчи қатlam печлари ҳам қўлланилади. Вертикал печларнинг ишлаш принципи куйидагича: маълум баландликдан эркин тушаётган материал доналари газлар харакат тезлигининг етарлича ўзгаришида печнинг пастки конус қисмида туриб қолади, иссиқ газ таъсирида кўпчиди, йўналган газлар оқимида печдан ташқарига чиқарилади.

Вертикал печларда йириклиги 2мм гача, кўпинча 1,2мм гача майдаланган жинслар куйдирилади. Бу печда дастлаб жинслар иситилади, сўнгра бир неча секундгача пиширилади. Бу кўпчитилган қум доналарининг дарзилиги, юқори даражада очиқ ғоваклар ва сув шимувчанлиги (масса бўйича 500% га етади), кичик мустаҳкамлиги билан тушунтирилади.


Натижада хомашёнинг куйдиришдаги дарз кетишида доналарни катта қисмининг ўлчами 2мм дан ошмайди. Бир вақтнинг ўзида чақиқ тош ва қум ёки фақат чақиқ тошни куйдиришда айланма печлар қўлланилади, унинг ўлчами, айланиш тезлиги ва бурчак қиялиги берилган куйдиришнинг давомийлиги ва агрегатнинг маҳсулдорлиги бўйича танланади.

Перлит жинсининг йирик фракциялари (чақиқ тош ва йирик қум) печнинг ҳаракатланувчи қаватида, майда доналар эса осма ҳолатида куйдирилади. Қисқа муддатли куйдириш (20-60секунд) печ барабанинг катта тезликда (8-18 айл/мин) айланиши ва иккита форсунка ёрдамида газ алансининг йўналтирилиши натижасида эришилади.

Қайновчи қатlam печининг ишлаши худди суюлтирилган қатlamни қўллашга кўра асосланган. Бу печларда дона йириклиги 10мм гача, кўпинча йириклиги 5мм гача қумлар олинади.


Перлитга термик ишлов бериш икки камерали печда бажарилади, биринчи камерада дастлабки иситилади, иккинчисида эса куйдирилади. Куйдириш давомийлигини 5-15минутгача ўзгартириш мумкин.

Кўпчиган перлит ишлаб чиқариш технологик линиялари, маҳсулдорлиги 25, 50 ва 100минг $\text{m}^3/\text{йил}$ да, фракцияланган жинслар ва газ кўринишидаги ёқилғини қўллаш (расм-16.1, 16.2, 16.3) келтирилган.




Расм-16.1. Перлит қүмини вертикал печда ишилаб чықарииш жараёнининг технологик схемаси (тайёр маҳсулотларни 3та силосда жойлашуви пункттир чизиқларида күрсатилган):

1-лентали элеватор ЛГ-400; 2-тарелка типидаги таъминловчи Ø1300мм; 3-лентали конвейир ТК-13; 4-лентали элеватор ЛГ-160; 5-ёпқич (затвор); 6-диск типидаги таъминловчи; 7-иссиқликка тайёрлаши печи СМТ-178; 8-хаво хайдовчи вентелятор ВВД-8; 9-вертикал кўпчитиш печи (шахтали) СМТ-177; 10-циклон ЦН-15 Ø1400мм; 11-циклон ЦН-15 Ø900мм; 12-ёпқич таъминловчи СМТ-180; 13-ячейкали таъминловчи 300x300мм; 14-жасали ёпқич 400x400мм; 15-ҳўл чанг ушлагич ПВМ №5С; 16-марказдан қочма вентилятор ИП-7-40 №5; 17-ҳўл чанг ушлагич ПВМ-10С; 18- вентилятор ВВД №11; 19-мўри ДН-15.



Расм-16.2. Перлит чакиқ тоши ва қумининг айланма печда ишлаб чиқариш жараёнининг технологик схемаси:

1-лентали элеватор ЛГ-400; 2-тарелка типидаги таъминловчи Ø1300мм; 3-лентали конвейр ТК-13; 4-лентали элеватор ЛГ-160; 5-ёпқич; 6-диски таъминловчи ДЛ-6А; 7-иссиқликка тайёрлаш печи СМТ-178; 8-айланма кўпчитиши печи СМТ-179; 9-ҳаво хайдовчи вентилятор ВВД-8; 10-чўқтиргич; 11-циклон ЦН-15 Ø1000мм; 12-таъминловчи ёпқич СМТ-180; 13-элак бурат СМ-237м; 14-жасели ёпқич 400x400мм; 15-диски таъминловчи ДЛ-8А; (чақиқ тош ишлаб чиқарии); 16-ячейкали таъминловчи 300x300мм; (қум ишлаб чиқарии); 17-ҳўл чанг ушлагич ПВМ-5С; 18-марказдан қочма вентилятор ЦЛ-7-40 №5; 19-ҳўл чанг ушлагич ПВМ-20С; 20-марказдан қочма мўри НП-1м; 21- марказдан қочма мўри НП-1м; 22-конвейр.



Расм-16.3. Қайновчи қатлам пецида перлит чақиқ тоши ва қумини ишлаб чиқарыш жараёнининг технологик схемаси:

1-тўкувчи машина МВС-4; 2-лентали конвейр С-948; 3-лентали конвейр С-1002; 4-лентали элеватор ЛГ-400; 5- шибберга винтли йўналтирувчи ТПВ- 1А; 6-хомашё силоси, сизими 320m^3 ; 7-тарелкали таъминловчи $\varnothing 1300\text{мм}$; 8- лентали конвейр В-500; 9-лентали конвейр В-500; 10-шиберли ёпқич; 11-осма дискли таъминловчи ДЛ-6А; 12-лентали тарози ВЛ-1059м; 13-таъминловчи ёпқич СМТ-180; 14-икки зонали иссиқликка тайёрловчи печ ва қайновчи қатлам пецида куйдириши $\varnothing 1500\text{мм}$; 15-қайновчи қатламли совитгич $\varnothing 1000\text{мм}$; 16- қопланган циклон $\varnothing 1600\text{мм}$; 17-ҳаво хайдагич ТВ-80-1,2; 18-шелевой аппарат $850x650x700\text{мм}$; 19-якка циклон ЦН-15 $\varnothing 200\text{мм}$; 20-циклон ЦН-15 (олтита циклондан иборат гурух $\varnothing 500\text{мм}$); 21-гидродинамик чанг ушлагич ГДП-07-1Г; 22-чўқтирувчи камера $\varnothing 2500\text{мм}$; 23-якка циклон ЦН-15 $\varnothing 800\text{мм}$, бункерли; 24-элак бурат СМ-237М; 25-вентилятор ЦП- 10-28 №2,5 ; 26-енгли фильтр СМЦ-101-П; 27-винтли конвейр $\varnothing 200\text{мм}$; 28-вентилятор ВВД-8; 29- вентилятор ВДН-10; 30-вентилятор ЦП-7-40 №8; 31-тайёр маҳсулот силоси, сизими 60m^3 ; 32-осма дискли тамиловчи ДЛ-8А; 33-ячейкали таъминловчи $300x300\text{мм}$.

Перлит қуми ва чақиқ тошига термик ишлов берувчи печларнинг тавсифи жадвал -16.2 да келтирилган.

Перлит жинсларига термик ишлов берувчи иситиш агрегатларининг техник тавсифи (лойихавий маълумотлар бўйича)

Жадвал-16.2

Техникавий кўрсаткичлар	Термо тайёрлаш учун айланма печ СМТ-178	Куйдириш учун айланма печ СМТ-179
Ишлаб чиқариш маҳсул- дорлиги, кг/соат Перлит хомашёси	1600	1300

Кўпчиган перлит хидсиз ва биочидамли материал бўлиб, доналари йириклиги бўйича чақиқ тош ва қумга бўлинади. Перлит қуми ва чақиқ тошини бетон учун тўлдирувчи ва иссиқлик изоляция материали сифатида курилишда ишлатилади.

Билимларни назорат қилиш учун саволлар.

1. Кўпчиган перлит ишлаб чиқаришда хомашёга қандай талаб қўйилади?
2. Перлит ишлаб чиқариш технологик схемасини келтиринг?
3. Перлитга иссиқлик ишлов беришни тушунтиринг?
4. Иссиқлик тайёрлов печларида қандай кўринишидаги ёқилғилар ишлатилади?

5. Кўпчиган перлит асосида чақиқ тош ва қум ишлаб чиқаришни тушунтиринг?
6. Кўпчиган перлит чақиқ тошининг сувшимувчанлиги 1 соат давомида масса ҳисобида неча фоиздан ошмаслиги керак?
7. Кўпчиган перлит ишлаб чиқариш технологик линияларини тушунтиринг?
8. Кўпчитилган перлит қумига қандай талаблар қўйилади?
9. Перлит қумининг стандарт ва технологик хусусиятларини келтиринг?
10. Перлит жинсларига иссиқлик ишлов берувчи иситиш агрегатларининг техник тавсифини келтиринг?
11. Перлит чақиқ тоши ва қумининг айланма печда ишлаб чиқариш жараёнининг технологик схемасини тушунтиринг?
12. Перлитга иссиқлик ишлов беришни тушунтиринг?
13. Қайновчи қатлам печининг ишлаш принципини тушунтиринг?

17-маъруза

Бетонг учун ишлатиладиган тўлдирувчилар

Умумий маълумотлар

Бетонда йирик ва майда тўлдирувчилар қўлланилади. Доналари 5 мм дан каттароқ йирик тўлдирувчиларни шағал ва чақиқ тош турларига ажратилади. Бетондаги майда тўлдирувчилар табиий ва сунъий қум ҳисбланиади. Чақиқ тошни тоғ жинсларини майдалаш орқали олинади.

Курилишда аксарият оҳактош ва гранитдан олинган чақиқ тошлар ишлатилади. Шағал сирти текис ва шамолда нураган тоғ жинсларини ноаник аралашмасини ифодалайди. Одатда, доналари турли йириклиқдаги шағал-қум аралашмалар учрайди. Енгил бетонлар учун ғовакли тоғ жинсларидан олинган табиий чақиқ тош (туф, пемза ва бошқалар) ёки кўп ҳолларда маҳсус сунъий тайёрланган тўлдирувчилар ишлатилади (керамзит, аглопорит, шлакли пемзаси ва бошқалар).

Қум ўзида уваланган майда заррали таркибни ифодалаб, у тоғ жинсларининг шамол таъсирида нураши натижасида юзага келади. Аксарият минералларнинг зарралари аралашган кварц қумлари, кам ҳолларда эса дала шпатли ва оҳактошлилари учрайди. Баъзан қумни тоғ жинсларини маҳсус майдалаш йўли билан олинади. Бироқ бу усулда табиийга нисбатан таннархнинг ортиб кетиши сабабли маҳсус мақсадлардагина қўлланилади.

Тўлдирувчи бетоннинг киришишини олдини олади ва бу билан узоқ муддат чидайдиган материални олиш имконини беради. Цемент тошининг қотиш жараёнидаги чўкиши 1-2 мм/м ни ташкил этади. Нотекис чўкиш деформациялари сабабли ички зўриқишилар ва хатто микроёриқлар юзага келади. Тўлдирувчи чўкиш деформацияси зўриқишини қабул қиласи ва цемент тошига нисбатан бир неча баробар чўкишни камайтиради.

Ғовак табиий ва сунъий тўлдирувчилар кам зичликка эга бўлиб, енгил бетоннинг зичлигини камайтиради, унинг иссиқлик тутувчанлик хусусиятини

яхшилайди. Махсус бетонларда (юқори ҳароратга чидамли, нурланишдан ҳимоялаш ва бошқалар) тўлдирувчининг аҳамияти жуда катта, чунки уларнинг хусусиятлари асосан бундай бетонларнинг махсус сифатларини аниқлаб беради.

Силикат бетонларда тўлдирувчи ўзининг одатдаги тадбиқидан ташқари ўзига хос муҳим аҳамият касб этади. Унинг доналарининг сирти боғловчи модда билан таъсирилашади ва кўп ҳолларда олинаётган бетоннинг хусусиятлари уларнинг минералогик таркибига ва нисбий юзасига боғлиқ бўлади.

Бетон тўлдирувчилари

Тўлдирувчининг нарҳи бетон ва темир-бетон конструкциялари нарҳининг 30-50 % (баъзи ҳолларда янада кўпроқ) га тўғри келади. Шунинг учун келтириш осон бўлган ва арzon маҳаллий тўлдирувчилар қатор ҳолларда қурилиш нарҳини, транспорт ҳаражатлари ҳажмини камайтиришга ва қурилиш муддатларини қисқаришига олиб келади.

Бетон учун тўлдирувчиларни тўғри танлаш, уларни меъёрида қўллаш – бетон технологиясида аҳамиятли масалалардан бири ҳисобланади. Бетон учун мўлжалланган тўлдирувчиларга бетон таркиби таъсир этувчи хусусиятлардан келиб чиқиб тегишли талаблар кўйилади. Бетоннинг хусусиятига тўлдирувчининг донадорлик таркиби, мустаҳкамлиги ва тозалиги нисбатан аҳамиятли таъсир кўрсатади.

Донадорлик таркиб тўлдирувчидаги турли йириклиқдаги доналар миқдорини кўрсатади. Бу миқдорни тўлдирувчидан олинган намунани тешиклари 0,14-70 мм ва ундан ҳам йирикроқ стандарт элаклардан ўтказиб аниқланади. Тўлдирувчилар турли ўлчамдаги доналарга эга одатдаги ва фракцияланган турларига бўлинади. Фракцияланган тўлидирувчининг доналари алоҳида фракцияларга ажралган, ўлчамлари эса бир-бирларига яқин, масалан 5-10 мм ёки 20-40 мм дан иборат. Тўлдирувчины энг кичик йириклиқдаги ёки энг катта йириклиқдагилари бўйича характерлайдилар. Бу ҳолда тўлдирувчи доналарининг нисбатан энг кичик ёки энг катта ўлчамларига қараб тушунилади. Тўлдирувчидаги алоҳида йирик ёки майда доналар учраши мумкин, бироқ уларнинг миқдори 5 % дан ошмаслиги керак.

Агарда донадорлик таркибда барча ўлчамлардаги, хусусан энг майдасидан энг йиригигача доналар мавжуд бўлса бу таркиб узлуксиз таркиб дейилади. Агарда тўлдирувчидаги қандайдир бир оралиқ ўлчамлардаги доналар мавжуд бўлмаса бундай донадор таркиб узлукли таркиб деб аталади.

Тўлдирувчининг оптимал (энг мақбул) донадорлик таркибини белгилаш бўйича жуда кўп тавсиялар мавжуд. Кўпчилик тадқиқотчилар узлуксиз донадор таркибни самаралироқ деб биладилар. Узлукли таркибли қоришмалардан ўртacha ўлчамлардаги фракцияларни олиб ташланганда ғовакликнинг камайиши таъминланади. Бироқ, ундаги йирик доналар орасида сиқилиб қолган майда доналарнинг ҳаракатчанлиги чегараланади ва маълум даражадаги ҳаракатчан бетон қоришмасини олиш учун доналарни цемент ҳамири билан қалинроқ қамраб олиш зарурати туғилади. Узлуксиз донадор таркибли қоришмаларда эса

бу қатlam юпкароқ бўлиши кузатилади ва узлукли жараёнда тўлдирувчидаги майда фракцияларнинг ҳажми, ҳамда тўлдирувчининг нисбий юзаси ортиб боради. Натижада доналарни қамраб олиш учун цемент сарфи ортади ва тўлдирувчининг бўшлиқларини камайтириш ҳисобига цементни иқтисод қилиш имконияти камаяди. Бундан ташқари узлукли донадорлик таркибининг қатламланишга моиллиги бўлиб, бу бетонинг бир жинслилигига салбий таъсир кўрсатади.

Тўлдирувчининг узлуксиз донадорлик таркибини танлаш учун турли самарали элаш эгрилари таклиф этилган. Бир вақтнинг ўзида бўшлиқлари минимал даражадаги ва энг кам доналар нисбий юзасига эга бўлган қоришмани олиш мумкин бўлмаганлиги туфайли (минимизацияни фақат бир омил орқали ўтказиш мумкинлиги сабабли), идеал эгрини қуидаги шартдан олиш мумкин. Бунинг учун қоришмадаги бўшлиқлар микдори ва доналарнинг юзалари йифиндиси маълум даражадаги ҳаракатчанликка эга бўлган бетон қоришмасини ва мустаҳкам бетонни олиш учун минимал микдордаги цементни талаб этиши керак. Идеал эгри бўйича турли ўлчамлардаги доналарни танлаш ва солиширишда ўша цемент сарфи билан қатламланишга моиллиги камроқ ва янада ҳаракатчанроқ қоришмалар олинади.

Бундай идеал эгриларга мисол сифатида қуидаги Фуллер ва Боломейлар томонидан таклиф этилган тенгламани келтириш мумкин:

$$y = k_{\phi} + (100 - k_{\phi}) \sqrt{x/D_{ceg}}, \quad (17.1)$$

бу ерда: k_{ϕ} – шакл коэффициенти; $k_{\phi}=8-14$; x – берилган фракциядаги доналар ўлчами; D_{ceg} – тўлдирувчининг чегаравий йириклиги.

Амалиётда аниқ идеал эгри бўйича тўлдирувчилар таркибини танлаш учун шағал ва қумни элаш каби қўшимча жараёнлар талаб этилади. Алоҳида фракциядаги материаллар(ашёлар)нинг бир қисми ортиб қолиши ва бошқа фракцияларни тўлдириш учун эса қўшимча майдалаш талаб этилади. Шунинг учун амалиётда бу усул кенг тадбиқ этилмаган.

Темир-бетон заводлари ёки қурилиш обьектларида тўлдирувчининг донадорлик таркибини танлашда зарур микдорда аниқланган қум ва шағалдан фойдаланилади ва бунда қум ва алоҳида олинган шағал фракциялари орасидаги нисбат имконият даражасида идеал эгрига яқинлашиши лозим. Бироқ, бу нисбатнинг идеал эгрига аниқ мос тушиши талаб этилмайди. Катта бўлмаган номутаносибликларга йўл қўйилиши мумкин. Донадор таркибни ёмонлашувини қатор технологик усуллар ёрдамида компенсациялаш мумкин. Бу усуллар билан бетоннинг нархи туширилади ва транспорт-тайёрлов ҳаражатлари камайтирилади. Шунинг учун стандартлар ва техник кўрсатмаларда бир неча турли донадорлик таркиблар тавсияси кўрсатилади ва тўлдирувчи қоришмасининг хусусиятларини аҳамиятли даражада ёмонлашувни кузатилмайдиган, алоҳида фракциялар нисбатида маълум даражадаги ўзгаришларга имкон берилади. Масалан, қум учун донадорлик таркиб қуидаги чегараларда бўлиши зарур:

Элак тешигининг	5	2,5	1,25	0,63	0,315	0,14	0,14дан
-----------------	---	-----	------	------	-------	------	---------

ўлчами, мм							
Элақдаги түлиқ қолдиқ, масса бүйича % хисобида	0	0-20	15-45	35-70	70-90	90-100	0-10

Күмнинг донадорлик таркибини шартли ифодалаш учун M_k - йириклик модулидан фойдаланадилар. Бу модуль стандарт элакларда қолган қолдиқларнинг тўлиқ йигиндисини (% хисобида) 100 бўлинган ҳолида ифодалайди. Күмларнинг йириклик модули 2,1 дан 3,25 га қадар ўзгариши мумкин. Бироқ мос ҳолдаги техник-иктисодий ва технологик асосланганда янада майда ва арzon маҳаллий қумлардан фойдаланиш мумкин ($M_k=1,2-2,1$). Йириклик модулига кўра қумларни йирик, ўрта, майда ва ўта майда ёки майин турларга ажратилиди (мос равишда $M_k=2.5-3.5; 2-2.5; 1.5-2; 1-1.5$, элақдаги тўлиқ қолдиқда 0,63мм-50-75, 35-50, 20-35, 20%дан кам). Йириклик модули қумнинг бетон хусусиятига факат тақрибий баҳо бера олади, чунки турли донадор таркибдаги қумлар бир хилдаги йириклик модулига эга бўлиши мумкин.

Зич тоғ жинсларидан олинган шағал ва чақиқ тошнинг донадорлик таркиби уларнинг чегаравий йириклиги турли (20, 40, 60, 70 мм) бўлганлиги учун энг кичик ва энг йирик ўлчамларидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

Жадвал-17.2

Элак тешикларининг ўлчамлари, мм	$D_{\text{кич}}$ 5 мм	$D_{\text{кич}}$ 10 мм	0,5 $D_{\text{кич}}+D_{\text{кат}}$		$D_{\text{кат}}$
			бир фракция учун	Фракциялар аралашмаси учун	
Тўлиқ колдиқлар, %	95-100	90-100	40-80	50-70	0-10

Тўлдирувчини оптимал донадорлик таркиби аксарият, нафақат қум ва чақиқ тошнинг донадорлик таркибига, балки уларнинг ўзаро тўғри нисбатини танлашга ҳам боғлиқ.

Бу нисбатнинг тўғри танланишига фақат бетон таркибини ҳисобга олиш билан эришиш мумкин, хусусан цемент ва сувнинг микдорини тўғри танлаш орқали эришилади. Ўрта ва паст маркали, цемент сарфи $200\text{-}300 \text{ кг}/\text{м}^3$ бўлган бетонларда бетон қоришимасининг энг яхши ҳаракатчанлик кўрсаткичини идеал элаш эгрисига яқин бўлган донадорлик таркиб таъминлайди. Цемент сарфи кўп бўлган юқори мустаҳкамликдаги ва бикир бетон қоришималарида қум ҳажми ёки тўлдирувчининг майда фракцияларини умумий ҳажмга нисбатан тўлдирувчини аниқ хусусиятлари ва бетон таркибидан келиб чиқкан ҳолда камайтириш мақсадга мувофиқ.

Тўлдирувчининг бўшлиги билан донадорлик таркиб бевосита боғлиқ бўлиб, унинг зич жойлашувчанлик имкониятлари билан аниқланади. Шунингдек, тўлдирувчи доналарининг шакли бўшлиқлиликка таъсир кўрсатади. Тўлдирувчининг бўшлиқлилиги – аҳамиятли жиҳат бўлиб, у цемент сарфи (қанчалик бўшлиқлар кўп бўлса шунчалик цемент сарфи ортади) ва

бетон хусусияларига маълум даражада таъсир этади. Назарий нуқтаи назардан тўлдирувчидаги бўшлиқлар ҳажми ундаги доналарнинг йириклигига эмас, балки доналарнинг шаклига, уларнинг жойлашиш зичлиги ва қуишишига боғлиқ. Бу фракциядаги тўлдирувчининг бўшлиқлиги 0,3 дан 0,48 гача ўзгаради.

Амалда нисбатан кўпроқ ёки камроқ зичлаб қуиши деган тушунча мавхумдир; қуишининг қандайдир оралиқ системаси маъно касб этади ва шунга кўра ўртача бўшлиқ зичлаштириш даражасига кўра аниқланади. Доналарнинг қирралари кўпайиши билан бўшлиқлар ҳосил бўлиш эҳтимоли ортади. Аксарият, узунчоқ кўринишдаги (игнасимон, япаски) доналар қўлланилганда бўшлиқ ортиб кетади. Шунинг учун бундай доналарнинг шағалда ёки чақиқ тошдаги миқдори оддий оғир бетонларда 35% дан, йўл қурилиши учун мўлжалланган шағалда эса 25%дан ошиб кетмаслиги зарур (япаски доналар бетоннинг мустаҳкамлигига салбий таъсир кўрсатади).

$$V_{бўш1} = B_{a.й} V_{д.й} - V_{д.м} = B_{нис.й} V - V_{д.м} \quad (17.2)$$

Майда фракцияга бўшлиқлари бўлмаган йирик доналар қўшилганда ҳажмнинг бир қисмини йирик доналар билан тўлдириши ҳисобига тўлдирувчининг бўшлиқлиги қуидаги формулага мос ҳолда камаяди:

$$V_{бўш2} = B_{a.m} V_{д.м} = B_{нис.м} (V - V_{д.й}) \quad (17.3)$$

17.3-формула $V_m < B_{a.й} \cdot V_{д.й}$ шарти бажарилганда, яъни майда фракциянинг ҳажми йирик фракциянинг бўшлигидан ортиб кетмаганда қўлланилади. Формула $V_m > B_{a.й} \cdot V_{д.й}$ шарти бажарилганда, яъни йирик фракциядаги бўшлиқ ҳажмига нисбатан қумнинг ортиб кетишида қўлланилади. Назарий жиҳатдан энг кам бўшлиқлар ҳажмини қуидаги формуладан аниқлаш мумкин

$$V_{бўш n \min} = B_{нис.м} B_{нис.й} V \quad (17.4)$$

Ҳақиқатда эса, минимал бўшлиқлар ҳажми $V_{бўш n \min}$ ҳардоим нисбатан кўпроқ ва бунинг сабаби доналарнинг амалда идеал тақсимланишига эришиб бўлмаслигидир.

Агарда қориширилаётган фракциялар бир биридан катта фарқ қилмаса, майда доналарнинг ўлчамлари йирик доналар орасидаги бўшлиқларнинг ўлчамларидан катта бўлади ва майда доналар бўшлиқларга жойлаша олмай йирик тўлдирувчини бир оз суриб юборади. Натижада бутун системанинг бўшлиқлиги камайиш ўрнига ортиб кетиши мумкин. Нисбатан икки фракцияли зич аралашма тайёрлаш учун бир фракция доналарининг ўлчамлари иккинчи фракция доналарининг ўлчамларидан 6,5 баробар кичик бўлиши керак (йирик тўлдирувчи ва қумнинг аралашмаси). Бироқ, узлуксиз донадор таркибли тўлдирувчилар кенг тарқалган. Уларнинг маълум миқдорда бўшлиғи кўпроқ, лекин қатламланиб қолмайди ва амалиётда кўп учрайди.

Тўлдирувчилар аралашмасини бўшлиғи 20 дан 50%га қадар ўзгариб туради. Бетонда бўшлиқлиги энг кам ва бир неча фракциялардан ташкил топган тўлдирувчиларни қўллаган маъқул.

Монолит бетон олиш учун цемент ҳамири нафакат доналар орасидаги бўшлиқларни тўлдириши, балки қуюқ цемент қатламини ҳосил қилиш мақсадида доналарни орасини очиши талаб этилади. Бундай қобиқни ҳосил қилиш учун цемент сарфи тўлдирувчининг солиштирма юзасига боғлиқ

бўлиб, доналар ўлчамларини камайиши билан ортиб боради. Натижада тўлдирувчининг солиштирма юзаси катталашиши билан бетон қоришмасининг техник қовушқоқлиги ортади. Демак, қоришманинг маълум даражадаги қуюқлигига ёки ҳаракатчанлигига эришиш ва белгиланган мустаҳкамликдаги бетонни олиш учун сув ва цемент сарфини оширишга тўғри келади.

Тўлдирувчининг мустаҳкамлиги у олинган тоғ жинсининг мустаҳкамлиги билан аниқланади. Мустаҳкам тоғ жинсларидан олинган тўлдирувчилик (гранит, диабаз ва бошқалар) юқори мустаҳкамликка эгалар (80 МПа ва ундан юқори). Чўкма тоғ жинсларидан олинган тўлдирувчилик масалан, оҳактошдан олинган тўлдирувчилик 30 МПа ва ундан юқори мустаҳкамликка эга. Енгил ғовакли табиий ва сунъий тўлдирувчиларнинг мустаҳкамлиги, уларнинг зичлигига боғлиқ бўлиб, мустаҳкамлиги 2-20 МПа ни ташкилэтади.

Йирик тўлдирувчи бетон мустаҳкамлигига кам таъсир кўрсатади, агар унинг мустаҳкамлиги бетонга нисбатан 20% ортиқ бўлса. Бирок тўлдирувчида алоҳида заиф доналар учраши мумкин, шунинг учун ишонч ҳосил қилиш мақсадида, одатда, тоғ жинсининг мустаҳкамлиги бетон мутаҳкамлигига нисбатан 1,5-2 баробар ортиқ бўлиши тавсия этилади (2-нисбат M300 ва ундан юқори маркали бетонлар учун қўлланилади).

Бир вақтнинг ўзида тўлдирувчининг ғоваклигини орттирадиган ва қатор ҳолларда сиқилишга мустаҳкамликни пасайтириб юборадиган япалоқ ва игнасимон доналарнинг таркибдаги микдори чегараланади. Бундай доналарнинг микдори одатдаги тўлдирувчида – 35 %, доналарининг шакли яхшиланган чақиқ тошда – 25 %, кубсимон шакли доналарда – 15 %дан ошмаслиги керак.

Амалиётда (қурилиш ёки заводда) одатда бир турдаги чақиқ тошни турли маргадаги бетонлар учун қўлланади. Шунинг учун чақиқ тош маркасини тоғ жинсининг петрографик таркибидан келиб чиқиб, уни ишлаб чиқаришдаги техник-иктисодий самарадорликни ҳисобга олган ҳолда ва нисбатан қўп ишлаб чиқариладиган маргадаги бетонлар таъминоти учун мустаҳкамлигига кўра меъёрлаштирилади (M 150 –M 300). Одатдаги бетон учун отқинди тоғ жинсларидан олинган чақиқ тош маркаси – 800, метаморфик жинслар учун – 600, чўкинди жинслар учун - 300 дан кам бўлмаслиги талаб этилади. Йўл қурилиши учун қўлланиладиган бетон учун отқинди ва чўкинди тоғ жинсларидан олинган чақиқ тошнинг маркаси 800дан кам бўлмаслиги керак.

Шағал ёки чақиқ тошдан синаш учун намуналар тайёрлаш мураккаблигини инобатга олиб, тўлдирувчининг мустаҳкамлигини билвосита, 150 мм диаметрли пўлат цилиндр билан 200 кН босим остида майдаланишига кўра аниқланилади. Бу ҳолда намуна оғирлигининг йўқотилиши майда элаш билан аниқланилади. Тўлдирувчининг майдаланувчанлигига материалнинг чўзилишга мустаҳкамлиги ва заиф доналарнинг мавжудлиги катта таъсир кўрсатади. Бетонга босим билан таъсир этилганда тўлдирувчи ҳам чўзилиш жараёнидан майдаланади. Шунинг учун майдаланиш маълум даражада йирик тўлдирувчининг бетон мустаҳкамлигига таъсири эҳтимолини олдиндан аниқлаш имконини беради. Чақиқ тошнинг маркасини майдаланувчанлик кўрсаткичига боғлиқ ҳолда ва бошлангич тоғ жинсининг

кўринишига қараб аниқланади. Масалан, 800 маркали эффузив отқинди ва чўкинди жинсларнинг майдаланувчанлик кўрсаткичи 13-15, 600 маркалида – майдаланувчанлик кўрсаткичи 15-20 ни ташкил этади. М 200 ва ундан паст маркали бетон учун майдаланувчанлик кўрсаткичи Мк-16дан катта бўлмаган маркали, М300 маркали бетон учун Мк-12, М400 маркали бетон учун эса Мк-8 дан катта бўлмаган маркали чақиқ тошни қўллаш мумкин.

Агарда тўлдирувчининг мустаҳкамлиги бетон мустаҳкамлигига яқин ёки ундан паст бўлса, у бетонга сезиларли таъсир кўрсатади. Расм-6.2 да R_b – бетон мустаҳкамлигининг R_k – қоришма ва тўлдирувчи мустаҳкамлиги орасидаги боғланиш кўрсатилган. Гранит чақиқ тоши асосидаги бетоннинг мустаҳкамлиги

$R_t > R_b$ шарти қониқтирилганда қоришманинг мустаҳкамлигидан сезиларли даражада юқори бўлади, R_t -тўлдирувчи мустаҳкамлиги. Нисбатан пастроқ мустаҳкамлидаги тўлдирувчи қўлланилиб, қоришма мустаҳкамлиги ортирилганда бетоннинг мутаҳкамлиги маълум бир қийматгача ортиб боради, кейин эса қоришманинг мустаҳкамлигини ортириш бетон мустаҳкамлигини ортишига олиб келмайди. Йирик тўлдирувчи мустаҳкамлигини камайиши ва унинг бетондаги миқдорини ортиши билан бетоннинг чегаравий мустаҳкамлиги камайиб боради.

Енгил тўлдирувчининг мустаҳкамлигини аввал айтилган тажрибадаги каби 150 мм ли пўлат цилиндрда босим бериш йўли билан аниқланади. Бироқ, қаттиқ жинслардан олинган чақиқ тошдан фарқли равишда енгил бетон учун баландлиги 100 мм бўлган бир қисм материални сиқиши жараёнида поршеннинг 20 мм га чўкиши орқали нисбий мустаҳкамлик аниқланади. Керамзитнинг нисбий мустаҳкамлиги 3 – 5, агропоритники эса 20 – 30 марта табиий материал мустаҳкамлигидан кам.

Тўлдирувчининг мустаҳкамлиги доналар йириклигига ҳам боғлиқ. Тоғ жинсларини нураши ёки майдалаш жараёнида бузилиш материал структурасининг заиф жойларида юзага келади ва ўлчамларнинг кичиклашиши билан доналардаги заиф жойлар камаяди, айни пайтда мустаҳкамлик орта боради. Табиий қумлар одатда сиқилиш ва чўзишишга қоришма ёки бетондаги цемент тошига нисбатан юқорироқ мустаҳкамликка эга бўладилар. Шу сабабли оддий қумларга махсус талаблар қўйилмайди. Енгил қумнинг мустаҳкамлиги эса енгил йирик тўлдирувчи каби бетон маркасига ва тўлдирувчининг кўринишига мос ҳолда тайинланади.

Шағал ва чақиқ тошнинг совуққа чидамлилиги унинг тузилишига боғлиқ. Совуққа чидамлиликни даврий ўзгарувчан музлатиш ва сувда эритиш йўли билан ёки натрий сульфат эритмада синаш билан аниқланади (тезлаштирилган усул). Шағал ва чақиқ тошнинг совуққа чидамлилиги уларнинг ташқи атмосфера шароитларидан ҳимояланмаган конструкцияларда қўллаш учун меъёрлаштирилади. Бу ҳолларда йирик тўлдирувчининг совуққа чидамлилиги бетонни лойиҳада талаб этилган совуққа чидамлилик маркасини таъминлаши керак.

Чақиқ тошнинг совуққа чидамлилиги C_{ob} 15 дан C_{ob} 300 гача ўзгаради ва жинснинг тузилишига боғлиқ бўлади. Тўлдирувчининг ғоваклилиги ва сувшимувчанлиги ортиши билан унинг совуққа чидамлилик хусусияти камаяди.

Бетоннинг мустаҳкамлиги ва тежамлилигига тўлдирувчининг тозалиги катта таъсир кўрсатади. Чангсимон ва хусусан лойсимон аралашмалар доналар юзасида цемент тоши билан боғланишига монеълик қилувчи қобиқ ҳосил қиласи. Натижада бетоннинг мустаҳкамлиги сезиларли даражада пасайиб кетади (баъзан 30-40 % га). Шу сабабли тўлдирувчилар хусусидаги меъёрий хужжатларда уларда ифлослантирувчи қўшимчаларнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган чегаравий микдорлари кўрсатилган. Отқинди тоғ жинсларидан олинган чақиқ тошдаги аралашмалар сув билан тозалаш усулида аниқланади ва М300 маркали бетон учун бу микдар 1%ни, янада пастроқ маркали (мустаҳкамлиги паст) бетонлар учун эса 2% микдорида бўлишига рухсат этилади. Чўкинди жинслардан олинган чақиқ тошларда аралашмаларнинг умумий микдори 2 ва 3% ошмаслиги керак. Шағалда ифлослантирувчи аралашмаларнинг микдори 1% дан кўп бўлмаслиги, табиий қумда эса 3 % дан ошмаслиги керак. Қумда шунингдек органик заарли моддаларнинг микдори ҳам чегараланади ва улар маҳсус синовлар ўтказиш билан назорат қилинади (колориметрик текширув).

Ифлос ва сифатсиз тўлдирувчининг бетонга таъсирини цемент сарфини ошириш билан назорат қилиш мумкин эмас.

Бетон учун тўлдирувчини танлашда одатда унинг бетон қориши маси хусусиятларига ва бетонга умумий таъсирини инобатга олишга тўғри келади. Бетонда шағал ёки чақиқ тошни максимал имконият даражасидаги йириклиқда қўллаш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу ҳолда тўлдирувчи энг кам солиштирма юзага эга бўлгани учун конструкцияни бетонлаш шартлари бажарилади. Талаб даражасидаги бетон қориши масини қўйиш ва зичлаштириш мақсадида конструкциянинг минимал ўлчамларидан шағал ёки чақиқ тош $\frac{1}{4}$ баробардан йирик бўлиши мумкин эмас ва бу ўз навбатида темир -бетон конструкциясида арматура стерженлари орасидаги минимал ўлчамлардан кичикроқ бўлиши талаб этилади. Плиталар, поллар ва ёпмаларни бетонлашда шағал ёки чақиқ тошнинг максимал йириклиги плита қалинлигига нисбатан $\frac{1}{2}$ нисбатида бўлиши керак.

Йирик тўлдирувчининг бўшлигини камайтириш мақсадида, агарда чегаравий мумкин бўлган йириклик имконияти мавжуд ҳолларда бир неча фракциялардан иборат қориши масини беради. Бироқ, у цемент тоши билан суст боғланади. Шунинг учун шағални паст маркали бетонларда қўлланилади. Бундан ташқари шағал лойсимон ва бошқа аралашмалар билан ифлосланган бўлади ва натижада уни ювиш талаб этилади.

Юқори мустаҳкамлидаги бетонлар учун мустаҳкам чақиқ тошдан фойдаланилади. Бундай чақиқ тош цемент тоши билан ишончли боғланади. Шағал силлиқ юзага эга ва шунинг учун у янада ҳаракатчанроқ бетон қориши масини беради. Бироқ, у цемент тоши билан суст боғланади. Шунинг учун шағални паст маркали бетонларда қўлланилади. Бундан ташқари шағал лойсимон ва бошқа аралашмалар билан ифлосланган бўлади ва натижада уни ювиш талаб этилади.

Бетон учун йирик донали қумдан фойдаланиш яхши натижада беради. Бироқ, қум таркибида йирик зарраларнинг учраши бўшлиқликни ошишига сабаб бўлиши мумкин (40 % гача) ва бу бўшлиқларни цемент ҳамири билан тўлдиришга тўғри келади. Бунинг натижасида цемент сарфи ва бетоннинг таннархи кўпайиб кетади. Шунинг учун энг яхши натижаларни таркибида ўзаро

оптималь нисбатдаги йирик, ўртача ва майда зарралари бўлган қум беради ва бундай нисбатдаги қум минимал бўшлиқни таъминлайди. Сифати юқори бўлган қумда бўшлилик 38% дан ошмаслиги керак. Оптималь донадорлик таркибда бу кўрсаткич 30 % гача камаяди.

Агар бетон ёки қоришмада қум доналари орасидаги бўшлиқларни фақат цемент ҳамири билан тўлдирилса, кам ҳаракатланувчан, қуйилиши оғир кечадиган бикир қоришма юзага келади.

Қум доналарини бир биридан ажратиш ва уларни цемент қобиғи билан ўраб олиш зарур ва бу қобиқ қоришма ёки бетон қоришмасининг ҳаракатчанлигини таъминлайди. Қум қанчалик йирик бўлса доналар солиштирма юзаси камайиб, қобиқ ҳосил қилиш учун кетадиган цемент сарфи иқтисод қилинади. Бироқ, юқорида таъкидланганидек фақат йирик доналардан иборат бўлган қум катта миқдордаги бўшлиқларга эга бўлиб уни қўллаш мақсадга мувофиқ эмас.

Бетон тайёрлаш учун таркибида майда ва ўртача йириклиқдаги зарралари бўлган йирик қум танланиши тавсия этилади. Бундай аралаш ҳолдаги доналарда бўшлиқлар камайиб, доналар юзаси катта бўлмайди. Бундай ижобий қум таркиби ЎзРСТ тавсиясига мос тушади.

Нотекис юзага эга бўлган қумдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бундай қум цемент тоши билан яхши боғланади ва бетоннинг мустаҳкамлигини ошишига олиб келади. Қумни ювиш жараёни мураккаб ва қиммат бўлганлиги сабабли олинаётган қум имкон даражасида тоза бўлиши тавсия этилади. Одатда дарё қуми афзал деб билинади.

Қумнинг зичлиги унинг хақиқий зичлигига, бўшлиқлигига ва намлигига боғлиқ бўлиб, қуруқ ва сочиувчан ҳолатда аниқланади. Сувга тўйинган ҳолда музлаш эҳтимоли бўлган конструкциялардаги бетонлар ёки М200 ва ундан ортиқ марқадаги бетонлар учун тайинланган қум $1550 \text{ кг}/\text{м}^3$ зичликка эга бўлиши керак. Бошқа ҳолларда - $1400 \text{ кг}/\text{м}^3$ дан кам бўлмаслиги талаб этилади. Силташ жараёнида қум зичлашиб унинг зичлиги $1600-1700 \text{ кг}/\text{м}^3$ га етиши мумкин. Энг катта ҳажмни 5-7 % намланганлик ҳолатидаги қум эгаллайди; намликнинг ортиши ёки камайиши билан қумнинг ҳажми камаяди (расм-6.3). Бу хусусиятни қумни қабул қилиш ва миқдорлаш жараёнида (ҳажм бўйича), шунингдек бетон тайёрлашда инобатга олиш керак.

Билимларни назорат қилиш учун саволлар.

1. Қандай бетон тўлдирувчилари мавжуд?
2. Узлукли ва узлуксиз таркиб нима?
3. Фуллер томонидан қандай тенглама таклиф этилди?
4. Тўлдирувчи бўшлиқлиги ва донадорлик таркиби орасида қандай боғлиқлик мавжуд?
5. Қоришма ғоваклилиги ҳажмининг (масса бўйича %да) майда ва йирик тўлдирувчи миқдорига боғлиқлигини графикда тушунириинг?
6. Қум ҳажмининг ортишига нисбатан боғлиқлик?

Ўзбекистонда маҳаллий хом-ашёлар асосида олинадиган енгил тўлдирувчилар

Умумий маълумотлар

Ўрта Осиё минтақасида индустрисал қурилишни кенг тараққиёти учун маҳаллий хомашё ресурслари асосида янги сунъий ғовак тўлдирувчиларни ишлаб чиқаришни йўлга кўйиш зарур.

Шунингдек, Ўзбекистон вилоятларида ҳам қурилиш индустрисида зарур бўлган табиий ва сунъий ғовак тўлдирувчилар ишлаб чиқариш учун хомашё бисёрдир. Яъни, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш саноатининг хомашё базаси яратилган бўлиб, жами 526 тадан кўпроқ конларда геологик қидирав ишлари бажарилмоқда, шу жумладан, 27та цемент, 200та ғишт, 14та керамзит хомашёси, 75та кум-шағалли материаллар, 44 та қурилишбоп тошлар, 25та охак ишлаб чиқариш учун, 25та бетон ва силикат буюмлар ишлаб чиқариш, 11та гипс ва ганч, 3та минерал бўёқлар ишлаб чиқариш учун, 5та шиша хомашёси ва х.к.

Аниқланган конларнинг умумий сонидан 236 таси саноат ўзлаштирилишига жалб қилинган, шулардан 114 таси “Ўзқурилишматериаллар” АҚ балансидадир.

Бугунги кунда Республикаизда кум-шағал материаллари Хоразм вилояти ва Қорақолпоғистон Республикасидан ташқари барча вилоятларда мавжуд бўлиб, жами 75 та конларни ташкил қиласди. Улардан 52 тасида 491,6 млн.т. заҳиралар ўзлаштирилган, 2009 йилда қум, шағал ишлаб чиқарувчи 4 та корхона ташкил қилинди: “Рисминг Стар”МЧЖ (йилига 15,6 минг м³, Қашқадарё вил.), “Хожи Абдурашид ишлаб чиқариш ва таъминот” ХК (йилига 40 минг м³, Қашқадарё вил.), “Бек Мада қурилиш” ХК (йилига 35минг м³., Тошкент вил.), “Файз-С” ХК (йилига 20 минг м³., Самарқанд вил.).

Ўзбекистондаги қурилиш моддаларини ишлаб чиқарувчи асосий корхоналари тўғрисидаги маълумот жадвал-5.1да келтирилган. Жадвалдан кўриниб турибдики, сунъий ғовак тўлдирувчи керамзит Республикадаги 8та корхонада 64,3 млн. м³ ҳажмда ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Шу жумладан Қорақолпоғистон Республикасида 2та корхонада 14,3 млн. м³ , Навоида 1,3 млн. м³ , Қашқадарёда 2та корхона – 17,8 млн. м³ , Сурхондарё вилоятида 1та 26,2 млн. м³ , Самарқанд вилоятида 1та корхона 3,7 млн. м³ ва Фарғона вилояти 1та корхона 1 млн. м³ керамзит ишлаб чиқарилади.

Объектлар қурилишида сунъий ғовак тўлдирувчи-вермикулит маҳсулотининг қўлланилишини аълоҳида таъкидлаш лозим. Ўрта Осиёда ягона вермикулит рудалари Қорақалпоғистон Республикасининг Тебинбулоқ конида жойлашган бўлиб, бугунги кунда Республикаизда ундан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда қўллаш йўлга қўйилди.

Шуни айтиш мумкунки, 20 см қалинликда тўқилган вермикулит иссиқлик ўтказиши бўйича 1,5 метр қалинликдаги ғиштли девор ёки 2 метр қалинликдаги бетон деворга эквивалентdir. Чордок ораётмаларига 5 см

қалинлиқда түкілган вермикулит иссиқлик йүқотилишини 75% га, 10см қалинлиқдагиси эса 92% га камайтиради.

Бархан құмлари асосида олинадиган енгил тұлдирувчилар

Тошкент архитектура қурилиш институтининг “Йиғма темир-бетон ишлаб чиқариш” кафедрасыда профессор Ботвина Л.М. ва унинг шогирдлари томонидан Республика хомашё базаси асосида сунъий ғовак тұлдирувчилар ишлаб чиқариш технологияси яратылған.

Шулар жумласидан, бархан құмларидан фойдаланиб олинған ғовак тұлдирувчилар, керампорит-Ұрта Осиё мінтақасыда жойлашған құмоқ тупроқтар асосида олинадиган сунъий ғовак тұлдирувчи, кампорит-тоғ бағри атрофидаги туф ва дацит порфирлари асосида, карбопорит-доломит ва доломитсімон охактош чиқындилари асосида олинадиган сунъий ғовак тұлдирувчилардир.

Бархан қуми асосида олинадиган ғовак тұлдирувчига асосий хомашё сифати Қорақолпоғистон Республикасида Тахиаташ, Қизилжар ва Түрткүл конларидаги бархан құмларидир. Пластиковчи құшымча сифатида Қорақолпоғистон Республикасида Бештепа конида жойлашған бентонит лойларидан фойдаланилған.

Енгил ғовак тұлдирувчи олиниши учун 60-70% бархан қуми 20-30% Бештепа лойи пластиковчи боғловчи сифатида ва ғовак ҳосил қилиш учун 5-10% Ангрен күмири ишлатилади. Заррачаларни қиздириб қовуштириш технологияси керамзитни олиш технологияси билан бир хил.


Жадвал-18.1

№	Күрсаткич	Қиздириш даражаси 1180-1200 ⁰ C
1.	Зичлиги, кг/м ³	710-810
2	Мустаҳкамлиги, МПа	1,1-2,3
3	Сув шимувчанлиги,(%) : 1 соатдан кейин 48 соатдан кейин	17-29 21-24,9
4	Тұлдирувчи маркаси	750-800

Бархан құмлари асосида йирик ғовак тұлдирувчилар ишлаб чиқаришни қуидаги технология асосида ташкил қилиш мүмкін.

Бентонит лойи ва күмир тасмали транспортёрда майдалаб янчидиган бўлимга жўнатилади. Келаётган лой майдаланади. Кўмирни ҳам болғали майдалагичдан ўтказилади. Керакли бўлаклардан тарози тарелкалари орқали компонентлар намлаб, аралаштиргичга берилиб, тешикли булғалагичга жўнатилади.

Ҳосил бўлган доначалар куйдириш учун айланма печларга узатилади. 1180-1200 ⁰C 30 минут давомида улар пиширилади ва совутгичлар орқали тайёрлаш маҳсулотлар бункерига юборилади.



Расм-18.1. Бархан құмлари асосида олинадиган енгил ғовак түлдирувчилар олииши технологияси

Керампорит, қампорит ва карбопорит асосидаги енгил түлдирувчилар


Керампорит олишдаги асосий хомашё бу қумоқ тупрок бўлиб, 70-80% ни ташкил этади ва уларга қўшимча сифатида Келес ва Дарвоза конларида жойлашган монтмориллонит лойлари ва 10% гача Ангрен кўмири қўшилади.

Ғовак түлдирувчининг физикавий-механик хоссалари

Жадвал-18.2

№	Кўрсаткич	Куйдириш даражаси
---	-----------	-------------------

		1000-1080 °C
1	Зичлиги, кг/м ³	800
2	Мустаҳкамлиги, МПа	13,5-18
3	Сув шимувчанлиги,%	15-20
4	Вазн камайиши, %	0,35-1,2




Расм-18.2. Қумоқ тупроқ асосида ғовак тұлдырувчилар ишилаб чықарииш технологиясы(Керампорит)

Кампорит олиш учун асосий хомашё сифатида тоғ ён бағридаги туф ва дацит порфирлари қўлланилади. Пластикловчи қўшимча ўрнида бентонит лойлари ва қумоқ тупроқлар ишлатилилади.

Кампоритнинг физикавий-механик хоссалари

Жадвал-18.3

№	Кўрсаткич	
1	Зичлиги, кг/м ³	650-735
2	Доналараро бўшлиғлиги ҳажми, %	42-46
3	Мустаҳкамлиги, МПа	5,1-6,7
4	Сув шимувчанлиги, %	15,9-17,4
4	Вазн камайиши, %	0,1-1,2



Расм-18.3. Дацит порфири асосида олинадиган енгил говак тўлдирувчилар ишилаб чиқарииш технологик схемаси(Кампорит)

Карбопорит сунъий ғовак тўлдирувчининг асосий хом ашёси доломит ва доломитсимон оҳактош чиқиндилари 60% ни ва Дарвоза конидаги бентонит гили 40% ни ташкил топган. Улар аралашмасидан тарелкали доналагичлар ёрдамида доналар тайёрланиб, айланма печларда 1180-1220 °C да 30-35 минут давомида куидирилади. Сўнг тайёр маҳсулотлар бункерига узатилади.

Карбопоритнинг физикавий-механик хоссалари

Жадвал-18.4

№	Кўрсаткич	
1	Зичлиги, г/см ³	2,5
2	Уйма зичлиги, кг/м ³	480-500
3	Доналар ғоваклиги, %	58-60
4	Сув шимувчанлиги: %	
	1 соатдан кейин	30,5
	48 соатдан кейин	32,5
5	Мустаҳкамлиги, МПа	2,2-3,3

Юқорида кўрсатилган маҳаллий хомашёлари асосида ишлаб чиқилган енгил ғовак тўлдирувчиликлар ЎзРСТ талабларига жавоб беради.

Билимларни назорат қилиш учун саволлар.

1. Маҳаллий хомашё ресурслари асосида қандай сунъий ғовак тўлдирувчиликлар ишлаб чиқариш мумкин?
2. Қурилиш материалларини ишлаб чиқариш саноатининг қандай хомашё базаси мавжуд?
3. Ўзбекистондаги қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи асосий корхоналарни келтиринг?
4. ТАҚИ да қайси олимлар томонидан Республика хомашё базаси асосида сунъий ғовак тўлдирувчиликлар ишлаб чиқариш технологияси яратилган?
5. Бархан қумлари асосида олинадиган енгил ғовак тўлдирувчиликлар олиш технологиясини келтиринг?
6. Карбопорит қандай физикавий-механик хоссалар га эга?
7. Дацит порфири асосида олинадиган енгил ғовак тўлдирувчиликлар ишлаб чиқариш технологик схемасини келтиринг?
8. Кампорит қандай физикавий-механик хоссалар га эга?

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

А) Асосий адабиётлар ва қўлланмалар.

1. Акрамов Х. А., Нуриддинов Х.И., Раҳимов Ш.Т., Туропов М.Г., «Бетон тўлдирувчилари технологияси». Ўқув қўлланма. Т., ТАҚИ, 2010-167 бет.
2. Қосимов Э. Курилиш ашёлари. Дарслик. Т., “Мехнат”, 2004-512 бет.
3. Махмудова М.А., Нуриддинов Х.Н. Бетон ишлари технологияси. Ўқув қўлланма. Т. «ТАЛҚИН» 2004-64 бет.
4. А.Хамидов. Курилиш материаллари ва буюмлари. Дарслик. Тошкент «Фан ва технология». 2014.345 б
5. Самигов Н.А., Ҳасанова М.К., Зокиров С.Ж., Комилов Х.Х. Қурилиш материриаллари фанидан мисол ва масалалар тўрлами. Ўқув қўлланма. Т. “Турон-икъбол”. Т. 2005-160 бет.
6. Ицкович С.М., Чумаков Л.Д., Баженов Ю.М. Технология заполнителей бетона. Учебник М., “Высшая школа”, 1991-272 бет.

Б) Қўшимча адабиётлар ва ўқув услубий қўясатмалар.

7. Газиев У.А. «Бетон буюмлари ва конструкцияларининг коррозияси ҳамда ҳимояси». Ўқув қўлланма. Тошкент. 2000-100 бет.
8. Умурзаков Э.К., Зокиров М.Х. Бетон ва арматура ишлари. Ўқув қўлланма. Фарғона. Техника. 2002-115 бет.
9. А.Хамидов Бетон тўлдирувчилари технологияси фанидан курс лойихасини бажариш учун услубий қўрсатма. Наманган. НамМҚИ, 2019, 20 бет.
10. Самигов А. А. Карбамид полимербетон. Ўқув қўлланма. Тошкент. 1993-76 бет.
11. А.Хамидов, С.Нўмонова. “Бетон тўлдирувчилари технологияси” фанидан тажриба машғулотларини бажариш учун услубий қўрсатма. Наманган. НамМҚИ, 2019, 20 бет
12. Ўз. Рст 7473-94. Бетон қоришмалари.
13. Ўз. Рст 707-96. Бетонлар таснифи ва умумий техник шартлар.

Хорижий манбалар.

1. Копонленко А.И. Технология бетона. Расчёты и задачи. Учебное пособие. К."Вища школа". 1975-248 бет.
2. Попов Л.Н. Технология железобетонных изделий в примерах и задачах. Учебное пособие. М. «Высшая школа». 1987-192 бет.
3. Дамдинов Э.Г. Мелкозернистый бетон с использованием нанокремнезма. В сб. Промышленное и гражданское строительство в современных условиях. МГСУ, 2011.
4. Ахметов Д.А., Ахметов А.Р., Бисенов К.А. Ячеистые бетоны. – Алматы: Фылым, 2008. – 384 с.
5. Кулибаев А.А., Касимов И.К., Ахметов Д.А. Ячеистый бетон и высотное строительство // Архитектура и строительство Казахстана в новом тысячелетии: материалы научно-техн. конф. Алматы: КазНТУ им. К.И. Сатпаева, 7-8 ноября 2008. – С. 319-321.
6. Баженов Ю.М. Бетонополимеры. М., 1983.
7. Баженов Ю.М. и др. Мелкозернистые бетоны. М., 1998.
8. Ицкович С.М., Чумаков Л.Д., Баженов Ю.М. Технология заполнителей бетона. М., 1991.
9. Лещинский М.Ю. Испытание бетона. М., 1980.
10. Павленко С.И., Малышкин А.И., Баженов Ю.М. Бесцементный мелкозернистый композитный бетон из вторичных минеральных ресурсов. Новосибирск, 2000.
11. Петер А. Киулло., Сара Робинсон. Волластонит – универсальный функциональный наполнитель.
12. Баженов Ю.М. Технология бетона. М., 2007.
14. Лещинский М.Ю. Испытание бетона. Справочное пособие. М. Стройиздат. 1980-360 бет.
15. Шестоперов С. В. Контроль качества бетона. Учебное пособие. М. Высшая школа. 1981-250 бет.
16. Чошибиев К.Ч. Технология полимербетонов с использованием барханных песков. Монография. Ашхабад Илым. 1983-332 бет.
17. Железобетонные конструкции из бетонов на отходах горнорудной и металлургической промышленности. Авторы: Строilenko Л. И. и др. Киев, "Будёвлевник". 1982-250 бет.